ларини этиборга олиб, кутиб олишга ҳаракат киламиз. Шунинг учун кўп эътиборни унга қаратамиз. Меҳмонхонада нафис композицион ечим топилиши керак. Шифт ва деворлардаги композицияларда ўзаро уйғунликни топиш керак. Яъни улардаги композициялар бир-бирига боғланган ҳолда, бир мақсадга қаратилган ёки бир мавзунини ёритиб бера оладиган бўлиши керак. Бунда дизайнер, интерьерни яхлит тасаввур қилиши керак. Бундан ташқари интерьерда ишлатилган материаллар, уларнинг ранглари муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай интерьерни лойиҳалаётган пайтда эътибор берилмайдиган жихатлар бор. Уларнинг кетма кетлиги қуйида кўрсатилган.

1. Қулайлик.
2. Мавзу ёки мақсад.
3. Яхлитлик ва стил.
4. Гўзаллик.
5. Ранглар уйғунлиги.
6. Материаллар сифатлилиги.

Хар-хил давлатларда меъморлик хар-хил бўлгани каби, интерьер безалиши ҳам хар-хилдир. Бу ўша юртнинг географик ўрнашувига, табиати ва одамларига боғлиқ.

Интерьердаги композицион ечим, ранглар уйғунлиги, эшик дераза, хатто уларнинг ўлчамлари ҳам иншоатларни қай мақсадда қурилганига қараб белгиланади. Масалан, (касалхона, ресторан, мактаб, меҳмонхона ва х.к.).



Фарғона шахридаги «Тожмахал» тўйхонаси  
Дизайнер: Қосимов О.С. Архитектор: Асомов Р.

Бинонинг ички қисмлари 3 турга бўлинади.  
А) Асосий қисм. Бинонинг асосий вазифасига кўра.

- Б) Ёрдамчи қисмлар.
- В) Коммуникацион қисмлар.

Турар жой ва жамоат бино интерьерларини ташкил қилишдаги асосий жиҳатлардан бири бу интерьердаги композицион ечимни инсон руҳиятига таъсири. Бир хил конструкцияга эга бўлган бино интерьерларида ушбу жараёни бадий ечимини топиш анча мушкул. Бунда ички безашдаги безак материаллари, декоратив

сувоқлар, минералли, фактурали, текстурали бўёқлар, полдаги мрамор, керамик плиталар, айниқса маҳобатли ва декоратив амалий санъат намуналари муҳим рол уйнайди. Интерьердаги композицион ечимда албатта бир марказ бўлиши керак.

Мавзу асосида марказдаги композиция тизими танланади ва жойлаштирилади.

Бу ечимни топишда биз композиция асослари бўйича ўрганган композиция қонуниятларига мурожаат қиламиз. Улар Ритм, Метр, Динамика, Статика, Контраст, Нюанс ва бошқалардир.

Динамика - композициянинг маълум бир харакатини кўрсатади.

Статика - эса композицияда харакат йўқлигини кўрсатади.

Контраст – қарама-қаршилик, Нюанс бирига яқинлик, уйғунлик демакдир. Контраст ва нюанс, ранглар жилосида яққол намоён бўлади ва ўз ечимини топади.

Булардан ташқари пропорция, масштаб, равновесия каби қонуниятлар композицион ечимни топишда асосий ёрдамчи беради. Бу композициялар бир мақсадга йўналтирилган бўлиши керак. Ана шу йўналишдаги ритмни ушлаб қолиш ҳам жуда муҳим. Буни биз мусикадаги ритмга ўхшатишимиз мумкин. Бу композицион ечимларни шифт ва деворларда, текис ёки бўртма усуллар билан амалга ошириш мумкин. Дераза ва эшикларни жойлашуви. Уларни жойлашувида ғарб, шарқ, шимол, жануб томонларни эътиборга олиш керак. Ундан ташқари мебелларни жойлаштириш, ёриткичларни ўз жойларини топиш ҳам муҳим роль уйнайди. Дизайнер интерьер жихози учун ишлатиладиган материалларни ранги ва шаклидан ташқари, уларни фойдали ёки зарарли томонларини, ҳамда конструктив томонларини билиши керак. Чунки одамлар дизайнерга ишониб, ўз уйларини топширадилар.

Интерьердаги композицияларда горизонтал ва вертикал чизиқли композициялар ишлатилади. Булардан тўғри фойдаланишни дизайнер яхши билиши керак. Чунки бу инсон руҳиятига катта таъсир кўрсатади. Агар хонанинг шифти паст бўлса, вертикал чизиқли композицион ечим ўйлаб топиш мақсадга мувофиқ бўлади. Вертикал чизиқлар хонани баланд қилиб кўрсатади.

**Ранг ва интерьер.** Интерьерда рангларнинг ўрни бекиёсдир. Улардан тўғри фойдаланилмаса, чиройли ўйлаб топилган композицион ечим ҳам, зерикарли кўриниш олади. Ҳаётда турли хил табиий ранглар мавжуд бўлиб, улардан 7 хили камалакда ўз аксини топган:



1. қизил;
2. зарғалдоқ;
3. сариқ;
4. яшил;
5. ҳаворанг;
6. кўк;
7. бинафша.

Бирок булардан кўзга тез ташланадиганлари табиатда 3 хил рангдан иборат. Улар:

1. қизил;
2. сариқ;
3. кўк.




Рангдан рангга ўтиш Бабажанова Умида 2-босқич талабаси

Қолган ранглар ана шу 3 хил ранг аралашмасидан келиб чиқади. Бундан ташқари ранглар қаторидан жой олмаган, оқ ва қора ҳам бор. Қўлингизга оқ ва қора бўёқларни олиб, асосий ранглар қизил, сариқ, кўк ранглар билан уларни аралаштиринг. Натижада сиз бир неча минг хил рангларни топасиз.

Ранглар ўз навбатида иссиқ ва совуқ рангларга бўлинади. Иссиқ ранглар қизил, зарғалдоқ, сариқ. Совуқ ранглар яшил, кўк, бинафша. Ҳар бир одамга хар-хил ранглар

ёқади. Бу эса инсон руҳияти билан боғлиқ. Шунинг учун ранглардан фойдаланишда жуда эҳтиёткор бўлишимиз керак.



Иссиқ ва совуқ ранглар



Қибрайдаги болалар майдончаси Дизайнер: Қосимов.О.С

Яна бир эътиборли томони инсон умрининг кўп қисми интерьер, яъни хона ичида ўтади. Баъзи ранглар инсонларни активликка бошлай-

ди, баъзилари эса тинчлантиради. Баъзи ранглар инсон кайфиятини туширса, баъзилари кайфиятни кўтаради, хурсанд қилади.

Болалар майдончалари ва хоналарини безашда биз ёрқин ранглардан фойдаланамиз.



Тошкентдаги мухаририят интерьери

Жамоат биноларида эса кўпроқ тинчлантирувчи ранглардан фойдаланамиз.

Ранг-одам яшайдиган мухитни шакллантириш ва унда шарт-шароит яратиш учун энг қулай воситадир. Интерьер учун ишлаб чиқарилаётган барча мебеллар, шакл жихатидан бир бирига ўхшаш бўлиши мумкин, лекин рангда эса имкониятлар жуда кенг. Ранг хар бир шахснинг ўз ихтиёрида. Ранглар хонанинг характерига жиддий таъсир кўрсатиб, шинамлик, эстетик қиёфа, индивидуаллик каби имкониятларни очиб беради. Ранглар билан хар қандай касб эгаси ўз-ўзини намоён эта олади. Ранг хар қандай ҳолатда одамларга муайян психологик - физиологик таъсир кўрсатади.

Яшил ранг машғулотлар зонасига тавсия этилади, у кишини бир маромда ритмик ишга ёки осоишталикка мойил қилади. Хаво ранг эса хоналарда шинамликни ташкил этишда ёрдам беради.

Қизил ранг билан деворлар бўялса, у одамни тез чарчатиши, асабийлаштириши мумкин, Лекин ушбу ранг болалар психологиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Зарғалдоқ ранг худди қизил ранг каби болалар хонаси ёки болалар майдончаларига тавсия қилинади.

Сариқ ранг куёш нури билан уйғунлашиб, баъзан одамни чарчатиб қуйиши мумкин. Лекин кейинги пайтларда ушбу ёрқин ранглардан фойдаланиш экстерьерда анъана тусини олмоқда. Бир нарсага эътиборни қаратишимиз

керак, хар қандай рангни оқ ёки қора ранг, билан аралаштириб, бир неча минг хил ранг тусини топишимиз мумкин.

Оқ юзалар ёруғлик нурини кўпроқ намоён қилади, шунинг учун предметларнинг рельефини бошқа рангларга қараганда яхшироқ акс эттиради.

Агар хона сиз учун тор бўлиб кўринаётган бўлса, деворларга зангори ёки кулранг рангларидан фойдаланишни тавсия этамиз. Шунда уларнинг сатхи кенгайган ҳолда кўриниш беради. Агар хона ортиқча чўзиқ бўлса, уни бир оз қисқартирмоқчи бўлсангиз, у ҳолда деворларни зарғалдоқ қизил, терракота рангига бўяш тавсия қилинади. Бу ҳолатда шифт, девордаги композицион ечимлар муҳим роль уйнайди. Биз интерьер ичида рангни бошқа нарсалардан ажралган ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Девор, шифт ва мебелларнинг ранглари бири-бирига таъсир этади. Буларнинг ранглари бири-бири билан уйғунлашган ҳолда бўлиши керак. Тонал муносабатлар бўшлиқни идрок этишга таъсир қилади.

Интерьер ички безагини контраст ранглар билан безасак, хонанинг ичи кичикроқ бўлиб кўринади, ва аксинча агар нюанс ранглар билан безасак хона каттароқ бўлиб кўринади. Интерьерни бўяшда яна бир муҳим жихат бор, деразаларни жануб ёки шимолга қараб жойлашуви. Агар ойналар жанубга қараган бўлса, хона ичида совуқ ранглар ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар ойналар шимолга қараган бўлса, ранглар иссиқ танланиши керак, чунки шимол тарафдан табиий ёруғлик жуда кам тушади. Бу тавсиялар асло мажбурий эмас. Ўзингиз яшаб турган уйни хоҳлаганингизча дизайн қилишингиз мумкин. Айтадиларку дид хақида тортишилмайди.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз . Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008.
3. Ўзбекистон шаҳар микрорайонлари қурилишини комплекс таъминлаш учун кўрсатмалар. Тошкент, 1970.
4. З.А.Камышанова «Новый город» Антонио Сант’Элиа: утопия или реальность? - <http://www.niitag.ru/info/doc/?127>
5. Композиция ва ранг О.С. Касимов, М.Б. Исакова, Д.М. Билолов, Д.Ш. Саипова.

## ҚИРҚҚИЗ ЁДГОРЛИГИ ВАЗИФАСИ ҲАҚИДА

Назаров Ў.О., ассистент (ТАҚИ)

В статье приводятся различные взгляды и мнения о назначении архитектурного памятника «Қирққиз» а также архитектурно-планировочное решение этого архитектурного памятника.


In paper various sights and opinions on appointment of an architectural monument «Qirqqiz» are resulted and also is architectural - planning the solution of this architectural monument

Қирққиз қалъаси IX – X асрларга оид бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида вайрона ҳолда сақланган. Обиданинг нима мақсадда қурилганлиги (қалъа, сарой, хонақоҳ, карвонсарой) ҳақида аниқ маълумот йўқ. Шунинг учун ҳам у ҳақида турли қарашлар мавжуд. Мазкур мақола Қирққиз ёдгорлиги вази-фасини аниқлашга бағишланади. Юқорида айт-ганимиздек у ҳақда турли фикр – мулоҳазалар мавжуд. Шулардан биринчисига қуйидагилар қиради: Маълумотларга биноан, мазкур қалъа Осиёнинг энг билимдон кизларини йиғиб, илм-фан тараққиётида ўз ўрнида ўчмас из қолдир-ган қирқ киз академияси номига эга бўлган. Қалъанинг меъморий тузилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Меъморий салоҳияти юқори бўлган қалъада ҳам дунёвий, ҳам диний билимлардан сабоқ олган кизларнинг яшаши, билим олиши ҳамда коинотни кузатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Сур-хондарё вилоятида 2004 йилдан буён фаолият олиб бораётган "Қирққиз" хайрия маънавият-маърифат марказида ноёб қўлёзмалар фонди мавжуд, - дейди арабшунос олима Гулсум Хўжамшукурова: “Ушбу фондга жуда кўплаб китоблар келиб тушмоқда. Ўша китоблардан бири "Илм ун-нужум"ни таржима қилинган вариантыда унда "Қирққиз" боби ҳам мавжуд. Китобда айтилишича, «"Қирққиз қалъаси"га кизлар қирқта давлатдан келганлар ҳамда қирқта имтиҳон топшириб академияга аъзо бўлганлар. Ушбу академиянинг дорилфунун деб аталганлиги хусусида ҳам маълумотлар бор. Атамашунослардан олинган манбаларга кўра, бу ерда кизларга қирқ соҳадан сабоқ бе-рилиб, унга Ал Ҳаким ат-Термизийнинг кизлари Рухайдаи Даврон раҳбарлик қилган». Бундан ташқари, ҳар бир киз қирқта соҳани ўрганиб, қирқта тилни билган. Хусусан, табо-бат ва илми нужум чуқур ва пухта ўргатилган.”

Иккинчисида: Оғзаки маълумотларга кўра, халқ дostonларида зикр этилган душманлар хужумини қайтара олган қахрамон қиз Гулой-им ва унинг 40 дугонаси айнан шу ерда яшаш-ган. Шунингдек, 20-асргача халқ томонидан Қирққиз қалъаси, «Шаҳри Сомон» деб ҳам

аталган.

Унинг ўрта асрларда Термиз шаҳарининг ташқарисида жойлашганлиги сабабли қалъа шаҳар ташқарисидаги кўрғон вазифасини ўтаганлигини кўрсатади. У дунёнинг тўрт то-монида мослаб қатъий режа асосида бунёд этилган бўлиб, тўртбурчак тарҳли (53,3x54,8 м), 1 қаватли, фақат йўлаклар умумий баланд-ликда 2 қаватли, хом ғишт (30x30x5-5,5 см) лардан қурилган, тоқ ва равоқларида шу ўлчамдаги пишиқ ғиштлар ҳам ишлатилган қалин девор билан ўралган (ташки девор қалинлиги 2—2,5 м), бурчаклари ҳажмдор буржлар билан мустаҳкамланган буржлар оралигида тоқлар билан ёпилган айвонлар жойлашган, тарзларига бир маромда такрорла-нувчи туйнуқлар ишланган. Қалъанинг барча хоналари (11,5x11,5 м) ўзаро йўлаклар орқали, марказий саҳн (11,5x11,5 м) ҳовли ёки гумбаз-ли зал билан боғланган.



Обиданинг 1–2 қаватлари тарҳи

Айвон ва йўлаклар бинони 4 қисмга бўлган. Булар: 2 та бир хил тузилган (5 хона ва 3 томо-нидан ўралган йўлак, эни 2,1 м) шимолий-ғарбий ва шимолий-шарқий ҳамда 2 та жану-бий-ғарбий (2 та йўлакча билан боғланган 5 та хона) ва жанубий-шарқий (йўлакча билан боғланган 2 та хона ва 3 устунли катта меҳмонхона) қисмларидир. Йўлаклар ва хона-лар девордаги туйнуқлар орқали ёритилган. Қирққиз қалъаси томи балхи ҳамда ўзаро ке-сишган гумбазсимон тоқлар, гумбазлар, тоқлар ва равоқлар қўлланилган.

Учинчида: Араблар ғарб ва шарқдан босиб

олинган халқларнинг жамоат биноларининг етишмаслиги сабабли, улардан ўзларига уй – жой қуришини талаб қилган. Хишам ибн Абд ал – Малику учун қурилган карвон сарой Каср ал – Хайр аш – Шарки (728 – 729, Сурия) ташқи девор ва ички ҳовли ўртасида устунли айвон ва кўплаб икки қаватли хоналарга эга. Сосонийлар қасрлари стилида қурилган шунақа карвонсарой арабларга жуда кўл келган, бу карвонсарой 850 гектар кишлок ерларига эга бўлиб, 22 километрли пахсали қалъа билан ўралган.

Шунга ўхшаш тархли обида кейинги асрда ислом империясининг нариги бурчагида қурилган, булар: Термиз яқинидаги Шаҳри Сомон жойлашган пахсали Қирқ киз кўшки. 819 йилда Сосоний фарзандлари ва набираси Бухоро пойтахти билан асосий Мовороуннахр вилоятларини кўлга киритди ва X асрнинг биринчи ярмида Сомонийлар давлатининг ривожланиши, юқори даражага кўтарилди. Шу пайтдаги Кўшқлар тархи ўзининг анъанавий кўринишини сақлаб, химоя (мудофаа) вазифасини йўқота бошлаган. Шу жумладан Қирқ киз ҳам. Квадрат планга эга 54x54 м (Месопотамия) ҳовли коридорлар билан туташган, туташтирувчи коридорлар марказий 11,5x11,5 м ҳовлига олиб борган, 4 томонда пайдо бўлган бинода 50 га яқин 2 қаватли, ва 3 устунли хоналар бор.



Обиданинг умумий кўриниши (Муаллиф реконструкцияси)

Каср ал – Хайр аш – Шарки ва Қирқ киз арабларнинг чегаравий фарпостларига қурилишни бир типли план асосида давом этган. Қирқ киз ёдгорлиги қаср ҳам эмас, Сомонийларнинг ёзги дам оладиган жойи ҳам эмас, ёки ҳонақоҳ ҳам бўла олмайди. У халифат ишлаб чиққан тарх бўйича қурилган, қурилишга жалб қилинган энг яхши усталар иморат гумбазларини яратишган. Шу типдаги гумбазлар пахсали архитектурадан ғиштли архитектурага ўтишга йўл очиб беради. Қирқ киз ёдгорлиги Амударёнинг нариги томонида Аббосийларга тегишли бўлган. Араблар учун бу работ бўлиб

ҳисобланган, яъни чегаравий муҳофаза бўлиб, хизмат қилган. IX – X асрларда деҳқончилик ерларининг қисқариши ва шаҳар атрофидаги чорвачиликнинг кенгайиши Ўрта Осиёда кўшқларнинг кўрғонлар ва шаҳарларнинг пайдо бўлишига ва XI – XII асрлардаги йирик феодал шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Кўшқлар фақат мулкдор деҳқонлар уйлари сифатида сақланиб қолди.

#### Лугат

**Бурж** – деворга ташқи томондан тиргак сифатида ишланган қурилма, қалъа деворларига туташ минора шаклидаги қўшимча иншоот. Мудофаа мақсадида қурилган махсус буржлар ҳам бўлган. Хоразм, Бухоро ёдгорликларида меъморий жиҳатдан диққатга сазовор турли хил буржлар сақланиб қолган. Баъзан ўрнига қараб бурж гулдаста, мезана, минора деб ҳам номланади.

**Карвонсарой**, работ, лангар – карвонлар тўхтаб, тунаб ўтадиган жой, сарой. Карвонлар йўлида (бир кунлик масофада) ва шаҳар ичида қурилган. У қароргоҳ, истиқомат жойи, истехком, молларни сақлайдиган омбор, оғил ва бошқа уй-жойлардан иборат бўлган. Карвонсаройларнинг меъморий шаклу шамойили ҳар хил бўлган.

**Кўшқ** (кўчик) – тўрт устунли, томи куббали асосан ёғоч ва қамишдан қурилган енгил қурилма; павильон, киоск. 1) Боғ ичкарасидаги зебу зийнатли айвон. 2) сарой, қаср; кейинчалик мураккаблашиб, кўп хонали ҳашаматли кўшқлар қурлган.

**Обида** – ёдгорлик, қадимият қолдиғи.

**Хонақоҳ** – 1) гумбазли катта бино, хона; 2) масжиднинг кенг ва катта хонаси; 3) хонақоҳларда зиёратчилар учун қурилган жамоатхоналар, ҳужралар ҳам шундай аталган.

**Қалъа** – атрофи девор билан ўралган кўрғон, арк, кент. Кўпинча қалъа асоси ер сатҳидан баландроқ кўтарилган бўлади.

**Кўрғон** – 1) узок муддатли истехкомлар, деворлар билан мустаҳкамланган жой, шаҳар, қалъа; 2) шаҳар, қалъа ва шу қабиларни мудофаа қилиш учун қурилган девор; 3) атрофи баланд девор билан ўралган ҳовлили уй-жой.

#### Адабиётлар:

1. Пугаченкова Г.А. Очиқ осмон остидаги музей. Т.:1981
2. Аскарлов Ш. Генезис архитектуры Узбекистана. 16-бет. Т.:2014
3. www.tashkent.uz.

УДК: 72.13 (575.1)

## ТЕМУРИЙЛАР БОҒЛАРИДАГИ КЎШКЛАРНИ ГРАФИК ҚАЙТА ТИКЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Маматмусаев Т.**, арх.ф.н., доц. (ТАҚИ); **Бегайдаров А.** докторант (СамДАҚИ)

В данной статье даётся, проектное предложение графической реконструкции дворца Давлатабад, который находится в одном из садов в Самарканде, построенных Амиром Темуrom. В процессе разработки этого предложения были использованы множество из исторических источников, а также опорой были взяты мнения и выводы известных учёных, архитекторов, археологов и историков.

In this article is given, design offer project for graphic reconstruction of palace Davlatabad, which was built by Amir Temur and one of the gardens of timurids in Samarkand. In process of the development of this design offer project were used and were take opinions from historical sources, as well as handholds, well-known scientists, architects, archeologists and historians.

Амир Темур ва темурийлар даврида боғ яратиш санъати ўзининг юксак чўққиларига кўтарилган. Ушбу даврларга оид боғлар тузилиши таникли олимлар В.Л.Вяткин, И.А.Сухарев, М.Е.Массон, Ў.Алимов, Г.А.Пугаченкова, П.Ш.Зоҳидов, А.С.Ўролов, Д.А.Нозилов ва бошқалар томонидан ўрганилган ва таҳлил қилинган. Боғлар таркибидаги кўшк-саройларнинг тархий тузилиши тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва уларнинг чизмалари чизиб қолдирилган (Ў.Алимов, Г.Пугаченкова). Кўпчилик олимлар томонидан уларнинг дастлаб қандай кўринишда бўлганиги тўғрисида бир қанча график реконструкциялар ишланган (Д.Нозилов, А.Ўролов, Т.Маматмусаев, С.Садикова). Бугунги кунда анъанавий чорбоғлар архитектурасида муҳим ўринни эгаллаган кўшк-саройларни график қайта тиклаш масалалари катта аҳамиятга эгадир.

XIV-XV асрлардаги боғлар таркибидаги кўшк-саройларни график қайта тиклаш ишлари бир неча олимлар томонидан амалга оширилган.

“Боғ кўшки асосан икки қаватли қилиб, мухташам ва маҳобатли бино – сарой тарзида қурилган. Шундай кўшк-саройларга эга боғлар қаторига Амир Темурнинг Самарқандда яратган Боғи Дилқушо, Боғи Бўлду, Боғи Давлатобод, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Беҳишт, Боғи Шамол, Боғи Нав, шунингдек, Шоҳрух Мирзо ва Ҳусайн Бойқароларнинг Ҳиротда, Бобур ва Бобурийларнинг Қобул, Кашмир ва Лаҳорда яратган боғлари ва бошқалар қиради. Уларнинг айримлари ичида фавворали ҳовузлар бўлган. Сарой Ў.Алимов томонидан ўрганилган ва сарой тархининг график реконструкцияси бажарилган.

Мазкур реконструкцияга биноан, боғ саройи тарҳда симметрик жойлашган икки қисмдан ташкил топган. Уларнинг ҳар бирида икки хона ва биттадан узун далон бўлган. Бу қисмлар марказий, яъни учинчи далон ёрдамида ягона

композицияга бирлаштирилган. Далонлар марказида биттадан жами учта ҳовуз бўлган. Мазкур сарой далонларидан бирининг ички кўриниши Д.А.Нозилов томонидан график тикланган. Унга кўра сарой далонларидан ҳар бири учтадан баланд гумбазга эга. Далон девор ва гумбазларининг юзаси ранг-баранг геометрик ва ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Пол юзаси мрамар тош билан пардозланган. Марказий гумбаз остида жойлашган ҳовузга сув фаввора тарзида отилиб турган. Бу ерда биз, иморат ичига табиат манзарасининг бир бўлаги олиб қирилганлигига гувоҳ бўламиз” [3, 76-77 б.].

**Кўшк - сарой** – ўзбек архитектурасида боғ ичидаги ёзги бинони билдиради. Ҳозирги енгил айвон, шийпон каби иншоотларнинг энг мураккаби ва ҳашаматлиси кўшк архитектурасини мужассам этади. Қадимги туркий атама Кўшк дунё бўйлаб саёҳат қилиб, Европа орқали ўз ватанига киоск – киоска шаклида қириб келган. Лекин Амир Темур ва Мирзо Улуғбек давридаги подшо яшайдиган мухташам саройларнинг асосий биноси ҳам тарихий солномаларда кўшк деб аталган. Масалан, Оксарой улуғ кўшки, Кўксарой улуғ кўшки, Дилқушо улуғ кўшки ва бошқалар [4].

М.Е.Массоннинг фикрича, Давлатобод боғи совға тариқасида қурилган бўлган. Самарқанд шаҳридан 13 км лар чамаси жанубда, Термизга кетадиган йўлнинг чап томонида жойлашган [2, 13-б.]. Испан элчиси Клавихонинг кундалигида Шаҳрисабдан Самарқанд шаҳрига қараб келишда шаҳаргача “... бир ярим лига масофа қолган эди” деб таъкидланган [1, 152-б.]. Шунингдек кундаликда Испан ва Бобил (Миср) султони элчилари Соҳибқирон Амир Темурнинг қабул қилишини кутиб 31 августдан 8 сентябргача кўркам боғда яшаганлиги келтирилади. Ушбу боғнинг номи кундаликда Гулбоғ деб келтирилган бўлсада [1, 153-б.], унинг Давлатобод боғи эканлигини англаб


олиш мумкин. Чунки Клавихо ва Ў.Алимов берган маълумотлар бир-бирига ўхшашдир.

Кундаликда боғ ва сарой манзараси қуйидагича келтирилади: "... Боғнинг атрофи лой девор билан ўралган бўлиб, девор айланаси тўла бир лига келар эди. Боғда цитрус ва лимондан бошқа ҳар хил мевали дарахтлар бор эди. Унда олти ховуз бўлиб, боғ ўртасидан анҳор оқиб турарди. Ҳовузлар баланд, сояли дарахтлар қаторидан ҳосил бўлган йўлак орқали бир-бирлари билан туташтирилган. ... Боғда тупроқдан уюб ясалган, ёғоч панжаралар билан ўралган усти текис баланд тепалик бор. Унда ажойиб кошона қад кўтарган. Кошонага тилло, ложувард ва рангли кошинлар билан тўкис ва мукамал сайқал берилган. Кошона жойлашган мазкур тепалик атрофи сувга лиммо-лим чуқур ҳандақ билан ўралган. Ҳандаққа узлуксиз сув оқиб туради. Тепалик устидаги кошонанинг икки томонида ҳандақлар оша унга олиб келувчи иккита кўприк қурилган. Ҳар бир кўприкнинг нариги томонида эшик бор. Эшиклардан кирилгач, тепаликка зинапоядан кўтарилади. Хуллас, мазкур бино (мустаҳкам) кўрғон эди. ... Боғдан яна худди шу боғнинг ўзидай йирик токзорга ўтилади, унинг атрофи девор билан ўралган. Кенг токзорга эшик орқали чиқилади" [1, 153-154 бетлар].

В.Л.Вяткин теурийлар даврига тегишли вақф ҳужжатларини ўрганиб, Дарғом канали билан Шавдор ариғи ўртасида Давлатобод қишлоғи бўлганлигини аниқлаган. 1936 йилда эса И.А.Сухарев Давлатобод боғининг аниқ жойлашган ўрнини топган. Бу боғ асосий йўл устида жойлашган экан. Боғдаги сарой баланд тепаликда жойлашган [2, 13-б.].

Ў.Алимовнинг археологик қазилма ишлари асосан боғ ўлчами 1350x900 м тўғри тўртбурчак шаклида эканлиги аниқланган. Боғ икки қисмдан иборат бўлиб, шарқ томондагиси кичик 900x450 м, жанубий-ғарб томондагиси эса 900x900 м га тенг бўлган. Боғ марказида баланд ғишт тепа бўлган. Тепалик тўртбурчак шаклда, томонларининг кенглиги юқори юзада 40x40 м, пастки асосида эса 65x65 м, баландлиги эса 12 м га тенг. Тепалик ўз даврида ҳандақ билан ўралган. Ҳандақнинг кенглиги 25-30 м атрофида бўлган. У ер сатҳидан 1,5 метр пастда жойлашган. Тепаликнинг марказида жойлашган бинонинг ўлчамлари 20x14 м бўлиб, унинг айвон ва бир неча хоналари мавжуд бўлган. Айвон жанубий-ғарб тарафда жойлашган. Айвондан кичик даҳлиз орқали бинога кирилган. Бино деворлари қалинлиги 0,9-1,0 м га тенг бўлган [2, 25-30 бетлар]. Ў.Алимов изланишларга асосланган ҳолда Давлатобод боғидаги сарой жойлашган тепаликнинг умумий кўриниши [2, 120-б.] ва тарҳининг [2, 122-б.]

реконструкция вариантларини ишлаб чиққан. Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда, Давлатобод кўшк-саройи кўринишини график тиклашга муваффақ бўлинди (қуйида келтирилган расмларга қаранг).



1-расм. Самарқанд. Давлатобод боғи график реконструкцияси.



2-расм. Давлатобод боғи умумий кўриниши таклифлари

Теурийлар даври боғлари ва улар таркибидаги кўшк-саройларни график қайта тиклаш муаммоси ҳозирги кунда долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Чунки тарихни мукамал ўрганмасдан туриб келажак архитектурасини яратиб бўлмайди. Ушбу график реконструкция ишлари намуналари келажакда қуриладиган истироҳат боғлари таркибидаги архитектура объектларини бунёд этишда қўлланилиши

мумкинлиги муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

#### Адабиётлар:

1. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). -Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
2. Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи. -Т.: “Фан”, 1984.

3. Уралов А.С., Садыкова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий “чорбоғ” услуги ва замонавий боғ-парк санъати. -Т.: “Санъат”, 2012.

4. Маматмусаев Т.Ш. Мирзо Улуғбек даври архитектураси. Монография. -Т.: 2014.

## ИНФОРМАЦИОННОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ – БУДУЩЕЕ ПРОЕКТИРОВАНИЯ

**Куртаметов Т. Э.** директор ООО «NefitGazPromProektServis»,  
**Куртаметов С. Э.** старший преподаватель кафедры «ТиОС» СамГАСИ.

Maqolada bugungi kunda eng zamonaviy bino va inshootlarni information loyihalash (BIM) yoritilgan. Maqolada information loyihalash (BIM) mazmuni yoritilib kelib chiqish tarixiga to'xtalgan, turli davlatlarda rivojlanish bosqichlari yoritilgan.

The article discusses the potential use one of the latest methods of designing buildings and structures – building information modeling (BIM). Explores the meaning of the term BIM, the history of its origin and evolution.

Наше время ставит перед проектировщиками зданий и сооружений новые задачи и предъявляет совершенно новые, ранее не возникавшие требования. Даже если перечислить лишь основные, список получается весьма внушительным:

- необходимость энергоэффективного и экологичного проектирования с учетом постоянно возрастающих требований к создаваемым объектам, а также появление новых технологий и материалов;

- необходимость рассчитывать при проектировании нового объекта его эксплуатационные (прежде всего экономические) характеристики;

- обеспечение возможности будущей работы с проектом здания в период его эксплуатации и ремонта, оптимизации текущих расходов, достижения коммерческой эффективности проекта;

- широкомасштабная реконструкция или реставрация ранее построенных объектов;

- высокие темпы строительства и необходимость быстрого проектирования новых или реконструируемых объектов;

- принципиальный рост внешнего объема вновь проектируемых объектов и уровня их сложности;

- высокая насыщенность новых зданий и окружающей их инфраструктуры инженерными коммуникациями и оборудованием, высокая плотность строительства (рис. 1);

- возрастающая важность юридического обеспечения проекта и увеличение объема рабочей документации;

- необходимость исследования и пересмотра в сторону усиления конструкции, устройства и коммуникаций уже существующих зданий в

связи с возрастающими сейсмическими, террористическими и иными угрозами;

- высокая информационная насыщенность зданий, широкое распространение и внедрение в строительную практику концепции "умного дома";

- необходимость быстрого и эффективного поиска, а также квалифицированного заказа оборудования, необходимого для оснащения здания;

- оптимизация проекта по различным параметрам;

- возрастающая потребность в сносе и утилизации старых зданий;

- интернационализация и международная кооперация в проектировании, когда благодаря компьютерным технологиям работа над общим проектом может продолжаться круглосуточно в разных точках земного шара;

- высокая международная унификация проектирования;

- резкое повышение цены ошибки, особенно уже просочившейся в проект и требующей исправления на стадии строительства или в процессе эксплуатации;

- потребность сделать само проектирование менее затратным и более эффективным, более гибким и устойчивым к кризисным явлениям в экономике.

Все перечисленное логично приводит к пониманию, что в современных условиях требуется уже не просто проект возводимого здания, а содержащая всю необходимую информацию модель объекта, которая может быть востребована в течение всего периода его существования.

И эта модель должна быть не выполненным

с помощью компьютера аналогом обычного картонного макета, дающего представление о формах объекта, а полноценной виртуальной копией здания со всей его начинкой, с количественными геометрическими и технологическими характеристиками конструкций, материалов и оборудования. Причем, все данные об объекте должны быть не просто собраны воедино (например, в виде некой таблицы или справочника), а являться параметрами модели, корректировка которых, с учетом существующих между ними зависимостей, влечет за собой автоматическое изменение всей модели.



Рис. 1. Застройка в одном из районов Нью-Йорка (2009 г).

**Все эти, а также многие другие проблемы и призвано решать начавшее совсем не давно входить в реальную практику новое направление развития проектирования – информационное моделирование зданий.**

Рубеж конца XX – начала XXI веков ознаменовался появлением принципиально нового подхода в архитектурно-строительном проектировании, в основу которого положено создание компьютерной модели здания, несущей в себе все сведения о будущем объекте. Это стало естественной реакцией человека на кардинально изменившуюся информационную насыщенность окружающей нас жизни и следствием осознания невозможности эффективно обрабатывать прежними средствами хлынувший на проектировщиков огромный и неуклонно возрастающий поток "информации для размышления", предваряющей и сопровождающей само проектирование.

Причем, этот поток информации не иссякает и после того, как здание уже спроектировано и построено. Так что возникшая в результате концепция информационного моделирования зданий – это намного больше, чем просто но-

вый метод в проектировании. Это также принципиально иной подход к возведению, оснащению, обеспечению эксплуатации и ремонта здания, к управлению жизненным циклом объекта, включая его экономическую составляющую, к управлению окружающей нас рукотворной средой обитания. Это изменившееся отношение к зданиям и сооружениям вообще. Наконец, это наш новый взгляд на окружающий мир и переосмысление способов воздействия человека на этот мир.

Подход к проектированию зданий через их информационное моделирование предполагает прежде всего сбор и комплексную обработку в процессе проектирования всей архитектурно-конструкторской, технологической, экономической и иной информации о здании со всеми ее взаимосвязями и зависимостями. Здание и все, что имеет к нему отношение, рассматриваются как единый объект.

Правильное определение этих взаимосвязей, а также точная классификация, хорошо организованное структурирование и достоверность используемых данных – залог успеха информационного моделирования. Если внимательно приглядеться, то нетрудно увидеть, что при такой концепции принципиальные решения по проектированию по-прежнему остаются в руках человека, а компьютер опять выполняет лишь порученную ему техническую функцию по обработке информации. Но главное отличие нового подхода от прежних методов проектирования заключается в том, что возникающий объем этой технической работы, выполняемой компьютером, носит принципиально иной характер, и самому человеку его уже не одолеть.

Новый подход к проектированию объектов и был назван *информационным моделированием зданий* или, сокращенно, *BIM (Building Informational Modeling)*.

Это понятие появилось в лексиконе специалистов сравнительно недавно, хотя сама концепция компьютерного моделирования с максимальным учетом всей информации об объекте начала формироваться и приобретать конкретные очертания намного раньше: еще с конца XX века она постепенно "вызревала" внутри бурно развивающихся CAD технологий.

Информационное моделирование зданий (BIM) – процесс коллективного создания и использования информации о сооружении, формирующий основу для всех решений на протяжении жизненного цикла объекта (от планирования до проектирования, выпуска рабочей документации, строительства, эксплуатации и сноса).

В основе BIM лежит трехмерная информа-



ционная модель, на базе которой организована работа инвестора, заказчика, генпроектировщика, генподрядчика, эксплуатирующей организации.

Понятие информационной модели здания было впервые предложено в 1975 году профессором Чаком Истманом (Chuck Eastman) в журнале Американского института архитекторов (AIA). Тогда же появилось и рабочее название: *Building Description System (Система описания здания)*.

В конце 1970-х – начале 1980-х это понятие развивалось параллельно в Старом и Новом Свете, причем в США чаще всего употреблялся термин *Building Product Model*, а в Европе (особенно в Финляндии) – *Product Information Model*. При этом, в обоих случаях слово *Product* ориентировало внимание на объект проектирования, а не на процесс. Можно предположить, что несложное лингвистическое объединение этих двух определений и привело к рождению термина *Building Information Model*.

В середине 1980-х европейцы применяли также немецкий термин *Bauinformatik* и голландский *Gebouwmodel*, которые в переводе опять же соответствовали английскому *Building Model* или *Building Information Model*.

Лингвистические сближения терминологии сопровождались и выработкой единого наполнения используемых понятий. С 1992 года в научной литературе термин *Building Information Model* используется в его нынешнем понимании.

Примерно с 2002-го *Building Information Model* ввели в употребление и ведущие разработчики программного обеспечения, сделав это понятие одним из ключевых в своей терминологии. В дальнейшем, благодаря деятельности таких компаний, как Autodesk, аббревиатура BIM получила широчайшее распространение, и ее теперь знает весь мир.

Если перейти к содержанию, то сегодня информационная модель здания – это хорошо скоординированная, согласованная, взаимосвязанная, поддающаяся расчетам и анализу, имеющая геометрическую привязку числовая информация о проектируемом или уже существующем объекте, которая используется для:

- принятия конкретных проектных решений;
- создания высококачественной проектной документации;
- предсказания эксплуатационных качеств объекта;
- составления смет и строительных планов;
- заказа и изготовления материалов и оборудования;
- управления возведением здания;

- управления и эксплуатации самого здания и средств технического оснащения в течение всего жизненного цикла;
- управления зданием как объектом коммерческой деятельности;
- проектирования и управления реконструкцией или ремонтом здания;
- сноса и утилизации здания;
- иных связанных со зданием целей (рис. 2).



Рис. 2. Основная информация, проходящая через BIM и имеющая к нему непосредственное отношение.

Иными словами, BIM – это всё имеющая числовое описание и нужным образом организованная информация об объекте, используемая как на стадии проектирования и строительства здания, так и в период его эксплуатации и даже сноса.

Как вы уже поняли, аббревиатура BIM может использоваться для обозначения и самой информационной модели здания, и процесса информационного моделирования – никаких недоразумений при этом не возникает.

В ряде литературных источников употребляется "уменьшенный" вариант сокращения, **bim** (так называемое "малое BIM"): общее обозначение для всего класса программного обеспечения, работающего в технологии "большого BIM" – информационного моделирования зданий.

Исторически сложилось, что некоторые разработчики компьютерных программ, относящихся к информационному моделированию зданий, кроме общепринятой пользуются еще и своей собственной терминологией. Например, компания Graphisoft, создатель широко распространенного пакета ArchiCAD, ввела понятие виртуального здания (*VB – Virtual Building*), которое в сущности переключается с BIM. Иногда можно встретить сходное по значению словосочетание "электронное строительство" (*e-construction*). Но на сегодняшний день термин

BIM, уже получивший в мире всеобщее признание и самое широкое распространение, считается в этой области основным.

Близка к BIM и сформулированная компанией Dassault Systemes в 1998 году концепция PLM (Product Lifecycle Management) – *управление жизненным циклом изделия*, которой сегодня активно пользуется практически вся индустрия САПР, особенно в машиностроении. При этом, в качестве изделий могут рассматриваться всевозможные технически сложные объекты: самолеты и корабли, автомобили и ракеты, здания и их системы, компьютерные сети и т.п. Концепция PLM предполагает, что создается единая информационная база, описывающая три основных компонента создания чего-то

нового по схеме "*Продукт – Процессы – Ресурсы*", а так же связи между этими компонентами. Наличие такой объединенной модели обеспечивает возможность быстро и эффективно увязывать и оптимизировать всю указанную цепочку. Так что с большой долей уверенности можно говорить, что BIM и PLM – "близнецы-братья" или, более точно, что BIM является дальнейшим развитием и уточнением концепции PLM в специализированной области человеческой деятельности – архитектурно-строительном проектировании.

#### Литература:

1. Журнал «CAD Master». № 4. 2010.

УДК 323.(575)072

### ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАР МАРКАЗЛАРИ РЕЖАВИЙ ТУЗИЛИШИНING ЎЗИГА ХОСЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТАМОЙИЛЛАР

Тоштемуров Р.Т. арх.ф.ном доцент; Маликов У.Э. ассистент (СамДАКИ)

В статье рассмотрены принципы и правила, определяющие оригинальность структуры исторических городов Узбекистана, которые служат теоретической основой для сохранения и восстановления исторических центров Узбекистана.

The above principles and rules defining the originality of the historical structure of the historical cities of Uzbekistan serve as theoretical basis for the preservation and restoration of historical centers of Uzbekistan

Тарихий шаҳар ривожига ва қалъа деворлари халқаларининг кенгайиши шаҳар режавий тузилишини ўзгартириб бориб асосий магистраллар туташувида шаҳар марказларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўрта Осиёнинг тарихий режавий тузилиши шаҳарлари дастлабки шаклланиш даврида қуйидаги икки қисмдан иборат бўлган:

а) *арк* – шаҳар ҳукмрони қалъаси;

б) *шахристон* – шаҳар аҳолиси жойи, шаҳарнинг қалъа деворлари билан ўралган мустаҳкам маркази, унга савдо-хунармандчилик жойлари девор билан ўралган “рабод”лар туташган.

Ўрта аср шаҳарларининг режавий тузилишидаги икки, сўнгра уч қисмлик ҳолат мўғуллар истилосидан кейинги даврлар қурилишларида қисман Самарқанднинг XIV-XVII аср мажмуаларида ҳам кузатилади. Бундай тузилиш айниқса, IX асрдан бошлаб XX асргача бўлган давр ёдгорликлари сақланиб қолган ўрта асрлар Бухороси қиёфасида яққол намоён бўлади. Агар Бухорони кенг хронологик доирада музей-шаҳар деб аташ мумкин бўлса, Хива XIX аср меъморчилик қўриқхонаси сифатида намоён бўлади [2].

XV-XVI асрларда Бухорода жамоат ва зиёратгоҳ бинолар қурилди, катта ва кичик

гумбазлар сафидан миноралар қад ростлади. Бу вақтда шаҳарнинг режавий ва ҳажмий-фазовий тузилиши мураккаблашади. Қурилишларнинг ривожланиши кўчалар тизимини ўзгартириш билан бирга, турли хил иншоотларнинг катта гуруҳларни комплекс ва ансамбллари ташкил қилди, бу гуруҳлар шаҳар ичидаги марказлар, уюшган мажмуалар ташкил қилиб, зич яхлитликка бирлашади. Шаҳар деворлари XX асргача ўз мудофаа вазифасини сақлаб қолади.

Таъкидлаш зарурки, Ўрта Осиё тарихий шаҳарларининг режавий тузилишидаги ривожланиш турлича кечкан. Масалан, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари дастлабки тўғри тўртбурчак шакли сақлаб қолган бўлса, Бухоро шаҳрининг режаси кўпбурчак контурга эга, Тошкент ўзининг ички ва ташқи рабодлари билан деярли тўғри айлана шаклида. Ўзбекистон худудида, ҳозирги вақтда, меъморий-шаҳарсозлик меросига эга бўлган йигирмага яқин ана шундай шаҳарлар мавжуд.

Қадимий шаҳарларнинг кўпи бир қанча маданий-тарихий даврни бошдан кечирган. Шундай бўлсада, бугунги кунгача улар ўз тузилишларини кўп маротаба ўзгартирган ҳолда, шаҳарсозлик мероси ёдгорликларини сақлаб қолган. Ҳар бир давр ўз таъсирини қолдирган.

Шаҳар меъморий тузилишининг ўзгаришидаги кетма-кетлик жамият ривожини билан белгиланган; юксалиш даври инқироз давлари билан алмашинган, аммо ҳамма ҳолатларда ҳам ижтимоий-иқтисодий омиллар ва шаҳар меъморчилиги ўртасидаги боғлиқлик ўзгармас бўлиб қолган.

Меъморий мажмуаларнинг етакчилиги шаҳарсозликдаги ўз аҳамиятини сақлаган. Бундай мажмуалар ҳозирги кунда ҳам аҳамиятли бўлган маҳобатли биноларни ўз таркибига олган. Мажмуаларнинг шаҳар ҳудуди марказида жойлашиши ўз афзалликларига эга бўлган, бу мажмуалар юз йиллар тарихини ўзига сингдириб, даврлар тўқнашуви натижасида пайдо бўлган. Масалан, Самарқанддаги Шоҳизинда меъморий мажмуасидаги бинолар шакллари-нинг бир хиллиги, безакларнинг умумий тизими, ранглар гаммаси, бутун мажмуа яхлитлиги ва бирлиги, бир хил қурилиш материаллини, бир хил меъморий шакллар ва муносабатларни қўллаш ҳиссиётини берган. Ҳаракат ўқи бўйлаб жойлашган алоҳида ҳажмлар симметрик ва ёпиқ композицияга эга. Композициянинг ҳаракат мақсадига томон умумий ўсишига табиий шароитлар ёрдам берган. Рельеф орқали юзага келган манзаранинг бу ҳолати мажмуанинг ранг-баранглиги ва жозибасини оширган.

Амир Темур даври меъморий мажмуалари ўз таркибига, асосан, зиёратгоҳ биноларни киритган. Ҳозир алоҳида иншоот сифатида сақланган Гўри Амир мақбараси бунёд этилган вақтларда, тарихан юзага келган мажмуанинг таркибий қисми бўлган. У Амир Темур набираси-Муҳаммад Султон мадрасаси ва ҳонақоҳини бирлаштирувчи ҳовли ўрта ўқида жойлашган [3].

Самарқанд шаҳарининг меъморий мажмуалари-ансамбллари яратилганда меъморлар бир ўқ чизиғида баланд пештоқлар билан бири-бирига қараб турувчи биноларни жойлаштириш усули- “қўш” усулидан фойдаланганлар: бунда бинолар ҳажмий жиҳатдан бир-бирини такрорласада, композиция жиҳатидан турлича бўлган, шу билан бирга улар ўзаро мувофиқлашган. Майдон-мажмуани ташкил қилишнинг ўзига хос бошқа усули-бу, кўчани зиёратгоҳ ёки жамоат биноларини бир-бирига “жуфт” ҳолда жойлаштиришдир. Амир Темур даврида Самарқанд ва XVI-XVII асрлардаги Бухоронинг йирик мажмуалари ягона қоида бўйича қурилган. Масалан, Самарқанддаги Регистон мажмуаси учта маҳобатли бинолар-мадрасалар билан ўралган майдондан ва савдо кўчаларининг кесишув жойи- “чорсу” гумбазли иншоотидан таркиб топган. Бу мажмуанинг асосчиси Улуғбек 1417 йилда мадраса қурдир-

ган. Бизнинг кунларгача сақланган бу мажмуа иншоотларининг композицияси ва шакли жиҳатидан Ўрта Осиёнинг энг яхши шаҳар мажмуаларидан бири ҳисобланади.

Бухородаги Лаби Ҳовуз ёнидаги бинолар гуруҳи меъморий мажмуаларнинг яна бир намунаси бўлиб хизмат қилади. Ҳовузнинг бўйлама ўқи бўйлаб жойлашган Нодир Девонбеги ҳонақоҳи ва мадрасаси ва ўзининг бош фасади билан ҳовуз олдидаги майдонга қараган илгарироқ қурилган Кўкалдош мадрасаси Самарқанддаги Регистон мажмуасидан фарқли ўлароқ бу ерда янги элемент киритилган. Бу бутун гуруҳ гўзаллиги ва ўзига хослигини оширувчи ва бўйлама ўқни ажратиб кўрсатувчи сув ҳавзаси-ҳовузидир. Мажмуа ҳонақоҳ, ҳовуз ва дастлаб карвонсарой учун мўлжалланган.

Бухородаги бир ўқда жойлашган Калон масжиди (1514й) ва Мири Араб (1535й) мадрасаларида “қўш” усули қўлланган. Мадраса бош фасади пештоқдан ташқари бурчак хоналари тепасидаги гумбазлар билан бойитилган. Калон масжидининг жиддийлиги эса XII асрда (биринчи вариант қурилиши) бунёд этилган бой кўринишда безатилган минора билан тўлдирилган [4].

“Қўш” усули Бухородаги Регистон майдонидан Ширгарон дарвозалари томонга олиб борувчи кўчада жойлашган икки мадрасадан иборат мажмуада аниқ ифодаланган. Улардан бири Модарихон мадрасаси (1566-1567 йй) ўзининг плани, шакли ва безаги жиҳатидан жуда содда. Иккинчиси Абдуллахон мадрасаси (1588-1590 йй) - йирик, майолика ва мозаика билан бой безатилган. Ҳар иккала бинони фасадларнинг композицион асоси меъморий яқинлаштиради.

Улуғбек мадрасаси (1418 й) ва Абдулазизхон мадрасалари (1651-1652 йй) мажмуаси турли даврлардаги бинолардан ташкил топган. Улар меъморчилиги, шакли ва безаклари билан фарқланиб, улар биртуркумли ташкил қилувчи анъанавий “қўш” усулида бирлаштирилган. [1]

Таъкидлаш жоизки ҳамма тарихий шаҳар мажмуалари ҳам бундай маҳобатли бинолардан ташкил топган эмас. Баъзида кичик мақбара ёки мазор олдида маълум бирор ғоясиз бошқа қурилишлар бунёд этилган. Масалан, Самарқанддаги Хўжа Ахрор мақбараси ва Хўжа Абди Дарун мажмуалари комплекси ана шундай юзага келган. Мақбара, масжид, унча катта бўлмаган мадраса ички ҳовли атрофида жойлашган. Дарахтлар билан ўралган ҳовуз ҳовлининг кичик қисмини эгаллаган ва турли вақтда қурилган, шакли ва безаклари жиҳатидан турлича бўлган манзарали мажмуани бирлаштирган. Бундай мажмуа фақат кўриниб турган гумбазлари ёки миноралари туфайли

шаҳар қиёфасини яратишга узвий таъсир кўрсатган.

Юқорида келтирилган қисқача меъморий таҳлил Ўрта Осиё шаҳарларини ташкил қилишнинг шаҳарсозлик қоидалари ҳақида та- саввур ҳосил қилиш, шаҳар тизимидаги бино- лар ва мажмуаларнинг асосий турлари аҳамия- тини аниқлаш учун зарур. Бунда турар жой меъморчилигини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Кам қаватли қурилишлар фақат шаҳар асосини ташкил қилмай, балки маҳобатли мажмуаларнинг ажралмас қисми ва уларнинг табиий асоси бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистон тарихий мажмуалари ва меъмо- рий ёдгорликларининг ўзига хослиги бир то- мондан, маълум ижтимоий муносабатлар, анъ- аналар, юксак бадиий ва қурилиш маданияти- нинг мавжудлиги ҳамда бошқа томондан, шакл тузилишига таъсир этувчи, кам қаватли турар жой бинолари, безаклар фониди у ёки бу шаҳарсозлик усуллари юзага келтирувчи географик муҳитнинг табиий-иқлим хусусият- лари билан таъминланган. Меъморчиликдаги миллий ўзига хослигининг шаклланишига халқнинг турмуши ва эстетик тарзи ҳам алоҳида таъсир кўрсатган.

Бу ҳолат айниқса турар жойлар меъморчи- лигида ўз ифодасини топган. Ўзбекистоннинг халқ турар жой меъморчилиги мураккаб иссиқ ва қуруқ иқлим шароитларида ишлаб чиқилган

УДК 734.

## САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ МАЖМУАЛАРИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Эшатов И.Қ., ўқитувчи; Махматқулов И.Т., ўқитувчи; (СамДАҚИ)

В современных условиях социально-экономического развития нашей республики мы наблюдаем комплексное совершенствование градостроительной ситуации в области жилищных комплексов, торгово- бытовых центров и других объектов социальной сферы. Строительство торгово-бытовых комплексов предопределяет архитектурно-планировочную организацию территорий и зданий торгового центра. При организации торгового центра необходимо учитывать физико-климатические и социально-экономические условия.

Today we can see the complex urban development of residential complexes, the main squares of the towns, streets and main avenues, shopping centers. Construction of shopping centers and shopping malls requires the architectural and planning organization of the territory and shopping centers buildings. Creation of shopping centers in modern practice of Qashqadaryya region requires that great attention should be paid to the climatic, physical, social and economic conditions.

Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуала- ри бугунги кунда инсон ҳаёти учун муҳим ўрин эгаллай бошлади. Шу сабабли бундай иншоот- ларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, унинг архи- тектурасига бўлган эътиборни ҳам орттириб юбормоқда. Харидорларнинг ўз истак хоҳиш- ларини қондиришлари учун етарли даражадаги шарт-шароитларнинг яратилиши, ёшлар ёки қариялар учун кўнгилочар ва дам олиш зонала-

асрий тажрибаларда талқин қилинган.

Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликлари ўзига хос типологияси билан ҳам фарқланади: айвонли турар жой биноларидан ташқари са- ройлар, савдо бинолари-чорсу, токи, тимлар, карвон-саройлар ва рабодлар, ҳаммомлар, ра- садхоналар, масжидлар, макбаралар, хонақоҳ ва мадрасалар сақланиб қолган. Бу бинолар- нинг ҳар бир тури такрорланмас Европа меъморчилигида аналоглари бўлмаган ўзининг ҳажмий-фазовий ва меъморий режавий тузи- лишига эга.

Хулоса. Ўзбекистон тарихий шаҳарлар мар- казларини режавий тузилишининг ўзига хосли- гини белгиловчи, юқоридаги тамойиллар ва қоидалар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари марказларини сақлаш ва қайта тиклашда наза- рий асос бўлиб хизмат қилади.

### Адабиётлар:

1. Waldheim C. Landscape as urbanism a general theory. AVA Publishing USA. 2010.
2. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. Шаҳарсоз- лик асослари ва ландшафт архитектураси. Дарслик. 1-қисм. -Тошкент, 2009.
3. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. Замонавий шаҳарсозлик назарияси. Ўқув қўлланма.-Тошкент, 2015.
4. Якуб Вук. Мифы и утопии архитектуры 20 века. – М.: Стройиздат, 1990.

рининг ташкил этилиши бозорлар ва савдо- маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларининг фойдали иш коэффициентини оширмоқда, ахо- ли яшаш жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирмоқда.

Вилоятда савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларини лойиҳалаш ва қуришда иқти- содий-ижтимоий шароитларни ҳисобга олиш ва маҳаллий иқлим шароитига мувофиқлаш-

тириш талаб қилади.

Аҳоли учун нафақат савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини ташкиллаштириш балки уларнинг маданий эҳтиёжларини ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан шаҳарларимизни модернизация қилиш ва янги-дан шаҳарсозлик тизимини ривожлантиришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар асосида савдо-мажмуалари учун қабул қилинган композициявий, режавий ва ҳажмий ечимлар унинг функционал тайинланишига, архитектуравий-бадий ва шаҳарсозлик талабларига, қурилиш туманининг иқлимий, миллий ва маиший ўзига хослигини ва шу билан бирга техник-иқтисодий талабларига жавоб бериши керак.

Савдо-маиший хизмат кўрсатиш марказларини лойиҳалашда марказга ташриф буюрувчи харидор ва меҳмон ҳамда туристларнинг дунёқарashi, ҳаёт тарзи, касби кабилар турлитуман эканлиги эътиборга олиниб, исьтемо-чиларнинг кичик доирасини ажратиш мумкин эмаслиги асосида марказлар аҳолининг кенг қатламлари учун барабар бўлиши керак.

Қишлоқ турмуш тарзи кўпгина қирраларга эга. Булар - миллий, минтақавий, тарихий ва маданий кабилардир. Бу қирралар савдо-мажмуалари, турар-жойларнинг фазовий кўри-нишларида ўз аксини топади. Қишлоқ турмуш тарзи бугунги кунда узининг анъанавий кўринишини сақлаб келган ҳолда шаҳарлик-ларнинг турмиш тарзига яқинлашиб бориш жа-раёнини кузатиш мумкин.

Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуа марказларида кечаётган функционал жараёнлар асосига, яъни бир неча кичик магазинлар ва хизмат кўрсатиш корхоналарини битта том остига бирлаштирилганда, катта майдонда катта микдордаги харидорларни жалб этиш имко-нияти яратилади. Марказлашган бозорларни ташкил этиш ҳар тарафлама қулайликлар туғдиради. Ихчам, кўркам савдо марказлари санитар-гигиеник томонидан ҳам аҳоли соғлигини сақлаш, табиий тоза маҳсулотлар билан таъминлашни йўлга қўяди.

1. Бозорлар ва очиқ майдонларни йирик савдо марказларига айлантирилгани, савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалар харидор-лар учун қулайликлар яратилиши (масалан, қиш ва ёзшароитида бу иншоотларда микро-иқлим яратилиши ва ёритилганлиги таъминла-ниши) ҳамда хавфсизлиги ва эвакуацияси таъминланиши, савдо-маиший хизмат кўрса-тиш мажмуалари фойдаланилаётган бино ва иншоотлар савдо марказлари сифатида лойиҳа-ланганлиги сабабли, бу бино ва иншоотлар жа-моат биноларига қўйиладиган функционал та-лабларини қондира олади. Савдо-маиший хиз-

мат кўрсатиш мажмуалари катта майдонни эгаллайди ва турли йўналишда савдо қиладиган савдо марказларини талабга жавоб берадиган даражада лойиҳалаш, ташриф буюрганлар ва харидорлар учун жуда катта қулайликлар яра-тиб берилишидадир.

2. Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуа-лари марказларида ўйингоҳ ва дам олиш зона-лари ташкил қилинганлиги ҳамда туристлар учун яхши шарт-шароитлар яратилиши мақсад-га муофидир.

3. Савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуа-лари ёнида автомобил тўхташ жойлари кўзда тутилишини ҳисобга олиб, лойиҳаланиши ке-рак. Юқоридаги ҳолларни эътиборга олган ҳолда савдо марказларини лойиҳасини бажар-сак шаҳримиз инфраструктураси учун янги турдаги замонавий савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари лойиҳаси устида иш олиб боришни, ўз олдимизга мақсад қилдик.

Шу сабабли аҳоли турмуш шароитларининг яхшилашда савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари муҳим ўрин тутди. Вилоятларда савдо ва умумий овқатланиш тармоқларининг хизмат кўрсатиш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Савдо ва умумий овқатланиш кор-хоналарининг моддий техника базаси мустаҳ-камланмоқда. Аҳолига савдо маиший хизмати кўрсатишга ихтисослашган корхоналар замо-навий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу албатта аҳолига савдо хиз-мати сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш имкониятини бермоқда.

Келажақда вилоятларимизда шаҳар ва қиш-лоқларида замонавий савдо марказлари, уни-версам ва универсал дўконлар, умумий овқат-ланиш корхоналари, омборхона ва музхоналар қурилишига эътибор берилади.

Шу сабабли кейинги вақтда номоддий иш-лаб чиқаришнинг ўсишида маиший хизматнинг ҳам салмоғи ортиб борди.

Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрса-тишни яхшилаш шунинг учун ҳам муҳимки, аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларида яшайди. Лекин қишлоқ жойларда маиший хиз-мат кўрсатишнинг ривожланмаганлигига, авва-ло қишлоқларнинг тарқоқ ҳолда жойлашганли-ги ҳамда хизмат турларининг ҳаддан ташқари хилма-хиллиги ҳам ҳалақит беради. Шунинг учун барча жамоа ва давлат хўжалиқларининг бош қўрғонларида комплекс қабул пунктлари яратиш зарур. Бундай пунктлар туман марка-зидаги маиший комбинатларга ёки ихтисос-лаштирилган корхоналарга буюртмаларни жўнатиб туради. Шу билан бирга баъзи бир ишларни мутахассислар томонидан кўчма бри-гадаларда ҳам бажарилиши мумкин.

Аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасаларида амалга оширилади. Бу хизмат соҳаси-меҳнаткашлар ҳаётида муҳим бўлиб, у кишиларни ҳар томонлама тарбиялаш ва ривожлантиришда аҳамияти каттадир.

Вилоятида аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ бўлган савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари худудни ўрганиб лойиҳа объектларини режалаштирилган ҳолда туман ва қишлоқларда инсонлар учун савдо ва турар жой биноларини лойиҳалашда қулайликлар

УДК: 72.03

## МАҲАЛЛА МАРКАЗЛАРИ МЕЪМОРЧИЛИГИДА АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Абдурахимов Р.Б., ассистент, ТАҚИ

Маҳалла – қадриятлар маскани ҳаёт мактаби, халқимизнинг азалий урф-одатлари, қадриятлари ва анъаналарини ўзида мужассам этган ижтимоий тузилма бўлиб, ҳар бир инсон учун “Кичик ватан” ҳисобланади. Юртимизда изчил барпо этилаётган демократик жамиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели демократия институти сифатида тан олинди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланганидек, айни дамда маҳаллаларни аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш каби вазифаларини янада кенгайтириш борасида юртимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, чекка худудларда, фуқаролар йиғинлари ҳузурида гузарлар ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ишлар таҳсинга лойиқ. Маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш, ободонлаштириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш мақсадига қаратилган амалий ишлар, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари доимий эътиборда.

Жумладан, туманларнинг ҳар бир гўшасида шинам ва кўркам уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданият ва спорт масканлари қад ростламоқда. Хусусан, маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини, моддий-

яратиб берсак мақсадга мувофиқ бўлади.

### Адабиётлар:

1. Адамович В.В. и др., Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений—М.: Стройиздат, 1984.

2. Гельфонд А.Л. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений—Учеб.пособие. —М.: Архитектура. 2006.

3. 2.07.01-94. Шахарсозлик. Шахар ва қишлоқ манзилгоҳларини режалаштириш ва қуриш./ Ўз. Рес. Давлат Арх. ва Қурилиш қўмитаси. —Т., 1994.

техник базасини мустаҳкамлаш, вазифаларини кенгайтириш ва мустақиллигини кучайтириш, маҳалланинг эзгу урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш, оилада соғлом муҳитни шакллантиришдаги фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Тарихдан маълумки маҳалла қадимдан ўзига хос шаклдаги жамоат жойи ҳисобланган, у ерда оқсоқол ва мироб маъмурияти, масжид, кўкаламзорлаштирилган ҳамда ҳовузли ва лой су-пали чойхоналар бўлган. Кичик ёки кам даромадли аҳоли жойлашган маҳалла шу маҳаллада яшовчи аҳоли шароитидан келиб чиқиб, турар уйлар ҳам у даражада баланд бўлмаган лой сувоқ лой томли пасқамгина, маҳалла марказлари эса фақатгина кичик ҳовуз баъзида эса катта бўлмаган кўкаламзорлаштирилган чойхонага эга бўлган. Йирик ва бой маҳаллаларда маҳаллий масжидлар, мактаб ва мадрасалар, ҳовузлар, чойхоналар, савдо-сотик расталари, кўкаламзорлаштирилган бозорлар мавжуд бўлган. Турар уйлар ҳам ўзига хос шаклда муҳташам ва дид билан қурилиб ўша ҳонадон эгасининг обрўсини билдириб турган. Кўкаламзорлаштирилган, дарахтзорлар билан ўралган, ҳовуз ва масжидга эга маҳаллий марказлар ўша худудда яшовчи аҳоли йиғилиб ибодат қилишлари, шунингдек ўша маҳалланинг тўй ва аза маросимларига оид масалаларни муҳокама қилишлари учун катта аҳамият касб этган. Ўлкашунос олимларнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, XX асрга келиб қўшимча масжид ва катта бўлмаган марказларнинг барпо этилиши тақозо этиларди. Маҳаллалар ҳунармандчилик ва савдо-сотикқа, ҳамда маданий марказга эга бўлиб, улар гузарлар деб аталган. Катта магистрал йўлларда ёки шундай

йўлларнинг кесишув қисмида жойлашган гузарларда турли жамоат жойлари жумладан, катта масжид, мадраса, карвонсарой, чойхона, темирчилик устахонаси, сартарошхона, тегирмон, қассобхона, расталар ва катта бўлмаган бозор мавжуд бўлган. Бу гузарлар йўловчиларга, шунингдек, кўшни маҳалла аҳолисига хизмат қилган. Гузарлар маҳаллаларни йирик ягона ҳудудга бирлаштирувчи муҳим вазифани бажарган. Шаҳар тузилишига кўра маҳалла ҳудудий майдони турлича бўлган. Шаҳар марказига яқин ҳудудларда аҳоли зичлиги гектарига 350-400 кишини, маҳалла ҳудуди I-II гектарни ташкил қилган. Чекка ҳудудларда баъзан 15-20 гектарни ташкил этган.

Маҳалла марказлари одатда маҳалла умумий ҳудудининг марказида ёки магистрал йўлларнинг транспорт бекатларига яқин жойларда жойлашган. Марказда маҳалла кўмитаси, чойхона, дўкон, қариялар хонаси, тўй ва маросимларда ижарага бериладиган анжомларни сақлаш хонаси, миллий таомлар тайёрлаш учун ошхона мавжуд бўлган. Маҳалла маркази тартибига кирувчи баъзи бўлимлар ошхона ҳамда тўй ва маросимларда ижарага бериладиган анжомлар (идиш-товоқ, мебель ва бошқалар) бўлими аввалдан хизмат кўрсатган.

Маҳалла марказида жамоат ишларини маҳалла кўмитаси ўз ўзини бошқарув тизимига асосан амалга оширган. Маҳалла кўмитаси таркибига аҳоли орасидан сайланган вакиллар жумладан, аёллар маслаҳатчиси, оқсоқол, халқ посбони кабилар кирган. Маҳалла кўмитаси раиси оқсоқол ҳисобланган.

Маҳалла вазифасига маданий тадбирлардан ташқари, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ишлари, аҳоли уйлари қуриш ёки таъмирлашда умумий ҳашарлар уюштириш, баъзи оилаларга қийинчилик ёки тўй ва бошқа катта маросимларда ёрдам кўрсатиш кабилар кирган. Бундан ташқари маҳалла ёш авлод тарбиясига ҳам эътибор қаратган. Маҳалла ишлари аҳоли мажлисларида муҳокама қилинган. Маҳалла кўмитаси ишларига турли касб эгалари жумладан, ўша маҳаллада яшовчи шифокор, мураббий, юрист кабилар жалб этилган. Маҳалла аҳолиси кундалик ҳаётда бир бирларига ёрдам берганлар ва байрамларни биргаликда нишонлаганлар. Маҳалла ҳаётида қариятларга катта эътибор ва ҳурмат билан қаралиб турмуш тарзи ҳамда таълим тарбия масалаларида қари оқсоқоллар билан маслаҳатлашилган. Қарияларга ҳурмат натижасида маҳалла марказларида махсус қариялар хонаси шаклланди бўлиб улар кўпинча чойхона билан яқин жойда жойлашган.

Ижтимоий муносабатларни ривожланти-

риш, маҳаллий ҳудудни биргаликда ободонлаштириш маҳалла фаолиятининг асосий принципларидан саналган. Маҳалла архитектура қурилиш тизими ривожланишини тарихий нуқтаи назардан ўрганиш натижасида маҳалла марказлари ва уларнинг тузилиш таркиби ўзига хослиги аниқланди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, маҳалла ҳудудида жамоат ва савдо-сотиқ марказлари кўп асрлар мобайнида хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қурилишини рационал равишда аҳоли яшовчи ҳудудларда тақсимланиши ва “табиий танлаб олинди” жарёнида вужудга келган. Маҳалла тизими ривожланиш жараёнида аввалдан то ҳозирга қадар шаҳар аҳолиси турмуш тарзига мос хизмат қилувчи шаҳобчалар муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Демак, маҳаллани биз шаҳарсозликнинг энг кичик ва асосий бўлаги деб ҳисобласак, у ҳам шаҳарнинг кичик нисбатдаги функцияларини ўз ичига олган. Демак маҳалланинг ҳам ўз маъмурий биноси мавжуд. Ўша ҳудудни бошқара оладиган даражада ўзини ўзи бошқариш ваколатига эга, марказига, савдо сотиқ ва маиший ҳудудига, тиббий ёрдам, таълим ва спортни ривожлантириш ҳудудларига ва асосий функцияларидан турар-жой ҳудудига эгадир. Бу таркиб маҳалланинг асосий таркиби ҳисобланиб, ҳозирги вақтда ҳам худди аввалгидек маҳалла марказлари аҳоли учун функционал ва композицион марказ сифатида хизмат қилмоқда. Маҳалла марказлари- гузарлар ҳам ўзининг таркибий қисмларига эга, яни илгариги майдони билан солиштирадиган бўлсак 2 ва 3 баробар ҳудуд кенглигига эгадир. Қулайлиги, кўп мақсадлилиги ва кенг қамровлилиги билан ажралиб туради таркибига кирувчи маҳалла маъмурияти ҳудуди ўз ичига маҳалла раиси, котиба ва маслаҳатчилар хоналари, алоҳида турли тадбир ва мажлислар олиб бориладиган заллар жойлашган бўлиб, ёруғ ва техник база, билан тўлиқ таъминланган ҳамма шарт шароитларга эга комплексдир. Тиббиёт хонаси ва милиция таянч пунктлари ҳам ушбу маъмурий ҳудуднинг ёки гузар ҳудудининг ичида жойлашган. Охириги йилларда эса гузар ҳудудларига назоратчи ва маъмурият автомобиллари учун кичик автотураргоҳ ҳудуди ҳам қўшилди. Қарияларимизнинг хордиқ чиқариб, қариллик гаштини суришлари учун мўлжалланган чойхоналар эса, мавсумий ёзги ва киши шароитга мўлжалланиб қурила бошланди. Яна алоҳида чойхонага келувчилар учун мўлжалланган қатор хоналар, ҳар бир хонага бир вақтда хизмат қилиши учун мўлжалланган ўчоқ-қозонлар жойлашган кенг ошхона, самовархоналар, омборхона, хизматчи хоналари чойхонанинг тар-

кибий қисмига киради. Ундан ташқари кичик озик-овқат, хўжалик моллари, “paynet” дўкочалари, гўзаллик саломи, ателъе ва бошқалар ҳам маҳалла худудига хизмат қилади.

Президентимиз Ш. Мирзияевнинг ташаббуслари билан маҳаллани янада ривожлантириш ва гузарларнинг янгитдан ҳамма замонавий қулайликларга эга лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳақидаги қарорлари натижасида, янги лойиҳаларда маҳалла гузарлари таркибига янги ахборот ресурс марказларининг киритилиши маҳалла архитектураси тарихида янгилик ҳисобланади. Янги лойиҳаларда давлатимиз раҳбарининг “Ҳаракатлар стратегияси” дастурига биноан, таълим соҳасини ривожлантириш бўйича ўқув марказларини, болалар спортини ривожлантириш бўйича спорт иншоотлари, спорт тўғараклари хоналари, тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича савдо, хунармандчилик, маъиший худудларни, аҳолини маънавий мафқурасини оширишда ахборот ресурс марказларини кири-

тиш устивор вазифа қилиб олингандир. Бу ерда функционал хусусиятлар ва композицион ечим уйғунлиги ўз аксини топган. Бундай марказлар аҳолининг, оилаларнинг кундалик ҳаётдаги бирламчи талабларини кондириш учун қулай шароит яратади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла-қадимдан маънавий ўчоғи бўлиб, миллий меъморчиликда анъанавий уйғунликда шаклланиб келган. Мустақиллик туфайли, мамлакатимизда миллий анъаналар, халқимизга хос бўлган ҳамжихатлик, кўни-кўшничилик, ўзаро ёрдам каби миллий қадриятларимиз, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган айрим маросимлар ва урф-одатлар тикланаётган, шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлаётган, тарихимизнинг долзарб муаммолари ҳар томонлама ва чуқур ўрганилаётган бир даврда маҳалланинг ўрни, меъморчилиги уни ҳар томонлама ривожлантириш, катта аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифамиз ҳисобланади.

УДК 725.945

### **АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ЗАМОНАВИЙ МАҚСАДЛАРДА ФЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ (САМАРҚАНД ШАҲРИ МИСОЛИДА)”**

**Асроров О.А., ўқитувчи (СамДАҚИ)**

В статье основное внимание уделяется разработке методов проектирования современного архитектурного наследия Узбекистана в контексте исторических городов, в том числе выявлению основных форм использования архитектурных памятников Самарканда. Дана информация об использовании мемориальных памятников, в широком (духовно-просветительском туризме) спектре, методах функционального использования памятников Узбекистана, разработке предложений по использованию исторических памятников города Самарканда. На основе этих предложений были впервые сформированы социальная сущность памятников, условия градостроительства, объёмно – планировочная структура здания и его художественный облик.

The main aim of work is processing of methods for using historical and priceless memories to project our modern aims, including, to clarify main forms of using historical memories of Samarkand city. The recommendations have given by using architectural memories of Samarkand city. The functional tasks and recommendations by using historical monuments will be given. So memories' social essence, conditions of city-building, construction of buildings' artistic appearance will develop primary.

Халқимизга ижтимоий фойда келтирадиган ёдгорликларгина доимий эътиборда бўлиб келганлиги тарихдан маълум.

Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликларининг замонавий шаҳарсозлик ҳолатларига доир масалалар кўриб чиқилмоқда, бунда ёдгорликларни мослаштириш бўйича лойиҳалаштириш ишларининг муҳим ҳолатларидан бири - бу ёдгорлик, ансамбл, тарихий худуд, бутун шаҳарнинг шаклланиш тарихини мукамал ўрганишдир. Республикаимиз шароитида архитектура меросларидан рационал фойдаланишга доир муаммо ёдгорликларнинг умрини узайтириш борасида ечилиши зарур бўлган энг асосий, биринчи даражали муаммо бўлиб

қолмоқда.

Тарихий шаҳарларни ривожлантириш муаммосини самарали ҳал қилишда ёдгорликлардан ҳозирги вақтда фойдаланиш масаласи энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шаҳар марказларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ва қайта тиклаш (регенерация) (айниқса тарихий-меъморий ёдгорликларга эга бўлган шаҳарларда) эски ва янги қурилишларнинг ўзаро боғланиши муаммоисга етарлича кенг ёндошувни талаб қилади. Бу муаммо, одатдагидек, шаҳар структурасига комплекслар, мажмуалар ва алоҳида меъморий ёдгорликларни киритишга асосланади. Бунда қатор шаҳарсозликдан тортиб амалий, утилит-



лар бўлган специфик вазифалар пайдо бўлади. Умуман, умумий муаммо шаҳар муҳитини сақлаш бир қатор майда, лекин мураккаб бўлган муаммоларга бўлинади, улардан бири (энг муҳими) ёдгорлик биноларнинг янги функционал вазифаси муаммосидир. Тарихий меросдан фойдаланиш муаммоси фақат Россия ва бошқа иттифоқдош республикалардагина эмас, қатор машҳур ва ноёб меъморий ва шаҳарсозлик ёдгорликларига эга бўлган Ўзбекистон учун ҳам актуал муаммодир. Республиканинг бой меъморий меросидан фойдаланиш уни замондошлар ва келажак авлод учун сақлаш мавзусини ишлаб чиқишга мурожаат қилиш, фақат эстетик эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам актуал, муҳим ва зарур аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда меъморий ёдгорликлардан фойдаланиш хусусиятини аниқлашнинг аниқ методикаси услубияти ҳали ишлаб чиқилмаган, чунки ҳар бир алоҳида ёдгорликлар гуруҳига, аниқ регионларнинг ҳудудий, миллий тарихий ва бошқа анъаналарини инобатга олиб индивидуал ёндошиш талаб этилади.

Масаланинг ҳолати шундайки, бизни қизиқтирган саволлар қаторида алоҳида ишлар диссертация ва монографиялар каби лойиҳавий таклифлар ҳам бор. Лекин, қуйида кўрсатилган бу ишлар меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни атрофлича қамраб ололмайдиган (айниқса, ёдгорликлар билан ишлаш услубига бағишланган ишлар оз), иккинчидан, улар Ўзбекистон Республикаси ёдгорликларининг ўзига хос хусусиятини фақат меъморий ёдгорликлар спецификасини эмас, балки уларнинг муҳити, турмуши, анъанаси ва шу кабиларни етарлича ҳисобга олмайди.

Меъморий ёдгорликларни замонавий бинолар учун мослаштириш муаммосини ҳал этишнинг асосий концепцияси қилиб, ёдгорликни сақлаб қолиш ва келажак авлодга етказиш масаласи кўрсатилмоқда.

МДХ ва чет давлатларида тарихий шаҳарларни, уларнинг марказларини реконструкция қилиш ва қайта тиклаш соҳасида етарлича тажриба тўпланган. Ўзбекистон шароитида ҳам бу, кенг қўламда қўлланилган.

1. Ёдгорликни мослаштириш (музей, маданий-маърифий, сайёҳлик муассасалари учун) лойиҳасини тузишда бинони максимал (экстерьер, интерьер, планировка, конструкция, безак) сақлаб қолиш ва унинг янги функциясининг ёдгорликнинг эстетик ва ижтимоий аҳамиятига мувофиқ келиши талаб этилади.

2. Ёдгорлик биноси учун янги функцияни

танлашга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- ёдгорликнинг тасниф гуруҳи;
- объектнинг тарихий-меъморий ечими бўйича аниқ маълумотлар;
- таъмирлаш лойиҳасининг берилган хусусиятлари;
- шаҳарнинг у ёки бу функционал гуруҳга муҳтожлиги;
- бинонинг ҳажмий-фазовий ва планировка ечими хусусиятлари;
- ёдгорликнинг шаҳар структурасида жойлашиши (марказда, чеккада, масъул жойларда, шаҳар ташқарисида, парк зонасида).

3. Ёдгорликни сақлаб қолиш ва унинг шаҳар замонавий мажмуаси билан режавий-композицион боғланишини мустаҳкамлаш учун тарихий зоналар ташкил қилинади.

Тарихий зоналар тизими қуйидагича бўлинади:

- қўриқхона зонаси;
- қўшимча бино зонаси;
- қўриқланаётган ландшафт зонаси.

Шаҳар меъморий кўринишининг ўзига хослиги ва тузилмасини сақлаб қолиш, янги қурилиш ва тарихан шаклланган шаҳар муҳитининг гармоник бирлигини яратиш. Тарихий зоналар, барпо қилишнинг вазифасидир.

4. Тарихий зоналар чегараларининг лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги усулларни қўллаш мумкин:

- шаҳарнинг планировка тузилмасини унинг шаклланиш тарихий жараёнида ўрганиш ва хусусиятларини аниқлаш;
- морфологик тузилмани ўрганиш ва аниқлаш;
- ёдгорликларнинг шаҳар қурилиши хусусиятларини ўрганиш ва аниқлаш;
- транспорт коммуникациялари тизимининг маъқул вариантларини ўрганиш ва аниқлаш;
- ташқи кўриш нуқталарини ҳисобга олган ҳолда шаҳар мажмуасини таҳлил қилиш ва вариантлар танлашда тавсия бериш;
- шаҳар тузилмасида асосий бинолар жойлашишини ва етакчи бинолар орасидаги визуал алоқаларни аниқлаш;
- ёдгорликлар ва ташқи қурилишлар масштаб муносабатини аниқлаш;
- зонани ҳисоблаб чиқиш ва уни планда қуриш.

Тарихий шаҳарлар шароитларига мос келувчи қўшимча бинолар учун қурилиш олиб боришнинг аниқлаштирилган формуласи муаллиф томонидан келтирилади.

5. Мослаштириш лойиҳасини ишлаб чиқишда асосий услубий кўрсатмалар сифатида қуйидагилар хизмат қилади:

- хар бир конкрет ёдгорлик ёки ансамблини мослаштириш учун алоҳида йўл тутиш;

- бино қурилиши тарихини ўрганиш, унинг бирламчи мақсадини аниқлаш ва унинг тарихига мос келувчи замонавий мослаштириш йўлини кидириш. (Бу конструкциялар, меъморий-режа формуласи ва бинонинг бадиий кўринишини максимал даражада сақлаб қолиш имконини беради); бинонинг меъморий, режа ва безак кўринишини ўрганиш ва сақлаб қолиш (пластик ечим, композиция ўқи-чизиги, ритмик қурилма, масштаблги).

- замонавий даражада қулайлик яратиш, интерьерни лойиҳалаштиришнинг замонавий принципларини қўллаш, (технологиялилик, функционал зоналаш).

- минтақанинг анъанавий принципларига риоя этиш;

- ёдгорлик худуди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш характерининг бино меъморчилиги функционал, композицион ва услубий хусусиятларига мувофиқлик принципнинг сақланиши.

6. Ушбу муаммо бўйича лойиҳалаш ва текширув ишлари қўлаб мутахассисларнинг комплекси ёндошувини талаб этгани сабаб, махсус илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш, таъмирлаш устахоналари негизда, меъморий ёдгорлик-

ларни қайта тиклаш ва мослаштириш билан шуғулланувчи махсус лойиҳа бўлимларини яратиш тавсия этилади.

7. Ёдгорликларнинг функционал вазифаси бўйича ишлаб чиқилган таснифи ва ўтказилган таҳлили асосида муаллиф томонидан Бухоронинг асосий меъморий ёдгорликларини мослаштириш бўйича умумий тавсиялар берилади.

8. Муҳофаза зоналарини ташкиллаштиришнинг аниқлаштирилган принциплари (республиканинг тарихий шаҳарларига нисбатан), шунингдек Бухоро меъморий ёдгорликларини лойиҳалаштириш усулларини текширишдан ва функционал вазифаси бўйича ишлаб чиқилган таснифидан олинган қониқарли натижа, уларни лойиҳалаштириш тажрибасида қўллаш учун тавсия этишга имкон яратади.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ватан барчамиз учун муқаддасдир.-Тошкент, 1996.

2. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. Тошкент, 1999.

3. Ахмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. Т.,1995., 139 бет.

4. Салимов А.М. Основные методы приспособления памятников архитектуры Узбекистана для современных функций. Методические указания. Т., 1994. 30 с.

УДК.725.945.72.025.5.

### ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УСУЛЛАРИ

Джумақулов Ф.У., ассистент (СамДАҚИ)

В статье рассматриваются вопросы актуальности проектирования и реконструкции исторических городов Узбекистана. Авторы дают методы разработки и определение их градостроительной структуры, характеризуют объемно-планировочные решения и их функциональную значимость. Даны рекомендации по восстановлению и реконструкции исторических городов Узбекистана.

In article the relevance of design and reconstruction of the historical cities of Uzbekistan is considered authors give methods of development and definition of their town planning structure, characterize capacity-planning solutions and their functional importance. Recommendations about restoration and reconstruction of the historical cities of Uzbekistan are made. In article the relevance of design and reconstruction of the historical cities of Uzbekistan is considered in article is considered the relevance

Тарихий шаҳар марказларини қайта тиклашда асосий йўналиш - бу, энг аввало, маданият ёдгорликларига эҳтиёткор муносабатда бўлган холда. Қадимий шаҳар марказларини сақлаш ва қайта тиклашда уч асосий муаммо муҳим аҳамиятга:

-композиция асосий доминантларининг фазовий аҳамиятини сақлаш;

-турар жойлар маҳаллаларини қайта тиклаш ва замонавийлаштириш;

-кўча тизимини бугунги давр шаҳари талабларига мослаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, шаклланган тузи-

лиш элементлари: маъмурий ва ижтимоий бинолар, савдо ва томоша муассасалари, хизмат кўрсатиш корхоналари, меъморий ёдгорликлар ва уларнинг муҳофаза худудларини ташкил этиш шаҳарнинг функционал асосини белгилаб беради. Бундан ташқари, тарихий шаҳар марказларини қайта тиклашда қатор шаҳарсозлик, меъморчилик, бадиий ва ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилади.

Режалаштиришда қатъий функционал зоналаштириш асосий вазифа ҳисобланади, дахлсиз зоналарда транспорт олиб ташланади, чунки транспорт меъморий ёдгорликларга салбий

таъсир кўрсатади. Шаҳарларнинг тарихан юзага келган меъморий-бадий қиёфасини сақлаш мақсадида ва ёдгорликларнинг яхши идрок қилиниши ҳамда фаолият кўрсатиши учун қулай шароит яратиш мақсадида муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тарихан юзага келган мажмуани сақлаш ва қайта тикланаётган шаҳар маркази ривожини таъминлашда режалаш лойиҳасини ишлаб чиқиш давомида юзага келувчи мураккаб ва зиддиятли вазифалардан иборат муаммолар мавжуд. Дунё амалиётида айнан баркамолликка эришган бебаҳо тарихий марказий шаҳар мажмуаларини бузиб ташлаш ҳоллари кўп бўлган. Юз йиллар давомида асосан XX аср пиёдалар йўллари негизида шаклланган тарихий марказлар автомобиль транспортига (кўп ҳолларда катта тезликликдаги ҳаракат ва юк микдори ҳамда машиналар сонининг ортиши) мослашишга мажбур бўлади. Тарихий ва меъморий жиҳатдан қимматли бинолар турар жойларнинг замонавий талабларига жавоб бера олмаганлигидан ва марказнинг маданий-маиший ҳамда маъмурий вазифаларининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда замонавий, одатдагидек шаклланган мажмуаларни бузувчи биноларга жой бўшатиб беришга мажбур бўлади.

Тарихий марказларга замонавий вазифаларнинг кириб боришини чеклашга йўналтирилган турли маъмурий ва режаланган тадбирлари (ҳимоя зоналарини яратиш, уларда янги қурилишларни таъқиқлаш, транзит ҳаракатни йўқотиш мақсадида марказларга транспорт халқа йўллари олиб кириш ва шу кабилар) одатда ўз сунъийлигини ошқор қилиб қўяди. Бу энг аввало шу билан тушунтириладики, кўп ҳолларда тарихий марказлар бир вақтнинг ўзиде шаҳарларнинг геометрик маркази бўлиб ҳам ҳисобланади, яъни умумшаҳар муассасаларини жойлаштириш учун, шунингдек аҳолининг меҳнаткаш ва маданий-маиший оқимининг ялпи кесишуви учун (агар транспорт бўлмаса, пиёда) энг афзал ва қулай жой. Шаҳар қурилишлари (асосан турар жойлар марказларининг тарихан шаклланган туташганлиги) шунингдек, уларнинг кенгайишини ҳаддан ташқари қийинлаштиради. Юзага келган танглик ҳолати шаҳарнинг янги маъмурий-ижтимоий марказини замонавий шаҳар чеккасида (масалан, Санкт Петербург, Таллинда) ёки шаҳарнинг бош режасини яратишда тарихий марказни ривожлантириш имкониятини таъминлаш мақсадида чора излашга мажбур қилади.

Таърифи келтирилган вазият энг аввало ривожланган (XX аср бошларида) Европа

шаҳарлари учун хос. Осиёнинг тарихан шаклланган марказларига келсак, жумладан Ўзбекистонда, бундай танг ҳолат ҳали юзага келмаган. Бу маънода Бухоро шаҳри ажралиб туради - тарихан шаклланган такрорланмас мажмуали йирик сайёҳлик маркази. Шу билан бирга йирик перспектив такомиллашган вилоят маркази.

Бухоронинг тарихий ўзаги ҳозирги вақтда шаҳар ҳудудининг 20 фоизга яқинини эгаллайди: ижтимоий хизмат кўрсатиш ва маъмурий муассасаларнинг 90 фоиз корхонаси тарихий ўзак чегарасида асосан маънавий эскирган иншоотларда жойлашган.

Капитал турар жой ва ижтимоий қурилиш ҳозирги вақтда шаҳарнинг жанубий ва жануби-шарқий қисмларида олиб бориляпти. Тарихий ўзакнинг ғарбий, шимолий ва қисман шарқий томонидан маҳаллий турдаги хом ғиштдан қурилган турар жой биноларининг кичик участкалари мавжуд, ҳозирги кунгача улар маълум маънода эскирган. Умуман шаҳарнинг 56,8% турар жой фондини бир қаватли бинолар ташкил қилади (кўплари маҳаллий турдаги сомонли лойдан қурилган), 2,3,4 қаватли капитал турар жой фонди асосан шаҳарнинг жануби-шарқий ва жанубий қисмларида. Пассажир темир йўл магистрали замонавий шаҳар ҳудудидан ташқарида, тарихий ўзакдан 6-7 км. масофадан ўтади. Шаҳарни ўраб турган ҳудуд инженер-геологик ва табиий-ландшафт хусусиятлари бўйича нисбатан тенг қийматли. Шаҳарда ва унинг яқинида йирик сув ҳавзалари йўқ. Бухоронинг мавжуд ҳолати таҳлили шаҳарнинг фақат жанубий ва жануби-шарқий қисмларидаги турар жой ва жамоат объектларининг ва қисман бу районларнинг транспорт тизими мустаҳкамлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Марказни ғарб, шимол ва шарқ томондан ўраб турувчи районлар эса тўлиқ реконструкцияни ёки яқин йилларда бузиб ташлашни талаб қилади. Натижада шуни айтиш мумкинки, шаҳарнинг тарихий ўзаги замонавий вазиятда энг қизиқ кўриш нукталари бўлган ғарбий, шимолий ва шарқий томондан “очиқ”. Тарихан қимматли қурилишларнинг айнан қисман “очиқлиги”, чамаси, Бухоронинг илгаригидан шаклланган Ўрта Осиё шаҳарлари учун типик намуналигини белгилайди. Аммо бундай ўзига хосликка қарамай, охириги шаҳар планировка лойиҳасида тарихий марказ атрофдан турар жой ва хатто саноат бинолари билан ўралган. Бунда шаҳар планировка тузилиши радиал-концентрикка яқин (тарихий ўзакка нисбатан шимолга сурилган марказ билан) хусусият касб этади. Ривожланган Европа тарихий шаҳар марказларини

қайта тиклаш учун бундай типик усул яқин келажакдаги ривожланишда (тарихий марказ атрофи ўралсада, ва унда маъмурий-ижтимоий бинолар қурилиши бош режа бўйича рухсат этилмади) мажмуанинг секин-аста вайрон бўлишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари вилоят марказида фан, билим, маънавий фаолият, ижтимоий хизмат кўрсатиш билан банд аҳоли кўпаяди. Бу каби муассасалар асосан шаҳар марказида жойлашади. Шунингдек ҳозирги вақтда тарихий зонага келувчи шаҳар марказида, айниқса тарихий зонада сайёҳлар оқимининг кўплигини инобатга олиш керак, бунда транспорт ва пиёдалар тўғизлиги юзага келиши мумкин.

Юзага келган вазиятда тарихий марказга келадиган сайёҳлар оқимларини ҳам ишчи, ҳам маданий-маиший шаҳар замонавий марказига ажратиш имконини берувчи усулларни энг оптимал деб ҳисоблаш мумкин. Бунда сайёҳларнинг келадиган асосий пунктларини (Бухорода вокзал ва автостанция) махсус магистраллар орқали тарихий зона билан боғлаш мақсадга мувофиқ. Бу боғланишлар районларида меҳмонхоналар, кемпинглар, дам олиш зоналари ва сайёҳлар оқимига хизмат кўрсатувчи бошқа муассасаларни жойлаштириш керак. Агар шаҳарнинг тарихан шаклланган ўзаги унинг таркибига шаҳар райони сифатида кирса, бу район аҳолиси учун (ҳозирги вақтда шаҳар аҳолисининг катта фоизини ташкил қилувчи) турмуш шароитлари анча енгил таъминланиши мумкин.

Бухорони эски шаҳар қисмини қайта тиклашни назарда тутсак тарихий мараказнинг очиклиги туфайли асосли бўлиши мумкин. Лойиҳа таклифида Бухородаги вазият учун, маълум маънода юқорида қайд этилган талабларни қондирувчи режавий тузилишининг шартли схемалари ишлаб чиқилиши лозим.

Ўрта - селитеб худудлар тўғри бурчакли транспорт структурасига эга ва тарихий худуднинг жанубий томонидан ғарбий йўналишда ривожланиб боради. Янги маъмурий-ижтимоий марказ селитеб зонанинг марказий қисмида шаклланади ва ғарбий йўналишда ривожланиши мумкин. Тарихий зона шаҳарнинг шимолий қисмида чекка ҳолатни олади ва вокзал ҳамда бошқа худудлар билан янги марказни кесиб ўтувчи режада ёй шаклидаги транспорт магистрала орқали боғланади. Бу магистраль бўйлаб асосий сайёҳлик оқимларини йўналтириш таклиф этилиши лозим. Тарихий ўзак

шимоли-ғарбий томонидан сайёҳлик - шаҳар аҳамиятидаги дам олиш зонаси шаклланади, у ерда сайёҳлик базалари жойлаштирилиши мумкин, чунки бу зона худудида Бухоронинг эски шаҳар манзараси яхши кўринадиган нуқталар мавжуд. Схема шаҳарнинг сайёҳлик функцияларидан ишчи ва маданий-маиший функцияларни тўлиқ ажратишни таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида тарихий зона шаҳар марказлари билан қулай боғланади.

**Хулоса.** Ҳозирги вақтда Бухоро тарихий шаҳрида марказий ўзак шаклланган, у алоҳида йўналишлар бўйлаб шаклланипти ва ривожланипти (ғарб ва шимоли-шарққа ва марказнинг ривожланиш йўналиши - шимоли-ғарбга). Бундай усулнинг қўлланилиши келажакда тезкор хабарни киритиш имкониятини таъминловчи қабул қилинган йўналиш бўйича шаҳарнинг эркин ривожланишини таъминлайди. Тарихий ўзак ва шаҳар темир йўл станцияси билан махсус магистрал орқали боғланади, бу станция жойлашган районда сайёҳларни жойлаштириш тавсия этилади. Бу ҳолатда эски Бухоронинг марказий жойни эгаллашига қарамай, уни қисман парк зонаси билан ўраш мумкин, эски шаҳар атрофидан ўтган янги транспорт магистраллари эса маълум даражада унинг ажралиб туришини таъминлайди.

Ривожланиш имкониятларига эга бўлган янги марказнинг мавжудлиги тарихий ўзакда келажакда маъмурий иншоотлар қуриш заруриятини йўққа чиқаради. Берилган ҳолатда ривожланаётган шаҳарда “статик ўзак”нинг мавжудлиги маълум маънода мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг қатор тарихан шаклланган шаҳарларида (Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон) маълум хусусиятлар (тарихан шаклланган ядронинг очиклиги) қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи, хатто уларнинг юзага келишини бартараф қилувчи ўзига хос режалаштириш йўллари излаб топишни келтириб чиқаради.

#### Адабиётлар:

1. Waldheim C. “Landscape as urbanism a general theory”. AVA Publishing USA. 2010.
2. Исамухамдова Д.У., Адылова Л.А. «Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектура-си». Дарслик. 1-қисм., Тошкент, 2009 й.
3. Исамухамдова Д.У., Мирзаев М.К. «Замонавий шаҳарсозлик назарияси». Ўқув қўлланма. Тошкент, 2015.
4. Якуб Вуек. Мифы и утопии архитектуры 20 века. М. Стройиздат, 1990.

## ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ, БИНО ВА ИНШООТЛАР СТРОИТЕЛЬНЫЕ КОНСТРУКЦИИ, ЗДАНИЯ И СООРУЖЕНИЯ

УДК 624.02+536.2

### ЕНГИЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРДАН БАРПО ЭТИЛАДИГАН БИНОЛАРНИНГ ИССИҚЛИК УСТИВОРЛИГИ

Маҳмудов М.М., т. ф. н., доцент (СамДАҚИ)

В статье проведен анализ хода и перспективы развития строительства малоэтажных жилых зданий, возводимых с применением легких конструкций, и приводится обоснование технической целесообразности применения этого вида домостроения в условиях Узбекистана.

In clause the analysis of a course and prospect of development of construction poorly floor of inhabited buildings of easy designs, erected with application is carried out (spent), and the substantiationstexnik feasibility of application of a house of a structure in conditions of Uzbekistan are resulted.

Енгил конструкциялардан қилинадиган ташқи тўсиқ конструкциялари, масалан, “сэндвич” типдаги девор панеллари асосан саноат биноларида қўлланиш учун тавсия этилар эди. Ҳозирги кунда, турар-жой бинолари қурилиши учун ҳам турли-туман янги қурилиш материаллари, анъанавий конструкцияларга нисбатан анча енгил конструктив ечимлар тавсия қилинмоқда. Россияда, АҚШда ва Европада букилган профиллардан тайёрланадиган енгил пўлат юпка конструкциялар (ЕПЮК)га қизиқиш жуда кўчайган, уларнинг техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги аниқланган. Ҳозирги пайтда Россияда ЕПЮКнинг қўлланилиш ҳажми йилига 900 минг тоннадан ошган. Такқослаш учун шуни таъкидлаш мумкинки, бу кўрсаткич АҚШда ва Буюк Британияда мос равишда 6 ва 3,5 млн тоннани ташкил қилади [1].

ЕПЮК лардан кам қаватли турар-жой бинолар барпо этиш учун куйидаги материаллар қўлланилмоқда. ЕПЮК учун букилган профиллар қалинлиги 2 мм гача бўлган турли хил декоратив ёки химоя қопламали ўрамли оддий пўлат листлардан тайёрланмоқда. Қалинлиги 4 мм гача бўлган букилган профиллардан фойланганда юк кўтариш қобилятининг ошиши ҳисобига ЕПЮКларни қўллашнинг кўламини янада кенгайтириш мумкин. Бундай конструкцияларда иссиқлик изоляцияси сифатида барча маълум эффектив материалларни қўллаш мумкин. Иссиқлик изоляцияси қатламини плёнка материаллардан бажариладиган буғ изоляцияси ёрдамида намланишдан химоялаш керак бўлади. Ички қоплама материал сифатида стандарт гипсокартон ва гипстолали листлардан фойдаланиш тавсия қилинмоқда. Деворларнинг ташқи қопламасини, бинонинг архи-

тектуравий ечими ва буюртмачининг талабларига боғлиқ ҳолда, пардоз ғиштдан, пластик ёки металл сайдинглар (1-расм), тош ёки цементли материалдан бажариш мумкин [2].



1-расм. ЕПЮКли бинонинг қўриниши: 1 - пардоз ғишт қопламали фасад; 2 - металл сайдинг қопланган фасад.

Букилган профиллардан ЕПЮКларни тайёрлаш ва монтаж қилиш технологияси, анъанавий ғишт ёки темирбетондан бинолар қурилишига нисбатан, меҳнат сарфини, энергия ва капитал маблағлар сарфини сезиларли даражада кам талаб қилади. Улар ёғоч конструкцияларга нисбатан ҳам енгил, ёнғинбардош, узок муддатга чидамли, чиримайди ва нам тортмайди.

Бундай конструкциялар асосан қиш мавсумида ташқи иқлим шароитлари биздагига нисбатан совуқроқ минтақалар учун ишлаб чиқилганлиги сабабли, уларнинг эксплуатацион хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар кўпинча ташқи тўсиқ конструкцияларнинг иссиқликни сақлаш кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолда берилди холос.

Маълумки, Ўзбекистоннинг иқлим шарои-

тида биноларнинг ташқи деворлари ва том конструкцияларига иссиқлик ҳимояси даражасига қўйиладиган талаблардан ташқари ва уларнинг иссиқлик устуворлиги кўрсаткичига ҳам маълум талаблар қўйилади. Конструкциянинг иссиқлик устуворлиги – хонадаги ёки ташқи ҳаво температураси ўзгарадиган ҳолларда унинг ички сиртдаги температуранинг амплитудаси орқали баҳоланади [3]. Ташқи ҳаво ўзгаришларининг бир хил амплитудасида ички сиртдаги температура ўзгаришларининг амплитудаси қанча кичик қийматга ўзгарса, конструкциянинг иссиқлик устуворлиги шунча юқори деб ҳисобланади.

Сўнги йиллар ичида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг “Бинолар ва иншоотлар” кафедрасида ЕПЮКларда иссиқлик ҳимояси сифатида республикада ишлаб чиқарилаётган иссиқлик изоляцияси материалларидан ҳамда ёғочни қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқиндилар асосида олинган қуйма, тўкма ва плита кўринишидаги иссиқлик ўтказувчанлиги коэффициенти кичик бўлган материаллардан фойдаланишнинг имкониятларини ва ташқи деворларнинг қишда иссиқлик узатишга қаршилигини ва ёз шароитида талаб қилинадиган иссиқлик устуворлиги хусусиятларини ўрганиш борасида тадқиқотлар олиб борилди.

Иссиқлик изоляцияси сифатида Самарқанддаги «ALINA INUEST» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган зичлиги 400 кг/м<sup>3</sup> бўлган пенобетондан, ёғоч қириндиларидан цемент ва гипс қўшилган ҳолда олиш мумкин бўлган турли кўринишдаги материаллардан, қадокланган ёғоч кипикларидан фойдаланган ҳолда тайёрланган ЕПЮКлар намуналарининг иссиқлик техник хусусиятлари ва уларнинг турар-жой биноларига қўйиладиган энергия тежамкорлик ва иссиқлик устуворлик талабларига мос келиши масалалари ҳам назарий жиҳатдан, ҳам иқлим камерасида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар ёрдамида ўрганиб чиқилди. Девор фрагментида термодатчикларнинг ўрнатилиш схемаси 2-расмда, иссиқлик устуворлигини аниқлаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Иссиқлик изоляцияси сифатида зичлиги  $\gamma_0=400$  кг/м<sup>3</sup> бўлган пенобетон (иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda=0,14$  Вт/(м·°С) ва иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти  $S=2,19$  Вт/(м<sup>2</sup>·°С) қўлланилган, ички қопламаси гипскартондан, ташқи қопламаси пластик сайдингдан бажарилган, букилган профилдан ясалган енгил каркас элементи кесимининг баландлиги 150 мм бўлган ташқи де-

вор фрагменти устида иқлим камерасида ўтказилган тажрибалардан маълум бўлдики, девор фрагментига ташқи томондан Самарқанднинг ёзги иқлим шароитига мос июль ойи учун қабул қилинган суткалик температура ўзгаришлари таъсир қилганда, деворнинг металл каркассиз қисмининг ички сиртдаги температура ўзгаришларининг амплитудаси 1,27 °С га, металл каркас жойлашган кесим бўйича ички сиртда бу кўрсаткич 1,64 °С га тенг бўлди.



2-расм. Тажириба девори фрагментида термодатчикларнинг ўрнатилиш схемаси: а – пўлат профил бўлмаган кесим бўйича; б – пўлат профил бўлган кесим бўйича; 1...12 – термодатчиклар рақами.

1-жадвал

Каркаси букилган пўлат профиллардан бажарилган енгил девор конструкцияси фрагментининг иссиқлик устуворлигини тадқиқ қилиш натижалари

Температура ўзгаришларининг амплитудаси	Девор фрагментида қўлланилган иссиқлик изоляцияси			
	Пенобетон ( $\gamma_0=400$ кг/м <sup>3</sup> )	Ёғоч қирин-дилардан цемент ёрдамида олинган материал ( $\gamma_0=370$ кг/м <sup>3</sup> )	Ёғоч қирин-дилардан гипс ёрдамида олинган материал ( $\gamma_0=400$ кг/м <sup>3</sup> )	Целлофан пакетларга қадокланган ёғоч кипиклари ( $\gamma_0=110$ кг/м <sup>3</sup> )
Пўлат профил бўлмаган кесим бўйича $A_{\tau_B}$ , °С	1,27	0,78	0,7	1,7
Пўлат профил бўлган кесим бўйича $A_{\tau_B}$ , °С	1,64	1,55	1,15	1,15
Амплитуданинг талаб этилган қиймати $A_{\tau_B}^{TP}$ , °С	2,01			

Конструктив схемасини ўзгартирмаган ҳолда, иссиқлик изоляцияси сифатида зичлиги  $\gamma_0=370$  кг/м<sup>3</sup> бўлган ёғоч қириндилари асосида цемент боғловчи ёрдамида олинган ма-

териал (иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари  $\lambda=0,14$  Вт/(м·°С) ва иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти  $S=3,2$  Вт/(м<sup>2</sup>·°С) қўлланилган ташки девор фрагменти устида юқорида кўрсатилган шароитда ўтказилган тажрибаларда бу кўрсаткичлар, мос равишда, 0,78 °С га, металл каркас жойлашган кесим бўйича ички сиртда 1,55 °С га тенг бўлиши аниқланди.

Шунга ўхшаш экспериментал тадқиқотлар юқорида кўрсатилган шароитда иссиқлик изоляцияси сифатида зичлиги  $\gamma_0=400$  кг/м<sup>3</sup> бўлган, ёғоч қириндилари асосида Г-2 маркали нормал қотувчан (индекси Б) қурилиш гипсидан боғловчи сифатида фойдаланиб олинган материал (иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари  $\lambda=0,14$  Вт/(м·°С) ва иссиқлик ўзлаштириш коэффициенти  $S=2,2$  Вт/(м<sup>2</sup>·°С) қўлланилган ташки девор фрагменти устида ўтказилди. Самарқанднинг ёзги иқлимга мос шароитда ўтказилган тажрибалар натижасида деворнинг металл каркассиз қисмининг ички сиртдаги температура ўзгаришларининг ўртача амплитудаси 0,7 °С га, металл каркас жойлашган кесим бўйича ички сиртда бу кўрсаткич 1,15 °С га тенг бўлиши аниқланди.

Енгил каркасли ташки девор намунасида иссиқлик изоляцияси сифатида чиришдан сақлаш учун ишлов берилган, сўнгра ҳаводаги қуруқ ҳолатгача қуригилиб целлофан пакетларга қадоқланган ёғоч кипиклари ( $\gamma_0=110$  кг/м<sup>3</sup>) қўлланилган вариант ҳам тажрибалар ёрдамида ўрганиб чиқилди. Бундай материални ҳам иссиқлик изоляцияси сифатида қўллаш мумкинлиги тажрибаларда ўз исботини топди. Бу девор намунасида ҳам металл каркассиз қисмининг ички сиртдаги температура ўзгаришларининг ўртача амплитудаси, мос равишда, 1,7 °С ни, металл каркас жойлашган кесим бўйича ички сиртда эса 1,15 °С ни ташкил қилди ҳолос. Самарқанд шароити учун юқоридаги кўрсаткичларнинг талаб этиладиган (максимал рухсат этилган) қиймати  $A_{\tau_B}^{\text{ТР}}$  °С эканлигини ҳисобга олсак, қалинлиги турар-жой биноларининг иссиқлик ҳимоясининг иккинчи даражасига мос иссиқлик узатишга қаршилиги бўйича қабул қилинадиган ташки деворларнинг ЕПЮКлари Ўзбекистоннинг ёзги шароити учун қўйиладиган иссиқлик устуворлиги талабларига тўлиқ жавоб беради, - деган хулоса қилишимиз мумкин.

Шуни таъкидлашимиз мумкинки, юқорида тадқиқ қилинган ташки девор конструкцияларининг иссиқлик узатишга умумий қаршилиги

турар-жой биноларига қўйиладиган иссиқлик ҳимоясининг иккинчи даражаси талабларига жавоб беради. Бажарилган экспериментал ва назарий тадқиқотлар ҳамда мулоҳазалар асосида шундай хулоса қилишимиз мумкин:

**биринчидан** – бошқа узоқ ва яқин хорижий давлатларда кенг миқёсда қўлланилаётган букилган профиллардан бажариладиган енгил пўлат юпқа конструкциялардан кам қаватли бинолар қурилишини республикамызда йўлга қўйиш учун моддий-техника базаси, барча объектив ва субъектив шароитлар мавжуд; буни йўлга қўйилса, сарфланаётган харажатларни кўпайтирмаган ҳолда, ҳозирги даврда республикамызда амалга оширилаётган кам қаватли турар-жой бинолари қурилиши ишларининг ҳажмини янада ошириш ва сифатини кўтариш мумкин;

**иккинчидан** - ташки деворлари букилган профиллар бажарилган енгил пўлат юпқа конструкциялардан ёки цементли сэндвич панеллардан қилинган биноларнинг энергия тежамкорлик хусусиятлари анъанавий ғишт девордан барпо этилаётган биноларникига нисбатан анча юқори, яъни амалдаги норматив ҳужжат [3] да белгиланган, аммо ҳозирги кунда амал қилинмаётган турар-жой бинолари учун иссиқлик ҳимояси даражасининг иккинчи даражасини таъминлаш бўйича талабларни қондириш мумкин бўлади;

Зилзиладан сақланишнинг энг асосий йўллари қаерда қандай куч билан ер қимирлашини кўрсатувчи пухта сейсмик районлаштириш ва микрорайонлаштириш хариталарини тузиш, сейсmobардошли иморатлар, иншоотлар қуриш ва зилзилаларни олдиндан айтиб беришдан иборат. Зилзилашунослик фани бу муаммоларга ечими бор муаммолар, деб қарайди. Ҳозирги кунда бу муаммолар устида олимларимиз тинмай изланишлар олиб боришмоқда. Бу соҳада бир қатор масалалар ҳал қилинди, деб ҳам айта оламиз. Лекин, олдинда ҳали ечилиб улгурилмаган, тезда ечилиши лозим бўлган ғоят долзарб муаммолар ҳам анчагина.

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И ИЗДЕЛИЯ

УДК 625.75(075.8)

### ЙЎЛ БЕТОНИНИНГ УЗОҚҚА ЧИДАМЛИЛИГИ

Амиров Т.Ж., Мадатов Р.А.

(Тошкент автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти)

В статье приведены способы повышения долговечности и стойкости дорожных бетонов к химически агрессивным факторам.

The article describes the methods of improving the lifespan of road concrete and its resistance to chemically aggressive factors.

Йўл бетони эксплуатация вақтида бир қатор агрессив таъсирларга учраши мумкин. Масалан, автомобилларнинг такрорий юкламалари, йўл пойи ва тўшамасининг ўзгарувчан ҳарорат-намлик таъсирлари, сувга тўйинган ҳолатда қайта-қайта музлаб-эриши, суяқ ёки газ ҳолатидаги турли ноорганик ва органик моддаларнинг агрессив таъсири (кимёвий коррозия), бетон таркибидаги зарарли компонентлар ва аралашмаларнинг салбий таъсир кўрсатиши, галма-галдан намланиб-қуриши, исиб-совуши, ташқаридан тушадиган моддаларнинг ғовакларда кристаллашиб, чўзувчи кучланишларнинг юзага келиши (физик коррозия) каби ҳолатлар бунга мисолдир. Шунинг учун ҳам бетон қотиш жараёнида нафақат тегишли мустаҳкамликка ва бошқа қурилиш-техник хоссаларига эга бўлиши, балки уларни бутун хизмат муддати давомида сақлаб қолиши керак.

Портландцемент ва уларнинг ҳосилалари асосида бетонлар бошланғич материалларнинг керакли сифати таъминланганда таркиблар тўғри лойиҳаланганда ва бетон ишлари технологиясига амал қилинганда кўпгина ноқулай таъсирларга бардошлилиги юқори бўлишига қарамай, кўпинча, емирилишлар кузатилиши мумкин. Бунга ё илгари ҳисобга олинмаган ёки улардан ҳимоялаш учун тегишли чоралар кўрилмаган у ёки бу агрессив омиллар сабаб бўлади. Агрессив омилларнинг таъсири, кўпинча механик юкламалар билан кучаяди.

Ҳар хил турдаги цементларнинг у ёки бу агрессив омилларга қарши бардошлилиги ҳар хил бўлади. Шунинг учун йўл бетони учун кўпинча ГОСТ 22266-94 талабларига жавоб берувчи сульфатга чидамли портландцементлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Бетоннинг узоққа чидамлилиги унинг музлашга чидамлилигига бевосита боғлиқ.

Шунинг учун музлашга чидамлилиги юқори бўлган бетон олиш мақсадида қуйидаги асосий чоралар қўрилади:

1. Музлашга чидамли цемент тошини олишни таъминлайдиган цементлардан фойдаланиш:

- таркибида  $C_3A$  (уч кальцийли алюминат) минерали иложи борича кам бўлган цементлар (унинг миқдори транспорт иншоотларини қуриш учун мўлжалланган портландцементда чекланади, кўпи билан 7%-меъёрланган минералогик таркибли клинкердан олинадиган цемент);

- цементда минерал қўшилмалар (минерал қўшилмалар цемент массасининг 5% и дан ошмаслигига рухсат берилади) ва майдаланган қўшилма-интенсив факторлари, цементга ҳаводаги намлик таъсир қилмаган ва етарлича майин майдаланган бўлиши керак;

- цементдаги ишқорлар миқдори  $Na_2O_{eq}$  қайта ҳисобланганда 0,6% дан ошмаслиги керак;

- цементда сохта ва тез қотиш белгилари бўлмалиги керак.

2. Бетонда 50-250 мкм ўлчамдаги, бири-бирдан 100-300 мкм масофада жойлашган шартли-ёпиқ ғовакларни таъминлайдиган ҳаво тортувчи ва газ ҳосил қилувчи қўшилмаларни қўллаш. Бетондаги шартли ёпиқ ғоваклар ҳажми 3-7% бўлиши керак.

3. Пластификацияловчи (сувни редукция қилувчи) қўшилмалар қўллаш ҳисобига бетон қоримасида сув-цемент нисбати ва сувни камайтириш.

4. Сифатли, музлашга чидамлилиги юқори бўлган тўлдиргичлар-чақиқтош ва кумдан фойдаланиш. Бунда шағални ишлатишга рухсат берилмайди. Таркибидаги ифлослантурувчи аралашмалар меъёрий талабларга жавоб бериши ва иложи борича кам бўлиши зарур.

5. Бетон қоришмасининг охиригача зичлан-маслигига йўл қўймай, унинг қатламларга ажралишининг олдини олиш.

6. Қотиши учун қулай шароит яратиш: кескин ҳарорат ўзгаришлари ва сув буғланишидан сақлаш. Бунинг учун бетон имкон қадар узок вақт парваришланиши зарур.

Бетон таркибидаги ҳаво фазаси унинг музлашга чидамлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. 50-25 мкм ўлчамдаги бир-биридан 100-300 мкм масофада жойлашган шарсимон шартли-ёпик ғоваклар бетоннинг сув шимувчанлигини камайтиради ҳамда музлаганда муз кристалларининг ўсиши учун бетонда захира ҳажмини таъминлайди, бетондаги ички кучланишни камайтириб, бузилишидан сақлайди (1-расм).



1-расм. Бетон таркибидаги ҳаво фазаси

Ҳаво тортувчи қўшилмаларни қўллаш ҳисобига бетоннинг музлашга чидамлигини бир неча баробар ошириш мумкин. Йирик ҳаво ғоваклари, аксинча, музлашга чидамликни пасайтириб юборади. Йирик ғоваклар бетон қоришмасининг охиригача зичланмаганлиги натижасида, ё эритмани ташкил этувчиларнинг етишмаслиги ёки сифатсиз кимёвий қўшилмалар қўлланиши туфайли ҳосил бўлади. Сифатсиз кимёвий қўшилмалар бетон қоришмасига ҳаво киришига ёки газ ажралиб чиқишига сабаб бўлади, аммо бунда ҳаво (газ) фазаси дисперсияланмайди.

#### Бетоннинг кимёвий агрессив омилларга қарши бардошлилиги

В.М.Москвиннинг фикрича, цементбетондаги коррозия асосий белгиларига кўра уч турга бўлинади:

I. Вақтинчалик қаттиқлиги кичик бўлган сувнинг таъсирида юз берувчи жараёнлар. Бу

жараёнда сув бетон орқали филтрланганда цемент тошининг баъзи ташкил этувчилари эрмайди;

II. Агрессив моддалар билан ўзаро таъсир қилиш жараёнлари, бунинг натижасида ё осон эрувчан ёки боғлаш хусусияти бўлмаган кам боғланган маҳсулот ҳосил бўлади-бетонга тузлар шундай таъсир қилади;

III. Юқоридаги жараёнлар натижасида цемент тошлари ғовакларида ҳажми ортадиган ва шу билан уни емирадиган маҳсулотлар пайдо бўлади.

В.В.Кинд бетон кимёвий коррозиясининг қуйидаги асосий турларини ажратиб кўрсатади: 1) Бетондан унинг таркибидаги кальций гидроксидини эритиб, олиб чиқиб кетиш натижасида ишқорли коррозия; 2) Кислотали коррозия; 3) Кислотали коррозиянинг алоҳида хоссаси сифатидаги углекислотали коррозия; 4) Сульфатли коррозия; 5) Магнезиал коррозия.

Биринчи турдаги ишқорли коррозия юмшок сув (таркибида тузлар кам бўлган сув) бетон орқали филтрланганда юз беради. Бунда цемент тошидан аввал цемент қотаётганда ҳосил бўладиган эркин  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  биринчи навбатда, алит гидролизи ( $\text{C}_3\text{S}$ ) да эриб, ювилиб кетади. Цемент тоши таркибидаги  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  бир неча ой қотгандан кейин 10...15% га етади, унинг ювилиб кетиши мустаҳкамликнинг камайишига олиб келади. Бундан ташқари, ғовакларни тўлдирадиган суюқ аралашмада  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  концентрацияси 1,1 г/л дан кам бўлганда гидросиликатлар цемент тошининг асосий компонентлари парчаланиб кетади.

Ишқорли коррозиядан ҳимоялаш учун қуйидаги асосий чоралар кўрилади:


- бетон орқали филтрланишни камайтириш-зич ва сув ўтказмайдиган бетонларни қўллаш;

- цемент ёки бетонга таркибида  $\text{SiO}_2$  бўлган ва цемент тошида  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  ни пуццолан реакцияси механизми бўйича боғлайдиган актив минерал қўшилмалар қўшиш:



- таркибида алит ( $\text{C}_3\text{S}$ ) кам бўлган цементларни қўллаш.

Умумий кислотали коррозия кислоталар  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  билан ўзаро таъсирга киришганда бошланади, масалан:




Ҳосил бўладиган тузлар, масалан,  $\text{CaCl}_2$  каби ё сувда эрийди ёки  $\text{CaSO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$  каби ҳажми ортиш хусусиятига эга бўлади.

Кислоталарнинг агрессив таъсири  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  билан реакцияга киришиш бўлибгина қолмай, гидросиликатлар, гидрооаминатлар ва кальций гидроферритларнинг емирилишини ҳам келтириб чиқариб, тузлар ёки боғланмаган аморф массаларини ҳам ҳосил қилиши мумкин, масалан  $\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Al}_2(\text{OH})_3$ ,  $\text{Fe}_2(\text{OH})_3$  каби.


Кучсиз кислотали коррозияда ( $\text{pH}=4\dots 6$ ) бетонлар кислотага чидамли материаллар (плёнка билан изоляция қилиш, бўйаш ва б.) бетонга кучли кислотали агрессия ( $\text{pH}$  тўртдан кам) таъсир қилганда кислотага чидамли цемент ёки кислотага бардошли тўлдиргичли бетон ёки полимер боғловчили бетон қўлланади.

Нафақат минерал, балки органик кислоталар ҳам цемент тошини ҳажмининг ошишига (кўпчишига) сабаб бўлади. Улар, масалан, мойлар (зиғир, пахта ва б.) ва нефть маҳсулотлари таркибида бўлиши мумкин.

Бетоннинг углекислотали коррозияси алоҳида ҳодиса ҳисобланади. У таркибида кучсиз кўмир кислотаси кўринишидаги кучсиз углерод диоксида ( $\text{CO}_2$  эркин) мувозанати микдордан ортиқ бўлган сув таъсир қилганда ривожланади. Бу ҳолда  $\text{CO}_2$  эркин цемент тошидаги  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  билан реакцияга киришиб,  $\text{CaCO}_3$  ни ҳосил қилади, у кейин яхши эрийдиган кальций бикарбонатга айланади:



Емирилиш жараёни ишқорли коррозия каби кечади. Кўпинча, табиий сувлар (дарё, денгиз, грунт) таркибида  $\text{Mg}^{2+}$ , катиони бўлиб, у магнезиал коррозияга сабаб бўлади, масалан:



Магний тузларининг  $\text{Ca}(\text{OH})_2$  билан ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўладиган брусит ( $\text{Mg}(\text{OH})_2$ ) мустақкам бўлмаган юмшоқ боғланмаган массадан иборат. Бундан ташқари, магнезиал коррозияда портлантид сарфланишига кўра биринчи галда барқарорлиги камроқ бўлган кальций гидросиликатлари парчаланиши ҳам мумкин. Келтирилган реакцияларнинг иккинчиси сульфат-магнезиал коррозияга мос келади.


Бундан ташқари, бетон минерал ўғитлар таъсирида емирилиши мумкин. Айниқса, аммиакли ўғитлар (аммиакли селитра, аммоний сульфати) зарарлидир, фосфорли ўғитлардан суперфосфат агрессивдир.

Агар бетон таркибида  $\text{SO}_4^{2-}$  иони бўлса сувлар билан алоқада бўлса, сульфатли коррозияга

учрайди, у III турдаги коррозияга киради (янги бирикмаларни ҳосил қилиб, ҳажми ортадиган коррозия). Сульфат кислотаси гипсли ва сульфаталюминатли коррозияга бўлинади.

Гипсли коррозияда  $\text{SO}_4^{2-}\text{Ca}(\text{OH})_2$  билан ўзаро таъсирга киришиб,  $\text{CaSO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$  ни ҳосил қилади, бу эса ҳажми дастлабки портлантнинг ҳажмига қараганда тахминан 2,5 баробар ортишига олиб келади.

Сульфаталюминатли коррозия - кальций гидроалюминатлари ( $\text{C}_3\text{A}$  минерали гидратацияси маҳсулотлари) ҳажми тахминан 4,5 баробар ортиши натижасида юз беради.



Иккиламчи эттирингитнинг ҳосил бўлиши бетонга  $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ,  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ,  $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$  каби тузлар таъсири қилиши натижасида юз беради.

Сульфатли коррозиядан ҳимоялаш учун сульфатга бардошли цементлар қўлланади. Агрессив муҳитлар таснифи ва бетонни коррозиядан ҳимоялаш чоралари ҚМҚ 2.03.11-95 да берилган.

Бетон реакцияга кириша оладиган тўлдиргичлардан тайёрланганда, цемент таркибида эса ишқорлар микдори ортиқча бўлганда, бетоннинг ишқорли коррозияси юз беради. Бунда цемент таркибидаги ишқорлар ( $\text{R}_2\text{O}$ ) тўлдиргич таркибидаги актив кремнезём ( $\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ) билан ўзаро таъсирга киришиб, комплекс гидратацияланган гел ҳосил қилади, бу эса бетоннинг ички босими ва емирилишига сабаб бўлади. Реакцияга кириша оладиган тўлдиргичларга таркибида аморф кремнезёми микдори 50 ммоль/л дан ортиқ бўлган тўлдиргичлар киради. Биринчи навбатда булар-опал, кальцедон ва б. ишқорли коррозиянинг олдини олиш учун реакцияга кириша оладиган тўлдиргич қўлламастик ва цемент таркибидаги ишқорларни хавфсиз даражасида кўпи билан 0,6%  $\text{R}_2\text{O}$  микдорда чеклаш зарур.

#### Адабиётлар

1. Самиғов Н.А. Қурилиш материаллари ва буюмлари. Тошкент: Чўлпон номидаги НМИУ, 2013 й. 320 бет.
2. ГОСТ 26633-2012 «Оғир ва майда заррали бетонлар. Техник шартлар».
3. Шейнин А.М. Цементобетон для дорожных и аэродромных покрытий. - М.: Транспорт, 1991.- 151 стр.

## SEMENT KLINKERINI YOQISHNING TERMODINAMIK JARAYONI MODELLARI

Alishev Sh.A. к.и.х. изланувчи (Jizzax Politexnika institute)

Sement ishlab chiqarishning texnologik jarayoni juda murakkab, ko'p bosqichli ko'rinadi: har xil gaz va termodinamik, mexanik, jismoniy, kimyoviy va boshqa hodisalarni o'z ichiga olgan jarayondir. Modelni shakllantirish uchun vakillik vositalarini oqilona soddalashtirish bilan birgalikdagi yondashuv talab etiladi.

O'choqlarda doimiy ravishda amalga oshiriladigan jarayonlar kompleksi quyidagilarni o'z ichiga oladi: gazlarning harakatlanishi; yoqilg'ini yoqish; o'choqdagi va qayta ishlangan materialning yuzasi yaqinida issiqlik almashinuvi; materialning massasida issiqlik almashinuvi jarayonlari; kimyoviy o'zaro ta'sirlar.

O'choqda olovni nazorat qilish ob'ekti sifatida issiqlik balansi bir qancha omillarga bog'liq:

- butun texnologik jarayon uchun issiqlik energiyasining asosiy regulyatsiya manbai bo'lgan gaz yondirgichlarining hajmi;

- o'choq koordinatalarida issiq gazlarning yo'nalishini va tezligini tartibga solish;


-atrof muhitga to'siqlar orqali issiqlik energiyasining yo'qotilishi;

-material orqali kirish va chiqish issiqlik oqimlari.

Odatda, bu jarayonlar to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita o'zaro bog'liq va o'zaro ta'sirga bog'liq bo'ladi.

Olovli oqimlarning oqish jarayonlarini kinetikasining texnologik sxemasi 1-rasmda ko'rish mumkin.

Gazlar va xom ashyo o'rtasidagi issiqlik almashinuvi sementning issiqlik bilan ishlash jarayonining asosi hisoblanadi. O'choqdagi olovni uzunligi, ya'ni uning boshqa o'lchamlaridan ancha kattaroq bo'lgani uchun gaz oqimining chayqatib aralashishi tufayli uning parametrlari o'choqning ma'lum bir qismi uchun taxminan bir xil bo'ladi va ob'ektning bir o'lchamli bo'lishi nazarda tutiladi.



**1-rasm.** Ob'ektdagi gazlarning harakatlanish texnologiyasi sxemasi. (1)- Atmosferaga emissiya; (2)- yondiruvchi guruhlar gaz yetkazib berish; (3)- quritish; (4)- gaz oqimi; (5)- xomashyo harakati;

Har doim zonalarda gazlarning harorati issiqlik balansining shartlari bilan belgilanadi va

mintaqada bir xil bo'lishi mumkinligi taxmin qilinadi (umuman olganda, bu turli mintaqalarda farq qilishi mumkin).

Xom ashyo tarkibidagi harorat darajasi odatda bir xil yoki barqaror bo'lmaydi, chunki issiqlik almashinuvi molekulyar issiqlik o'tkazuvchanlik shartlari bilan bog'liq. Sovutilgan va izolyatsiyalangan issiqlik miqdori dinamik o'zgaruvchan material massasiga mutanosib ravishda hisoblanishi mumkin. Keyingi hududga o'tishda olingan xom ashyoning parametrlari ushbu mintaqaning boshlang'ich xarakteristikasi sifatida ko'rib chiqilishi mumkin.

O'choqning i-zonasida uchun gaz komponentining harorati o'zgarishi issiqlik balansi tenglamasi bilan ifodalanishi mumkin:

$$c_p G_i^* T_i^g = c_p (G_i^* + G_{i+1}^*) \cdot T_{i+1}^z + P_i^G - Q_i^0 - Q_i^m, \quad (1)$$

bu yerda:  $c_p$  - gaz aralashmasining o'ziga xos issiqlik quvvati,  $T_i^g, i = \overline{1, N}$  - i-zonasidagi gaz aralashmasining harorati

$$G_i^* = G_0 + G_i^G$$

bu yerda:  $G_0$  - yondirgichlar zonasida havo iste'moli,  $G_i^*$  - havo oqimini yetkazib berish,  $G_i^G$  - chiqindi gazlarni iste'mol qilish:

$$G_i^G = \frac{P_i^G}{Q_G \chi},$$

$Q_G$  - yonish gazining issiqligi.

Birinchidan, issiq gazlarni i- va (i+1) zonalari orasidagi issiqlik oqimini aks ettiradi.

Ikkinchidan, bu hududda gaz yongichining issiqlik hajmi.

Uchinchidan, atrof-muhitga issiqlik yo'qotishlari;

$$Q_i^0 = K_i^0 S_i \cdot (T_i^z - T_0),$$

bu yerda:  $T_0$  - tashqi harorat,  $T_i^z$  - issiq gazlar harorati,  $S_i$  - yopiq yuzaning umumiy maydoni,  $K_i^0$  - issiqlik uzatish koeffitsienti.

To'rtinchidan, materialga o'tkaziladigan issiqlik miqdori:

$$Q_i^* = \frac{c_m M_i \cdot (T_i^* - N_{i-1}^m)}{\Delta t},$$

bu yerda:  $T_i^m$  - i-zonasidagi materialning harorati,  $c_m$  - materialning o'ziga xos issiqligi,  $M_i$  - i-z zonasidagi materialning massasi,  $\Delta t$  - i-z zonasining o'tish davri.

Materialning haroratli maydoni ichki issiqlik manbalari mavjud bo'lmagan tizim uchun stasionar issiqlik o'tkazuvchanlikning klassik tenglamasi bilan belgilanadi.

$$c_q \rho_q \frac{\partial T_i^q}{\partial t} = \lambda_q \left( \frac{\partial^2 T_i^q}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 T_i^q}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 T_i^q}{\partial z^2} \right), \quad (2)$$

bu yerda:  $c_q, \rho_q, \lambda_q$  - maxsus issiqlik, zichlik, materialning issiqlik o'tkazuvchanligi.

(i-1) zonasidagi chiqindidagi materialning haroratini boshlang'ich shartlar sifatida olishimiz mumkin:

$$T_i^q(0) = T_{i-1}^q(\Delta t). \quad (3)$$

Chegaraviy shartlari:

$$\alpha_i \left( T_i^q - T_i^q \Big|_{x=0, x=hx} \right) = \lambda_q \frac{\partial T_i^q}{\partial x} \Big|_{x=0, x=hx},$$

$$\alpha_i \left( T_i^q - T_i^q \Big|_{x=0, x=hy} \right) = \lambda_q \frac{\partial T_i^q}{\partial x} \Big|_{x=0, x=hy}, \quad (4)$$

$$\alpha_i \left( T_i^q - T_i^q \Big|_{x=0, x=hz} \right) = \lambda_q \frac{\partial T_i^q}{\partial x} \Big|_{x=0, x=hz}.$$

Bu yerda  $hx, hy, hz$  mos yo'nalishdagi  $(x, y, z)$  qizdirilgan materialning qalinligi. (1) va (2) tenglamani (3)-boshlang'ich shartlari va (4)-chegaraviy shartlardan foydalanib, ketma-ket keladigan yaqinlashuv usuli bilan birgalikda yechish mumkin.

Ichki aylanish jarayonida hisob-kitoblar materiallarning haroratidagi qatlamlar haroratidagi o'zgarishlarni, tashqi aylanish jarayonida hisoblangan chegara shartlarining kiritilishi bilan va aksincha, tashqi aylanish jarayonida gazli muhitning joriy haroratini aniqlashda dastlabki shartlar hajmlar sifatida ishlatiladi. Bo'limlarning harorati hisoblab chiqilgan qiymatlar yuqorida ko'rsatilgan zonalardan aniqlanadi, ishlov berilgan material, o'choqning uzunligi, gaz yondirgichlarining joyi va hokazo.

Doimiy issiqlik oqimida o'choq devorlari orqali issiqlik uzatish xodisasi gaz aralashmasidan o'choq devoriga issiqlik o'tkazishni, devorning issiqlik o'tkazuvchanligini, tashqi devor sirtidan atrofga issiqlik o'tkazishni o'z ichiga oladi.

Olovli kanal ichidagi issiq gazlardagi issiqlik oqimining zichligi quyidagi formula bo'yicha aniqlanadi:

$$q = \alpha_i^q (T_i^q - T_i^{ct}),$$

bu yerda:  $T_i^q, i = \overline{1, N}$  i-zonadagi gazlarning harorati,  $T_i^{ct}$  ichki devor harorati,  $q$ -issiqlik oqimi zichligi,  $\alpha_i^0$  - kimyoviy issiqlik uzatish koeffitsienti,  $N$ - zonalar soni.

Doimiy holat sharoitida issiqlik oqimi zichligi o'choq devori orqali issiqlik o'tkazuvchanligiga bog'liq:

$$q = \frac{\lambda}{h} \left( T_i^{ct} - T_i^{c2} \right),$$

bu yerda:  $T_i^{ct}$  - zonadagi gazlarning harorati,  $T_i^{c2}$  - tashqi devor harorati,  $\lambda$  - issiqlik o'tkazuvchanlik koeffitsienti,  $h$  - devor qalinligi.

Tashqi sirt orqali atrof muhitga o'tkaziladigan issiqlik oqimi quyidagicha bo'ladi:

$$q = \alpha_i^0 (T_i^{c2} - T_i^0)$$

tenglik asosida olingan atamalarni qo'shib qo'yamiz:

$$q = \left( \frac{1}{\alpha_i^0} + \frac{h}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_0} \right) (T_i^q - T_0)$$

Shunday qilib, umumiy issiqlik oqimi quyidagicha bo'ladi:

$$Q_i^0 = \frac{S_i (T_i^q - T_0)}{\frac{1}{\alpha_i^0} + \frac{h}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_0}}.$$

Agar issiqlik uzatish koeffitsientini nazarda tutsak, u holda:

$$K_i^0 = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_i^0} + \frac{h}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_0}},$$

tashqi sirt orqali issiqlik yo'qotish tenglamasi quyidagi shaklni oladi:

$$Q_i^0 = K_i^0 (T_i^{iq} - T_0).$$

Termodinamik hisob-kitoblar ko'pincha umumiy issiqlik qarshiligining qiymatini, ya'ni issiqlik uzatish koeffitsientining teskarisini ishlatadi:

$$R = \left( \frac{1}{\alpha_i^0} + \frac{h}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_0} \right).$$

Umumiy holda, issiqlik uzatish koeffitsienti aralashirish shartlariga (oqim belgisi, componentlarning xususiyatlari, gaz oqim tezligi va boshqalar) bog'liqdir.

#### Adabiyotlar:

1. Вальтер Г. Дуда. Цемент. Москва: Стройиздат, 1981.
2. Мельник М. Т., Берхоер И. Д., Ковалев Ю. С. Расчеты сырьевой смеси и материального баланса цементного завода. Киев: Виша школа, 1972.
3. Алиев Э.М., Уразов Н. Прогнозирование и управление качеством технологической продукции. Ташкент: Издательство «Фан» УзССР, 1984.
4. Алишев Ш.А. Технологии производства цемента (ДжПИ, Узбекистан) // Международная научно-техническая конференция «Перспективные информационные технологии-2017» Самара, 14 – 16 марта 2017 г. стр. 843-846.



## КНАУФ БУТЛОВЧИ ТИЗИМЛАР ЖАМЛАНМАСИ (БТЖ) ВОСИТАСИДА ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ ЛОЙИХАСИНИ ТУЗИШ АМАЛЛАРИ

Бахриев Н.Ф., т.ф.н. (СамДАҚИ)

В статье отражены разработки по составлению проектно-технологических карт применения комплектов систем КНАУФ-сухое строительство, освещены вопросы составления рабочей документации, включая расчет объемов работ, материально технических ресурсов и пр. Результаты разработок применены при составлении проекта производства работ ППР, курсовых и дипломных проектов студентами строительных специальностей.

The work reflects the development of design and technological maps for the use of complex systems KNAUF-dry construction, made successful attempts to design working documentation for the calculation of workloads and material resources. The results of the development can be applied when drawing up a project for the production of works of PPW, course and diploma projects by students of construction specialties.

Замонавий қурилиш жараёнида ва айниқса пардозлаш ишлари технологиясида КНАУФ БТЖ элементларидан фойдаланиш жуда оммаллашиб, жадал суръатлар билан тадбиқ этилмоқда. Бино ва иншоотларни пардозлашда қурувчи усталаримиз бу компания масулотларини шубҳасиз иккиланмасдан қўлламоқдалар ва бунда сифат ва самарадорлик кўрсаткичларида “Немис стандарти” деб номланувчи шиор даражаси сезилиб туради. Бироқ ушбу БТЖ воситасида технологик лойиҳалар тузишда, ишчи лойиҳалар, технологик хариталарни расмийлаштиришда қурувчи усталар, қурилишни бошқариш ва ташкил этиш ходимлари ва лойиҳачилар учун қулай ва оддий лойиҳалаш услуги ҳозирда ишлаб чиқилган эмас [1,2,3].

М.Улуғбек номидаги СамДАҚИ “Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш” кафедрасида бу масалада бир мунча ҳаракатлар услуги ишлаб чиқилди. Масалан, пардозлаш ишлари лойиҳаси тузилаётган бино қават планида, хоналар руйхатидаги (экспликация) тартиб рақамига асосан, барча хона деворлари соат стрелкаси ҳаракат йўналишида тартиб рақамлари билан белгилаб чиқилади. Белгиланган қават ва хоналар деворлари тартиб рақами кетма-кетлигида технологик харитага туширилади, бунда деворнинг эскизи, бўйи эни, ундаги эшик ёки дераза ромлар равоғи (проёмлар) туширилиб, деворнинг тўлиқ сатҳи ва шу жумладан равоқлар юзаси айрилган сатҳи (абсолют юза) келтирилди (1-расм, а ва б).

Келтирилган эскиз бино ички хона деворлари ёйилмаси вазифасини ўтайди ва бунда барча хона деворлари, унинг элементлари билан ёйиқ планда намоён бўлади ва тартибланган рақамлар билан белгиланади. Биз бунда, девор асоси қандай материалдан ишланганлигини ҳам (яъни эскизда девор ғиштдан, тошдан ёки бетондан ишланганлигини ҳам, ёки пардевор (перегородка) вазифасини бажараётганлигини ҳам кўрсатишимиз мумкин бўлади. Бу форма кейинги технологик жараёнларда бино ички


хоналари деворлари ҳақида тўлиқ маълумот ва тасавур манбаи бўлиб хизмат қилди.

Технологик харита тузишни давом эттириб, белгиланган деворлар форма ва тузилишига кўра уч тоифага бўлинди: *яхлит деворлар*, *бир равоқли деворлар* ва *кўп равоқли деворлар*. Деворларни тоифалашдан мақсад, пардозлаш ишлари меъёрларидан келиб чиқилган бўлиб, ушбу тоифадаги деворлар учун мос равишдаги технологик меъёрларни қўллаш имкониятини беради [4,5].

Кейинги лойиҳалаш амаллар жараёнида пардозланиши талаб этилаётган деворлар учун КНАУФ БТЖ технологиясидан энг самарали вариантлари танланиб, тавсия этилди. Яъни бу амал ҳам технологик харита, жадал формасида бўлиб, бунда биринчи устунда бино деворларининг тартиб рақамлари келтирилади. Шу тартиб рақамига асосланиб девор сатҳига лойиҳа талабларидан келиб чиққан ҳолда пардозлаш технологиясини тавсия этиш мумкин бўлади 2-расм.

Кейинги устунларда шу девор учун тавсия этилаётган технология, ундан кейин бу технологияни амалга ошириш усуллари, тартиб ва кетма-кетликда, бу амалларни бажаришга доир меъёрий вақт бирлиги (киши-соат, машина-соат), амалдаги иш ҳажми, ишни бажаришга сарфланувчи сменалар миқдори ва шу ишни бажаришга жалб қилинувчи қурувчи усталар сони ва уларнинг малакаси, уларга ишни баришлари учун қанча миқдорда ҳозирги меҳнат бозоридаги иш кучига ҳақ тўлаш меъёрларидан келиб чиқиб иш ҳаққи тўлаш, ишнинг неча кун давомида бажариш муддати, кетма кетлиги ва тақвим графикларини келтирилди ва ишлаб чиқилди.

Лойиҳа доирасида, намуна сифатида КНАУФ БТЖ технологиясини қўллашда асосий қоидалар кетма кетлиги, жараён харитаси ҳамда бино деворларига ишлов бариш мисолида, тавсия этилатган тадбир технологияси ишлаб чиқилди 1-жадал.



Хонанинг рўйхатдаги т/б №	Хонанинг деворлари ёйилмаси, ўлчамлари ва майдон сатҳи					
Объект №, номи эскизи						
1. Устохона Ғимм- $S=197.23\text{ м}^2$ Пардасор- $S=92.033\text{ м}^2$ • абсолют қоз	1.1 $S=17.4$ Қўп равоқли ғиштин девор	1.2 $S_{\text{ғимм}}=9.2\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=9.0\text{ м}^2$ Қўп равоқли ғиштин девор	1.3 $S=9.0\text{ м}^2$ $S_{\text{ғимм}}=9.0\text{ м}^2$ Ғиштин девор	4 $S=23.9\text{ м}^2$ Ғиштин девор	1.5 $S=24.9\text{ м}^2$ Ғиштин девор	1.6 $S_{\text{ғимм}}=24.7\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=24.1\text{ м}^2$ Ғиштин девор
2. Электр таъмирлаш устохонаси Ғимм- $S=74.6\text{ м}^2$	2.1 $S=23.9\text{ м}^2$ Ғиштин девор	2.2 $S_{\text{ғимм}}=23.9\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=24.1\text{ м}^2$ Қўп равоқли ғиштин девор	2.3 $S=23.9\text{ м}^2$ $S_{\text{ғимм}}=23.9\text{ м}^2$ Ғиштин девор			
3. Укуе амалиёт хонаси Ғимм- $S=90.96\text{ м}^2$ Пардасор- $S=22.0\text{ м}^2$	3.1 $S_{\text{ғимм}}=22.0\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=22.0\text{ м}^2$ Ғиштин девор	3.2 $S_{\text{ғимм}}=22.0\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=22.0\text{ м}^2$ Қўп равоқли ғиштин девор	3.3 $S=22.0\text{ м}^2$ $S_{\text{ғимм}}=22.0\text{ м}^2$ Ғиштин девор	3.4 $S=22.0\text{ м}^2$ Ғиштин девор		
4. Даҳулис Ғимм- $S=63.6\text{ м}^2$ Пардасор- $S=17.23\text{ м}^2$	4.1 $S_{\text{ғимм}}=15\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=12.3\text{ м}^2$ Ғиштин девор	4.2 $S_{\text{ғимм}}=15\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=12.3\text{ м}^2$ Ғиштин девор	4.3 $S_{\text{ғимм}}=15\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=12.3\text{ м}^2$ Ғиштин девор	4.4 $S=15\text{ м}^2$ Ғиштин девор		
6. Гардероб-хона Ғимм- $S=74.6\text{ м}^2$ Пардасор- $S=24.9\text{ м}^2$	6.1 $S=23.9\text{ м}^2$ Ғиштин девор	6.2 $S_{\text{ғимм}}=23.9\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=24.1\text{ м}^2$ Ғиштин девор	6.3 $S_{\text{ғимм}}=23.9\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=24.1\text{ м}^2$ Ғиштин девор	6.4 $S_{\text{ғимм}}=23.9\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=24.1\text{ м}^2$ Ғиштин девор		
7. Қаридор Ғимм- $S=33.6\text{ м}^2$ Пардасор- $S=27.0\text{ м}^2$	7.1 $S_{\text{ғимм}}=27.0\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=27.0\text{ м}^2$ Ғиштин девор	7.2 $S_{\text{ғимм}}=27.0\text{ м}^2$ $S_{\text{пардасор}}=27.0\text{ м}^2$ Ғиштин девор				 Немецкий стандарт

б)

1-расм. Қават режаси (а) ва деворлари ёйилмаси (б).

Пардозлаш лойиҳа амаллари ва уни бажариш тақвим графиги

Деворнинг т/б №	Объект пардозига доир тавсиянома	Бажариладиган амаллар ва сарфлар	Иш ҳажми (қабл./қосим)	Вақт. мейёри (к/с/с)	Мўлдат сарфи (к/с/с)	Жам. қим. (с/с/с)	Зевко тарқиб (с/с/с)	с/с/с	с/с/с	Иш ҳўплари																	
										1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16		
1.1; 1.2; 1.3; 1.4; 1.5 2.1; 2.2; 2.3 3.1; 3.2; 3.4 4.1; 4.3; 4.4 6.1; 6.2; 6.3 7.1	"Ротбанд" қуруқ қоршимаси воситасида суваш ва қошнлашга тайёрлаш [5,196 бет]	Тайёрлаш иши Грунтвокалаш Суваш иши	100м <sup>2</sup> 100м <sup>2</sup> 100м <sup>2</sup>	5.25 0.91 51.94	3.18 - 1.18	2.09 - 34.08	- - 0.77	120921 34607 2020185	Ғ. Т. 3р-1 Ғр-1 3р-1 Ғр-1 3р-1	3 3 3	2 2 2	1.0 0.3 17.4															
1.6 3.3 4.2 6.4 7.2	С 111 русумли бир қатор металл сингли икки томондан ГКЛ қопланувчи пардасор тузиш [4. 12 бет]	Синч тортиш Изольция қатлами тузиш Синч қоплама тортиш Чокларга ишлов бериш	100м <sup>2</sup> 100м <sup>2</sup> 100м <sup>2</sup> 100м <sup>2</sup>	1.13 1.13 1.13 1.13	23.75 13.20 44.09 22.69	- - - -	3.55 1.9 6.3 3.2	- - - -	194193 108052 360967 185729	Ғ. Т. 3р-1 Ғр-1 3р-1 Ғр-1 3р-1 Ғр-1 3р-1	3 3 3 3	2 2 2 2	1.7 0.95 3.15 1.6														

2-расм. Пардозлашга доир технологик харита.

ҒИШТИН ДЕВОРЛАР САТҲИНИ “КНАУФ-РОТБАНД” ҚУРУҚ ҚОРИШМАСИ ВОСИТАСИДА  
СУВАШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

1-жадвал

№	Вазифа	Технологик жараён	Манбаа, асос
1	<b>Жараённиг номланиши</b>	Ғиштин деворлар сатҳини суваш ишлари	[5, 196 бет]
2	<b>Жараённиг мақсадлари:</b>	а) КНАУФ-РОТБАНД қоришмаси ҳақида маълумот бериш б) қурувчи усталар таркиби ва малакасини танлаш в) жараённи ривожлантириб махсус ускуналар билан таъминлаш	[5, 196 бет] [5, 197б, 2.4п.] [5, 204 бет, 3 жадвал]
3	<b>Моддий-технавий таъминот:</b>	а) кўргазмали қуруллар ва тарқатма материаллар стендлар плакатлар, ғиштин девор пардоз намуналари, материаллар. б) рейкали метростат, шовул, рангли ип чизгич, миксер, дрель, пластик идиш, тиғли ойболта, кельма (зангламас пўлат), катта андова, правилолар, СтройЦНИЛ конуси в) ўлчов-текширув ва ишлов берувчи асбоблар рулетка, шайтонча, ип, болға.	[1, 204 бет, 1...3 жадвал] [5, 204 бет, 3 жадвал]  [5, 202 бет, 1 жадвал]
4	<b>Қурувчи усталар билиши керак:</b>	а) Сувоқ ишларини ташкил этишни; б) Девор сатҳини пардозлашнинг назарий асосларини в) Сувоқ ишлари вақтида хавсизлик техникасига риоя қилинади	[5, 197бет, 2.1...2.8 пп] [5, 203 бет, 4 бўлим]
5	<b>Жараённи ба-жариш кетма-кетлиги ва 525 м² девор сатҳи учун материаллар сарфи</b>	а) Девор сатҳини пардозга тайёрлаш; б) Девор сатҳига грунтровкада ишлов бериш; в) Девор сатҳини суваб тахлаш <u>МАТЕРИАЛЛАР САРФИ</u> 1. КНАУФ-Грундирмиттель (грунтовка) 2. КНАУФ-Ротбанд қуруқ қоришмаси 3. Маёкча профиллари	[5, 205 бет, 4.1 жадвал] 5.25x3.19=2.1киши/смена 5.25x0.91=0.6киши/смена 5.25x51.96=34киши/смена 5.25x10=52.5 кг 5.25x1298=6815 кг 5.25x115=604 м
6	<b>Сифат ва самардорлик назорати, бажарилган ишни қабул қилиши:</b>	а) КНАУФ БТЖ технологиясида дастлабки назорат; б) Деворлар сатҳини пардозлашда операцион назорат; в) Амалий қабул назорати.	[5, 201...202 бет, 3 бўлим]

Худди шу тартибда КНАУФ БТЖ асосида С111 русумли пардевор тузиш технологик харитасини тузиб чиқамиз 2-жадвал.

БИР ҚАТОР МЕТАЛЛ СИНЧЛИ, ИККИ ЁҚЛАМА ГИПСОКАРТОН ҚОПЛАМАЛИ С111 ПАРДЕВОР  
ТУЗИШ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

2-жадвал

№	Вазифа	Технологик жараён	Манбаа, асос
1	<b>Жараённиг номланиши</b>	Бирқатор металл синчли, икки ёқлама гипсокартон қопламали С111 пардевор тузиш	[4, 12 бет]
2	<b>Жараённиг мақсадлари:</b>	а) КНАУФ БТЖ пардеворлари ҳақида маълумот бериш б) қурувчи усталар таркиби ва малакасини танлаш в) жараённи ривожлантириб махсус ускуналар билан таъминлаш	[1, 2, 3 55...90 бет] [5, 197б, 2.4п.] [5, 204 бет, 3 жадвал]
3	<b>Моддий-технавий таъминот:</b>	а) кўргазмали қуруллар ва тарқатма материаллар стендлар плакатлар, ғиштин девор пардоз намуналари, материаллар. б) рейкали метростат, шовул, рангли ип чизгич, миксер, дрель, пластик идиш, тиғли ойболта, кельма (зангламас пўлат), катта андова, правилолар, СтройЦНИЛ конуси в) ўлчов-текширув ва ишлов берувчи асбоблар рулетка, шайтонча, ип, болға.	[1, 204 бет, 1...3 жадвал]  [2, 70...74бет, 3.8 жадвал]  [5, 202 бет, 1 жадвал]
4	<b>Қурувчи усталар билиши керак:</b>	а) металл синчларни ўрнатиш ишларини ташкил этишни; б) иссиқлик ва шовкин изоляция амалларини в) синчга гипсокартон қопламаларни тортиш амалларини г) гипсокартон қопламалари оасидаги чокларни бутлаш амалларини	[2, 77...87бет], [2, 87...90бет], [2, 87...90 бет], [2, 87...90 бет]

5	<b>Жараёни бажа-риши кетма-кетлиги ва 113м<sup>2</sup> пардевор тузиш учун материаллар сарфи</b>	<p><b>МЕХНАТТАЛАБЛИК</b></p> <p>а) металл профиллардан синч тортиш;  б) исиклик-шовкин изоляция мато ўрнатиш;  в) металл синчга гипсокартон қопламаларни икки томондан тортиш  г) гипсокартон қопламалар орасида ҳосил бўлган чокларни тўлдириш</p> <p><b>МАТЕРИАЛЛАР САРФИ</b></p> <p>1. Ўналтирувчи профиль ПН75х40  2. Таянч профиллар ПС75х50  3. Пластик дюбель-анкер К6х50мм  4. Зичловчи тўшама лента 70 мм  5. Айирувчи тўшама лента  6. Ёғоч таянч брусок 60х50 мм  7. Минерал момиқ плита 1200х600х50мм  8. Гипсокартон қоплама 2500х1200х12.5  9. Ўткир тигли бурама мих TN3.5х25mm  10. КНАУФ-Тифенгрунд суркамаси  11. КНАУФ-Фуген гипсли шпаклевкаси  12. Чокни бутловчи арм.қоғоз лента</p>	<p>[4, 205 бет, 4.1 жадвал]  1.13х28.49=4 киши-смена  1.13х13.20=2 киши-смена  1.13х45.37=6.4 киши-смена  1.13х22.98=3.25 киши-соат  1.13х110.18=124.5 м;  1.13х288.52=326.0 м;  1.13х177=200.0 дона;  1.13х86.83=98.12 м;  1.13х78.43=88.63 м;  1.13х78.43=88.63 м;  1.13х100=113 м<sup>2</sup>;  1.13х200=226 м<sup>2</sup>;  1.13х4183=4727 дона;  1.13х1.32=1.5 кг;  1.13х88.03=99.5 кг;  1.13х282.35=3319 м.</p>
6	<b>Сифат ва самарадорлик назорати, бажарилган ишни қабул қилиши</b>	<p>а) КНАУФ БТЖ технологиясида дастлабки назорат;  б) Деворлар сатҳини пардозлашда операцион назорат;  в) Амалий қабул назорати.</p>	<p>[5, 201...202 бет, 3 бўлим]</p>

**Хулоса.** Ишлаб чиқилган услуб КНАУФ БТЖ асосида бажарилувчи барча технологик жараёнларни лойиҳалаш ва ишчи чизмалари ва технологик хариталарини тузишда мукамал восита бўлиши мумкин, бунда лойиҳани тузиш тартиби, бажарилиши режалаштирилаётган ишлар, ишлар ҳажми, қурувчи усталар, асбоб-ускуналар, материаллар ва уларни сарфлаш меёрлари, сифат ва самарадорлик назорати масалалари қамраб олинди. Лойиҳалаш услубини “Бино ва иншоотлар қурилиши” таълим йўналиши талабалари курс ёки диплом лойиҳа ишларини тузишда ва маҳаллий лойиҳа институтларимизда услубий кўрсатма сифатида тавсия этамиз.

Лойиҳани тузиш жараёнида иш ҳажмини, вақт меёрларини, материал ва ускуналар сарфи ва меҳнатталаблик кўрсаткичларини ҳисоблашда амалдаги норматив-меёрний йўриқнома-лардан фойдаланилди.

Девор ва қатламдевор (перегородкалар) сатҳи лойиҳавий ўлчамларидан олинди, бунда эшик ва дераза ромлари равоқлар юзаси умумий девор сатҳидан айриб ташланади. Эшик, дарвоза, дераза ромлар юзасини аниқлашда уларнинг ташқи ўлчамлари асос сифатида қабул қилинади.

Ички девор юзасини суваб пардозлашда иш ҳажмини ҳисоблаш чегараловчи девор ёки пардеворларгача бўлган лойиҳавий ўлчамлардан аниқланади ва бунда эшик, дераза, равоқлар юзаси умумий девор сатҳидан айриб ташланади. Хоналардаги эшик, дераза ва равоқлар (проём) откосларини суваб алоҳида ҳисобла-ниб, уларнинг реал ўлчамларидан келиб чиқади.

Девор, дераза, равоқлар қирраларига бурчак профиллари ўрнатишда уларнинг ташқи чизикли ўлчамлари асос сифатида қабул қилинади.

Девор, дераза, равоқ откосларини кошн-лашда уларнинг чизикли ўлчами юза миқдори учун асос бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Quruq qurilis jamlanma tizimlari, o'quv qo'llanma, I. Sipranovich (va boshq) T. : Cho'lpon nomidagi NMIU-2015, -464 b.

2. Циприанович И. В., Старченко А.Ю. Комплектные системы сухого строительства. Учебное пособие. 2-е издание, Москва. 2011.

3. Елизарова В.А. Технология монтажа каркасно-обшивных конструкций. Практикум: учеб. пособие для нач. Проф образования/-М.: Издательский центр “Академия” 2012.-192 с.

4. ИЭСН-2013, Том 1, Индивидуальные элементные сметные нормы, Москва 2013, 167 с. (Утверждены и введены в действие: 18.06.2013 г. приказом генерального директора ООО «КНАУФ ГИПС» г-на Краулиса Я.

5. ИЭСН-2013, Том 3, Типовые технологические карты. Часть 2, Москва 2013, 243 с. (Утверждены и введены в действие: 18.06.2013 г. приказом генерального директора ООО «КНАУФ ГИПС»)

6. Методические указания. О порядке разработки государственных элементных сметных норм на строительные, монтажные, специальные строительные и пусконаладочные работы. – М.: Госстрой России, 1999.

7. Нормирование труда рабочих в строительстве. М.: Стройиздат, 1985.

8. Серия 1.031.9-2.07. Перегородки поэлементной сборки из гипсокартонных листов (КНАУФ-листов) на металлическом и деревянном каркасах для жилых, общественных и производственных зданий.

## ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

### ЧИҚИНДИЛАРНИ ГИДРАВЛИК ЙУЛ БИЛАН ТРАНСПОРТИРОВКА ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Арипов Н. Ю. - асс., Мусаев Ш. М. – асс., Давлатов Х. - талаба (ЖизПИ)**

В статье приведены отдельные положения технологического проекта в котором решается вопрос длительного сохранения твердо-бытовых отходов на временном мусоронакопительном пункте. Путём гидравлической транспортировки ускоряется вывоз отходов, улучшается санитарное состояние территории, оздоравливается окружающая природная среда.

Aim of this project is protecting environment and organize of profilactic ways of solve waste problems. Result of transportalation of the waste we may protect human health from different infection illness.

Инсон дунё юзини кўргандан бошлаб атроф муҳитни ўзи истеъмол қилган маҳсулотлар чиқиндилари билан ифлослантириб табиатга қанчалик зарар келтираётганини ҳис қилган ҳолда бу вазиятни мувофиқлаштириш мақсадида кўп уринишлар, лойиҳаларни ҳаётга жорий қилди, лекин ХХI асрнинг бўсағасида бу муаммоларни тўлиғича ҳал қила олмади.

Кўпинча фуқоралар зич яшайдиган жойларда коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари юк машиналарига қўл билан чиқиндиларни ортаётганини кўрамиз. Бу чиқиндилар кўп муддат сақланиб қолиши натижасида унинг ичида ҳар хил микроб тарқатувчи эски хидланиб кетган ўликсалар борлигини, айниқса бу ёз пайтларда ўта хавфли эканлигини унитмаслигимиз керак. Ҳозирги пайтда шундай чиқиндиларни қабул қилувчи маҳсус машиналар борки уларда бир неча киши ва бир ҳайдовчи бу ишни қўл билан ортиш ишларини амалга оширмакда. Шу ва шу каби муаммоларни ҳал қилиш мақсадида куйидагини илова қиламиз.

Агар икки камерали контейнерлар тайёрланса ва бу контейнерлар икки хил чиқиндини суюқ ва курук ҳолдаги чиқиндилар учун мулжаланса айни мудао бўларди.

Кайсики кўп қаватли уйларда яшовчи фуқоролардан чиқариб ташланаётган чиқиндилар асосан курук ҳолдагилардир. Уларнинг ичида куюқ ҳолдаги айниган озик – овқатлар моғарланган нонлар борлиги ҳам сир эмас.

Хўш суюқ ҳолдаги чиқиндиларни нима қилишади ва бунинг натижасида нималар ишдан чиқади ва нималар чириydi.

Суюқ ҳолдаги чиқиндиларни деярли чиқаришмайди, кайсики уларни канализация қувурларига оқизишади. Бундан ташқари кичик канализация қувурларини ўтказувчанлик қоби-

ляти паст бўлишига қарамай дағал овқат қолдиқларини ташлашади. Натижада кичик канализацион қувурлар тўлиб қолади ва тозалашга мажбур бўлишади. Бунинг оқибатида тизимда оддий тоза сув ҳам канализация тизимга ўтмай қолади. Бундай вазиятларда тозалаш ишларини олиб боради. Инсон ўз ейдиган ва ортиб озроқ айниган озик – овқат маҳсулотларини канализацияга оқизини қандай баҳолайсиз. Ёки идиш тавокни ювишдаги қолдиқ маҳсулотларини канализацион тизимга бориб тушишини – чи. Бу ва бу каби муаммоларни бир вақтни ўзида ҳал қилиш анча мураккаб. Лекин ҳеч бўлмаганда оз бўлсада ёроқли нон ушоқлари, эскирган озик овқат маҳсулотлари қолдиқларини филтрлаш йўли билан уларни қайта ишлаб уй ҳайвонлари мушук ва ит каби уй ҳайвонларига ўша қолдиқ озикаларни қайта ишлаш йўли билан озика тайёрлаб берсак яхши бўлмасмикан. Агар бизнинг ғоямиз амалга ошса маҳсус канализацион қувурларда оддий дағал суюқ овқат қолдиқларини оқизиш камаяди. Буларни бари эса ҳеч бўлмаса уй ҳайвонларига ишлатишга яроқли бўлган озик овқатлар қайта ишлаш йўли билан уй ҳавонларини оз бўлсада таъминласа буладиган ҳолатни вужудга келтирса ажаб эмас. Бу айниган озик овқат маҳсулотлари канализация тизимига тушиб қолишининг таъсирини (яқол сув тозалаш) омборларида кўрса бўлади. Кани айтингчи бу ва бу каби муаммоларни қандай ечимини топиш мумкин. Қандай қилсак биз бу икки хил чиқиндиларни ажрата оламиз ва айрим пайтларда бу қолдиқ суюқ чиқиндиларга (суюқ қолдиқлари, ушоқлар, ўз муддатини ўтаб ёроқсиз ҳолга келган озик овқат маҳсулотлари ва мағорланган нонлар) шулар жумласидандир. Албатда бу каби муаммоларни ечими биз кўрсатмоқчи бўлган икки бункерли чиқинди

қабул қилиб олувчи воситадир. Агар биз бу икки камерали гидравлик чиқинди қабул қилувчи воситани канализацион тизимга боғласак ва суюқликдан ажратиб олиш учун махсус филтёрларни ташкил қилсак канализацион тизимда тикилишлар бўлмайди шу билан бирга канализацион тизимда ҳидланишлар ва қувур чириши нисбаттан камаяди. Лекин иккинчи суюқлик билан аралашган ҳар хил чиқиндилар учун контейнер ичида махсус плёнкали филтёрлаш билан жиҳозланган қоп мавжуд бўлиши керак. Уларни туширишда даставал плёнкали қопни ёпишни унитмаслигимиз керак. Шу ҳолатда уларни алоҳида қайта ишловчи жойларга топшириш зарурлигини унитмаслигимиз зарур.

Агар бу воситани яъна бир бор герметик жиҳатдан ўта мукамал ёпиладиган қилсак (ўрмалаб юривчи ҳашоратлар) ҳам қира олмайдиган, махсус чиқиндиларни ташлайдиган эшиклар мавжуд ва гидравлик кўчма жиҳозлари билан жиҳозланган чиқинди қабул қилиш контейнерлар ёки пунктлар тавсия этилса, аҳоли пунктларидан маиший чиқиндиларнинг узоқ вақт тўпланиб қолиши ҳамда чиқиндилар билан атроф муҳит ифлосланишининг олди олинган бўлар эди.

Жиззах политехника институти «Мухандислик коммуникацияси ва автотранспорт экологик хавфсизлиги» кафедраси малакали ўқитувчилари билан биргаликда **“Икки контейнерли чиқиндиларни гидравлик йўл билан транспортировка қилиш”** инновацион технологик ишланмаси яратилди. Бу чиқинди қабул қилиб олувчи икки контейнер бир неча тонна юкка мўлжалланган бўлиб унинг ичидаги чиқиндини транспортировка қилиш қулай ва арзон.

Инновацион технологик лойиҳани амалга оширишда энг асосийси гидравлик қурилма кўчма бўлиб махсус қути ичидаги чиқиндини транспортировка қилиш жараёнидагина ишлатилади. Яъни, чиқиндиларни тез ва сифатли транспортировка қилишга мўлжалланган. Бу чиқиндиларни транспортировка қилиш воситасидан фойдаланганда:

- биринчидан фуқоралар қимматли вақтлари беҳуда чиқиндиларни чиқариш учун сарфламайди;

- иккинчидан ҳар хил микробиологик чиқиндиларни атроф муҳитга таъсирини камайтиришга эришилади;

- учинчидан қўл кучидан фойдаланиш камаяди;

- тўртинчидан кичик канализацион қувурларда ифлосланиш даражаси камаяди ва сувни ўтказувчанлик қобилияти ортади;

- бешинчидан хали ишлатишга яроқли ( қайта ишлаб ) уй ҳайвонларига ишлатса бўладиган озик овқат махсулотлари саралаш имконини яратади;

- олтинчидан асосий қувурларда тикилишларни олди олинади;

- етинчидан қувурларни чириши камаяди ва ишлаш муддати узаяди.

Ҳозирги вақтда шаҳар марказларида, аҳоли пунктларида маиший чиқиндилар белгиланмаган жойларда тўпланиб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Чиқиндиларни тўплаш учун контейнерлар кўп жойларда қўйилмаганлиги ёки чиқинди тўплаш учун махсус жой қилинмаганлиги сабабли истеъмол чиқиндилар кўпроқ тўпланиб атроф табиий муҳитни ифлослантормоқда.

Гидравлик қурилма орқали чиқиндини транспортировка қилиш жараёнида чиқиндиларни тез ва сифатли транспортировка қилиш йўлга қўйилади.

Инновацион технологик лойиҳани амалга ошириш натижаси вақтинча чиқинди тўплаш жойларидаги чиқиндиларни олиб чиқиш тезлашади. Худуднинг экологик ҳолати яхшиланади. Хизмат кўрсатиш самарадорлиги ошади.

Технологик лойиҳани амалга ошириш натижасида вақтинча чиқинди тўплаш жойларида чиқиндиларнинг узоқ муддат тўпланиб қолиши олди олинади. Чиқиндиларни гидравлик йўл билан транспортировка қилиш натижасида уларни ўз муддатида махсус чиқиндихоналарга олиб бориб жойлаштириш йўлга қўйилади. Ҳар хил санитар касалликлар келиб чиқиши олди олинади.

#### Адабиётлар:

1. И.А. Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Тошкент “Ўзбекистон” 1998 й.
2. О. Қудратов “Саноат экологияси” ўқув қўлланма. Тошкент 2005 й.
3. В.И. Родионов “Техника защиты окружающей среды”, М. Химия, 1992 г.
4. С.В. Белов. “Охрана окружающей среды” Москва. “Высшая школа” 1983 г.
5. Х.Т.Турсунов, Т.У. Рахимова “Экология” ўқув қўлланма, Chinog ENK экологик нашриёт компанияси, 2006 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 14-сонли “Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуни (2002 йил 5 апрель № 362-II).

## ХАРАКТЕРИСТИКА И МЕТОДЫ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРОИЗВОДСТВ

**Мавланова Ю. И.**

В статье приводятся основные характеристики сточных вод текстильной промышленности и способы очистки сточных вод.

In paper it is resulted the basic characteristics of run-off waters of the textile industry and ways of sewage treatment.

Легкая промышленность представляет собой совокупность отраслей и производств, перерабатывающих сельскохозяйственное и химическое сырье и выпускающих ткани, одежду, обувь и другие предметы потребления.

Основная особенность данной отрасли промышленности заключается в чрезвычайном многообразии обрабатываемых волокон (натуральных, искусственных, синтетических), способов крашения и отделки (крашения полным полотном, крашения жгутом, отбеливание, печатание на многовалных печатных машинах, печатание сетчатыми шаблонами) и используемых материалов (особенно красителей).

Очевидно, что это многообразие сказывается и на характере, и на количестве сбрасываемых загрязнений.

Текстильное производство включает два основных вида обработки материалов: механическая обработка (пряжение, ткачество и т.д.), при которой образуется мало загрязнений (исключение составляют шерсточесальные и шерстомойные цеха); отбеливание, крашение, печатание и окончательная отделка текстиля.

Второй вид обработки обычно сопровождается образованием значительного количества сточных вод, для которых характерны разбавление, часто за счет огромного количества промывных вод, и интенсивная окраска, зависящая от типа применяемых красителей и технологии крашения.

Бундан ташқари, ипотека кредити уч йиллик имтиёзли давр ва биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан 15 йил муддатга берилади. Кейинги йилларда кредитнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг ҳозирги вақтда йиллик 9 фоизни ташкил этадиган қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмайди.

Дастурни молиялаштиришга фақат 2017 йилда 2 триллион 121,5 миллиард сўм йўналтирилади, шу жумладан уй қурувчиларнинг маблағлари билан биргаликда давлат бюджетидан 350,0 миллиард сўм ажратилади, шунингдек тижорат банкларининг 2 триллион сўмдан ортиқ миқдоридаги кредит ресурсларини жалб этиш назарда тутилади.

Умуман олганда, Дастурда 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира, шу жумладан 4608 та биринчи турдаги, 3739 та иккинчи турдаги, 3672 та учинчи турдаги уйларни ҳамда 0,06 гектар майдонга 3, 4 ва 5 хонали 2981 та бир қаватли уй қуриш назарда тутилади.

Шу билан бирга янги қурилатган уй-жой массивларида фақат давлат ресурслари ҳисобига 415,3 километр сув таъминоти тармоқлари, 291,5 километр электр таъминоти тармоқлари, 316,9 километр газ таъминоти тармоқлари ва 260,3 километр автомобиль йўллари, шу жумладан массивлар ичида кириш йўллари ва йўллар, шунингдек 134 та ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш мўлжалланмоқда.

Қурувчиларнинг асосий вазифаси лойиҳаларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш асосида тайёр қурилиш маҳсулотига - бино ва иншоотларга айлантиришдир. Бунинг учун улар ишчилар жамоасига бошқарув таъсирини ўтказиши, уларнинг ташкилотчиси ва тарбиячиси ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатларнинг қайта қурилиш жараёнида қурилиш комплекси шу билан қурилиш участкалари шу ўзгартиришларнинг ташкилий элементи бўлиб қолади. Қурилиш ташкилотларининг хусусийлаштириш, уларнинг мустақил хужалик фаолиятини таъминлаш шароитида қўйи бошқарув звенолари - участкаларида ҳам бошқарувни такомиллаштириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қурилиш участкаларида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари бир нечта йўналишларга эга.

Унинг биринчиси бошқарув фаолияти кўплаб омишлар таъсир қиладиган турли хил, шу билан бирга бир-бири билан боғланган ишлардан ташкил топган.

Муаммоларнинг иккинчи йўналишлари қурилиш участкаларида ишлаётган ишчи-хизматчиларнинг охириги натижаларига қараб рағбатлантиришнинг сустигидир.

Учинчи йўналиш, бугунги кунда қурилишда тадбиркорликни бошқаришнинг ягона ва комплекс илмий, илмий-услубий асосининг мавжуд эмаслиги - бошқарув фаолияти самарадорлигини пасайтиради.

Кейинги йўналиш, қурилишни бошқариш тизимида энг куйи поғонаси бу- қурилиш участкасидир. Қурилиш участкалари ўзининг катталиги, ташкилий тузилиши, ечиладиган масалалари бўйича турлича бўлиб, уларнинг барчасида ҳақиқий меҳнат билан машина ва материал ресурсларининг бирикуви рўй беради.

Қурилиш участкаларида тадбиркорликни ривожлантиришда самарадорликни оширишнинг асосий масалалари қуйдагилардир:

- пудрат шартномаси ва режага асосан аниқланган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ўз вақтида ишга тушириш;

- тасдиқланган тармоқли график асосида объектларда ишларнинг технологик босқичлари тугагандан сўнги топшириқларни бажариш;

- меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш маҳсулотини ишлаб чиқаришга сарфланадиган материал харажатларни камайтириш;

- ишларнинг юқори сифатли қилиб бажарилишини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш;

- ишлаб чиқариш топшириқлари ўрнатилган муддатларда бажариш;

- ишларни юқори сифатлигини таъминлаш:

- техникалардан, механизмлардан, иш вақтларидан, материал ва бошқа ресурслардан рационал фойдаланиш.

Қурилиш участкаларида тадбиркорликни ривожлантиришда қурилиш бригадаларининг меҳнат қобилиятини кўрсатувчи асосий кўрсаткич унинг потенциал ишлаб чиқариш имконияти ҳисобланади. Демак, қурилишда тадбиркорликни шакллантиришда қуйидаги асосий омишларга эътибор қаратилиши зарурдир:

- бригаданинг таркиби унга топширилган ишга мос бўлиши керак;

- ишчиларни ишлаб чиқариш воситалари билан тўлиқ таъминлаш;

- ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда рағбатлантириш (мотивация)нинг мавжудлиги;

- жамоадаги маънавий-психологик муҳитни сақлай билишлик;

- ишлаб чиқаришда қўйилган масалаларнинг аниқлиги:

- топшириқлар тўғрилиги ва улар бажарилишининг аниқлиги.

Бу омишлар ишлаб чиқариш бригадаларининг ишини тўғри ташкил қилишга ва охириги юқори меҳнат натижаларига эришишни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида қурилиш участкалари фаолиятини тўғри ташкил қилишда ва бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Қурилиш участкаларининг фаолият самарадорлиги энг аввало унинг ички хўжалик механизми бошқарувини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бу масаланинг асосий мазмуни шундан иборатки, ички хўжалик механизмининг бошқариш кўпроқ мустақилликни, иқтисодий бошқарув усулларига асосланишни, ишчилар меҳнатини кўпроқ рағбатлантиришни, меҳнат шaroитини яхшилашни тақозо этади.

Тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини таъминлашдаги яна бир омиш бу ишчиларнинг иш вақтларидан унумли фойдаланиш максимал

дида унинг асоссиз йўқотилиш сабабларини аниқлаш ва уларни камайтириш учун маълум тадбирлар тузишдан иборатдир. Бунинг учун ишчиларнинг иш вақтларини асоссиз йўқотилиш сабаблари классификацияланади ва уларнинг захира (резерв) ҳосил қиладиган қисми аниқланади. Бу эса қўшимча иш вақтларини пайдо қилади.

УДК 330.115

## ЖАМОАТЧИЛИК АВТОТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Самиев Х.Х. (ЖизПИ)

В статье приведены положения методических рекомендаций по повышению качества сервиса и культуры пассажирских перевозок на автомобильном транспорте.

In given article working out of methodical recommendations about increase quality of service and culture on passenger to transportation in motor transport is resulted.

Бозор иқтисодиёти шароитида юксак ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш маданиятига эришмай туриб, муваффақиятга кўз тикиб бўлмайди. Зеро ишлаб чиқаришдан унумли фойдаланмаса, арзон маҳсулот олиш ўрганилмаса, хизмат кўрсатиш соҳаларида турли замонавий сервис хизматлари арзон ва қулай шароитлар яратилиб аҳолига тақдим этилмаса, охир-оқибатда нимага эришиш мумкин бўлади? Умуман олганда ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириб энг муҳим масалалардан биридир. Ҳозирги кунда аҳолининг узоғини яқин қилишда, йўловчи ташишга ихтисослашлаган автокорхоналарнинг тутган ўрни бекиёсдир. Бу соҳада аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти, сифати ва савияси айниқса муҳим омилларидан ҳисобланади. Юксак ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш маданиятига эришган жамоалар ва ташкилотларгагина бозор шароитида мувоффақиятли фаолият кўрсатади. Бу нарсани қанча тез идрок этиб амалиётга жорий этсак, ривожланиш шунча тез кечади.

Йўловчи ташиш маданиятига қуйидаги омиллар таъсир этади.

- ҳаракат жадвалига қатий риоя этиш;
- ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш;
- йўловчилар билан хушмомалада бўлиш;
- кекса, болалик ва ногирон йўловчиларга эътиборни кучайтириш;
- автотранспорт воситасини соз ва озода тутиш;
- йўллардаги ва бекатлардаги кўрсаткич лавҳаларни аниқ ва тўлақонли маълумотлар билан жиҳозлаш ва хоқозолар.[1]

Ҳар қандай маданиятнинг асосида энг аввало тартиб интизом ётади. Тартиб-интизом ва

Курилишдаги тадбиркорлик фаолият саам-радорлиги аввало унинг мавжуд имкониятларига боғлиқ бўлиб, ундан қай даражада фойдаланаётганлиги таҳлил қилиш орқали унинг келгусидаги ишлаб чиқариш дастурларини белгилаш жуда муҳим. Бу ҳақида келгуси ишларимизда баён этамиз.

инсон омили ҳар қандай нарса учун энг муқаддас бурч деб қабул қилиниши лозим. Бинобарин бирор ташкилот ёки тадбиркор ўз манфаатини кўзлаб, ўзи учун қулай ёки истаган пайтда фаолият юритиши жамият учун муайян қийинчиликларни вужудга келтиради. Иш режимида пала-партишликлар туфайли уларнинг хизматидан баҳраманд бўлишда одамларнинг кўп вақтлари бесамар ўтмоқда. Амалий кузатувлардан маълумки, эрта тонги ва кечки пайтлари автобусларнинг ҳаракат жадвалларини бузилиши ҳоллари кўп учрайди. Ушбу пайтларда одамлар сийрак бўлиб тушимнинг кам тушишини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бу эса жамоатчилик учун жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Модомики ижтимоий ҳаётда меҳнат жамоаларининг мувоффақиятли фаолият юритишда, одамларнинг турмушдаги масалаларни ҳал этишда йўловчи ташиш транспорти ишининг аниқ ва бир маромда йўлга қўйилишига боғлиқдур. Иш вақти маромини жамият манфаатларига уйғун равишда ташкил этиш юксак маданият савиясидан далолатдир. Ҳозирда миллий кадриятларимиз, маданиятимизни тиклашга ҳукумат томонидан жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 10 январь куни «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг имзоланиши бунинг яққол мисолидур.

Қарорда автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада такомиллаштириш, худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий



ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтириш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ташламаларни қисқартириш мақсадида қабул қилинди. Бунинг учун 2017–2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Бу давр мобайнида 303 та янги йўловчи ташиш йўналиши, улардан 240 тасини (79,2 фоизи) шаҳар атрофида ва қишлоқ жойлардан ўтадиган шаҳарлараро қатновларда очиш назарда тутилмоқда. Янги йўналишлар очиш билан биргаликда, асосан автобуслар етишмаслиги туфайли қатнов тўхтатилган йўналишлар тикланади.

Келгуси беш йилда 8600 та йўловчи ташиш автомобили, шу жумладан, 5700 та умумий фойдаланишга қулай микроавтобус сотиб олинади.

Автостанциялар, тўхташ бекатлари енгил конструкциялардан ва асосан мамлакатда ишлаб чиқарилаётган арзон материаллардан (металл конструкциялар, сэндвич-панеллар ва шу кабилардан) фойдаланган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилади.

Йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида автобус ва микроавтобусларнинг ишини масофадан онлайн режимида (GPS) доимий кузатиш режалаштирилган.[2]

Жумладан ижтимоий ҳаётни қайта қуришда ҳам онгни шунга муносиб шакллантиришга тўғри келади. Ҳалқимиз орасида катталарга-иззат, кичикларга-мурувват, каби қадриятлар ўзимизнинг соф миллий одат бўлиши билан бир қаторда азалдан мўмин-мусулмончиликнинг ҳам белгиси бўлиб келган. Ҳайдовчи ва кондуктор ўзига хос маънавий ишларни олиб бориб, йўловчиларга узларининг яхши муомалалари билан ёш соғлом йўловчиларни кекса ва ногиронларга жой бўшатиб бериши ва ҳурмат кўрсатишлари ҳақида эслатиб туриши билан одоб, интизомни ҳалқ орасида сингдириб боришда ўз ҳиссаларини қўшади. Шунингдек ҳайдовчи ва кондукторнинг олдида йўловчилардан йўлқира ундириб ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш бўлсада, улар йўловчиларни манзилига қулай ва ўз вақтида етказишни устувор вазифа деб билмоғи лозим. Ҳар бир ҳайдовчи ва кондуктор йўловчиларга хушмуомала, одоб ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши зарур. Бунинг учун ҳар бир корхонада ишчилар, хизматчилар ва ҳайдовчилар орасида маъна-

вий-маърифий ишларни олиб боришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва тадбиркор ўзгалар манфаатини ҳам қўзлаб иш юритиши уларнинг инсонийлик мезонини белгилайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки транспорт воситаси ишга техник жиҳатдан соз, тоза, озода ва зарурий ахборотлар билан жихозланган ҳолда, белгиланган ҳаракат жадвалига қатъий риоя этиши ва хизмат кўрсатиш маданиятини юқори даражада бўлиши йўловчиларнинг қайфияти ва руҳиятига ижобий тасир кўрсатади. Йўловчи ташиш хизматидаги бошқа жиҳатга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: турли йўналишлар бўйлаб автобуслар ҳаракат қилади бекатларнинг ҳар бирида кўрсаткич лавҳаси бўлиб уларда автобус маршрутнинг номери, вақтлари ва шу бекатнинг номи ёзилган бўлади. Бунда мазкур бекатнинг номи шу ердан ҳаракат бошлайдиган ўнлаб автобусларнинг ҳаракат лавҳасига ёзиб қўйиш шарт эмас, бу йўловчи учун ҳеч қандай малумот бермайди ва аҳамияти ҳам йўқ. Бунинг ўрнига автобус маршрутнинг борадиган охириги бекати ёзилиб қўйилса ҳар қандай йўловчи учун қулайлик яратилиб у ўзи учун зарур бўлган маршрутни осонгина топиши мумкин бўлади. Бундай ёзувни маршрут йўналишидаги барча бекатларда ҳам қайд этиш жуда муҳимдир. [3]

Илмий изланишлар шуни тақозо этадики, йўловчи ташишда илғор маданият, маънавият ва донолик, ишбилармонлик янгича фикрлаш имкониятларидан фойдалана билишлик муҳим ўрин тутаяди. Долзарб масалаларнинг моҳиятини аниқ ва уларнинг ечими йўллари топиш учун маънавий омиллар катта аҳамиятга эгадир ва булар хўжалик юритиш фаолиятини такомиллаштиришда янгича фикрлашда асос бўлиб хизмат қилади. Замонавий тусда иқтисодий фикрлаш ва англаш иқтисодий маданиятнинг интеллектуал асослари ҳисобланади. Уларни такомиллаштириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим шартларидан биридир.

#### Адабиётлар:

1. Насретдинов К.Б. Экономико-математические модели планирования и организации работы пассажирского транспорта в городах. Ташкент, 1987. 108с.
2. [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz)
3. Абдувалиев А.А. таҳрири остида. Автомобилларда йўловчиларни ва юкларни ташишни ташкил қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш. Методик қўлланма. Сано-стандарт. Т.-2015. 399.б.

УДК: 330.322.05

**ИНВЕСТИРОВАНИЕ И ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА****Хамракулова О.Д.** к.э.н., доц. кафедры «Социальных дисциплин» СамГАСИ**Джумаев Б.А.**, асс. кафедры «Социальных дисциплин» СамГАСИ

Мазкур мақолада Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш шароитида инвестицияларни чуқурлаштиришнинг роли ва зарурияти кўрсатиб ўтилган.

The role, significance and necessity of deepening of investment in conditions of liberalization of Uzbekistan's economy are shown in the work.

Динамичное и устойчивое развитие экономики Узбекистана во многом связано с процессом либерализации, что нашло отражение в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017 – 2021 годы. В комплексе мер, определяющую роль занимает инвестирование. Так, в третьем направлении «Развитие и либерализация экономики» предусматривается повышение инвестиционной привлекательности для развития предпринимательства и иностранных инвесторов. В 2017-2021 годах планируется реализовать отраслевые программы, предусматривающие в общей сложности 649 инвестиционных проектов на сумму 40 млрд. долл. США. [1, 2с.]

Как известно, инвестиции играют весьма важную роль в экономике любой страны, в частности в экономике Узбекистана. Это вызвано тем, что они необходимы для стабильного развития экономики страны, обеспечения устойчивого экономического роста. Активный инвестиционный процесс предопределяет экономический потенциал страны в целом, способствует повышению жизненного уровня населения.

На общеэкономическом уровне инвестиции требуются для: расширения воспроизводства; структурных преобразований в стране; повышения конкурентоспособности отечественной продукции; решения социально-экономических проблем, в частности, проблем безработицы, образования, здравоохранения, экологии и т.д.

На микроуровне инвестиции способствуют: развитию и укреплению позиций компании; обновлению основных фондов; стабилизации финансового состояния; повышению конкурентоспособности предприятия; повышению квалификации кадров; совершенствованию методов управления.

В рыночной экономике государство активно участвует в регулировании инвестиционной деятельности, которое находит свое проявление в следующем.

Во-первых, государство выступает в качестве системообразующего фактора, так как создает нормативно-правовую базу. Инвестици-

онное законодательство в Узбекистане является одним из передовых в системе законодательства стран СНГ, которое включило в себя основные положения международного инвестиционного права. Например, основой правового регулирования в области иностранных инвестиций являются: закон « Об иностранных инвестициях»; закон « Об инвестиционной деятельности»; закон « О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов»; закон «О защите прав инвесторов на рынке ценных бумаг»; а также ряд нормативно-правовых актов в форме Решений Президента РУз и Постановлений Правительства.

Во-вторых, само государство является субъектом инвестиционной деятельности, выделяя бюджетные средства на конкурсной основе непосредственным инвесторам. При этом государство, при принятии инвестиционных решений, руководствуется иными принципами, чем коммерческие организации при оценке эффективности реальных проектов. В рамках региональных программ социально – экономического развития в 2017 году в Узбекистане реализовано 13 339 проектов, освоены кредиты на 2,1 триллиона сумов, созданы 10 свободных экономических зон, строится завод по производству легких коммерческих автомобилей под брендами «Peugeot» и « Citroën» [2, 1с.].

В - третьих, государство определяет стратегию поведения инвесторов на рынке инвестиционных товаров, объем и структуру государственных инвестиций. Исходя из состояния экономики применяются те или иные концепции регулирования рынка инвестиционных товаров. Так, любая концепция базируется на целевых установках двух уровней:

- конечных целях (рост ВВП, увеличение занятости населения, снижение темпов инфляции);

- промежуточных целях (соотношение между спросом и предложением на капитал, процентные ставки по кредитным ресурсам, динамика денежной массы и другие).

Конечные (стратегические) цели определя-

ют степень воздействия данной формы финансовой и денежно – кредитной политики на производство.

«...Инвестиционное решение по своей сути является результатом сопоставления предельных выгод и предельных затрат» [5, 283с.].

В Узбекистане инвестиционная стратегия направлена на диверсификацию экономики. Причем, приоритетным направлением является внедрение инновационных технологий. В период 2005 – 2013 годов объем кредитных вложений вырос почти в 8,4 раза, активы банковской системы выросли в 11 раз [ 3 ].

Большой интерес вызывает Инвестиционная программа Республики Узбекистан на 2017 год (см. Постановление Президента РУз от 23.11.2016. № П/П - 2697 «Об инвестиционной программе РУ на 2017 год»). В ней дана адресная программа инвестиционных проектов на 2017 год. Общий объем капитальных вложений составил 61 403,4 млрд. сумм. В том числе, централизованные инвестиции 15 706,6 млрд. сум: бюджетные средства – 2 450 млрд. сумм; средства государственных целевых фондов – 3 479,2 млрд. сум; иностранные инвестиции и кредиты под гарантию правительства – 6 591,5 млрд. сум. Децентрализованные инвестиции – 45 696,8 млрд. сум; средства предприятий, включая налоги, оставшиеся в предприятиях – 16 981,9 млрд. сум; кредиты коммерческих банков и другие заемные средства – 7 487,4 млрд. сум; прямые иностранные инвестиции и кредиты (эквивалент в сумах) 9 424,4 млрд. сум; средства населения – 11 803,2 млрд. сум. Общая сумма иностранных инвестиций составила 10886.6 млн. долл., в том числе: новое строительство – 4261,2 млн. долл.; модернизация и реконструкция – 5718,3 млн. долл.; другие направления – 907,0 млн. долл. [3].

Для дальнейшего привлечения инвестиций необходимо углубить процесс предоставления инвесторам гарантированных правовых, организационных и финансовых механизмов. При этом, важную роль играет формирование на основе требований рынка взвешенной валютной политики, конвертация национальной валюты.

Указ Президента от 2 сентября 2017 года «О первоочередных мерах по либерализации валютной политики» является важным документом для дальнейшего экономического развития страны [4]. Он направлен на коренное реформирование действующей системы валютного регулирования, предоставление равных условий для всех участников внешнеэкономической деятельности, ускоренное социально-эконо-

мическое развитие республики.

Наличие ряда серьезных проблем, препятствующих повышению экспортного потенциала, улучшению деловой и инвестиционной среды, привлечению иностранных инвестиций, обусловило необходимость проведения кардинальных реформ.

В частности, чрезмерное и неоправданное административное регулирование в этой сфере введение льгот и преференций лишь для определенных отраслей, привело к неравным условиям ведения бизнеса и возникновению параллельного рынка иностранной валюты и обменного курса. Снижение стимулирующей роли курсовой политики во внешней торговле ухудшило ценовую конкурентоспособность товаров и услуг отечественных производителей на внешнем и внутреннем рынке.

Как известно, в условиях, когда мировая экономика до сих пор страдает от негативных последствий глобального финансового кризиса, нет стабильности на мировом рынке, необходимы решительные меры и твердая политическая воля, продуманные и взвешенные экономические планы. Либерализации валютной политики предшествовала основательная подготовка по принципу «семь раз отмерь, один раз отрежь», призванная не допустить снижения уровня жизни наиболее социально уязвимых слоев населения, резкого роста цен на потребительские товары.

Согласно Указа Президента определены:

- изменения всеми государственными органами методов регулирования с контрольно-ограничительных на защитно-стимулирующие, создания благоприятного климата и деловой среды;

- стимулирование роста экспортного потенциала республики, повышенная конкурентоспособность отечественных производителей на внешних и внутренних рынках;

- создание равных условий для всех участников внешнеэкономической деятельности при проведении ими валютных операций, с запрещением практики льгот и преференций отдельным предприятиям и отраслям;

- установление курса национальной валюты по отношению к иностранной валюте исключительно с использованием рыночных механизмов;

- недопущение установления законодательных норм, отрицательно влияющих на стабильность национальной валюты РУз.

#### **Выводы и предложения.**

В настоящее время существует ряд проблем от решения, которых зависит ускорение соци-

ально-экономического развития нашей страны:

- как известно, динамика иностранных инвестиций у нас положительная, она растет, что конечно отражается на устойчивых темпах экономического роста (за последние 11 лет темпы экономического роста экономики Узбекистана составляют около 8% годовых) [6]. Но необходимо отметить, что эти размеры почти полностью находятся под гарантией правительства государства, не используются другие субъекты инвестиционного рынка;

- не налажена система гибкого управления, координации инвестиционного рынка. Этому может способствовать образованный недавно Государственный комитет по инвестициям и другие органы;

- государственное регулирование иностранных инвестиций развивается интенсивно (принят Указ Президента РУз «О либерализации валютной политики»). Однако, это только начальный этап, так как регулирование инвестиций со стороны государства должно осуществляться с использованием всех рычагов экономической политики, в частности инвестиционной политики.

В этой связи, представляется необходимым принятие следующих мер:

- в процессе планирования инвестиционных проектов учитывать межрегиональные диспропорции и неиспользованный экспортный потенциал; перейти от составления краткосрочных к среднесрочным государственным программам по инвестированию;

- наладить систему критериев инвестиционного климата для всех предприятий и организаций, независимо от форм собственности, с разработкой инвест - бизнес – плана, что поможет найти реальных иностранных инвесторов;

- для решения проблем занятости населения и реализации масштабных проектов по модернизации, требующих высокой концентрации капитала, создать условия для образования фи-

нансово- промышленных групп (ФПГ);

- с образованием ФПГ меняется роль научно-исследовательских институтов Академии наук Узбекистана, повысится эффективность использования государственного финансирования научных исследований, кардинально повысится требования к качеству менеджмента и корпоративному управлению;

- совершенствовать механизмы и характер анализа, а также экспертизы технико-экономических обоснований инвестиционных проектов, особенно в регионах с неблагоприятным инвестиционным климатом;

- активизировать использование разнообразных форм привлечения иностранных инвестиций, используя мировой опыт развитых стран;

- меры по либерализации валютной политики конечно носят революционный характер, должны быть продолжены, так как позволят существенно снизить роль черного рынка валютных операций; действия рыночных рычагов экономики, ослабления государственного регулирования валюты.

#### Литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан « О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».- Народное слово, 8.02.17.
2. Распоряжение Президента Республики Узбекистан « О мерах по дальнейшей реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.- Народное слово, 16.08.17.
3. Ru.Spitniknews
4. Указ Президента Республики Узбекистан « О первоочередных мерах по либерализации валютной политики мерах».- Народное слово,5.09.17.
5. Брю С.Л., Макконнелл К.Р. Экономикс: краткий курс, пер. 1-го англ.изд.- М.: ИНФРА, М,2015, 462 с.
6. www. Stat.uz

УДК. 657.922(075.9)

### ИЖТИМОЙ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИНИ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВИДА БАҲОЛАШ

Ганиева Ф.С., и.ф.н.; Пулатов С.Р. (СамДАҚИ)

В сфере оказания оценочных услуг в республике Узбекистан создана правовая база и созданы условия для экономического роста отрасли. Результаты оценочной деятельности рассмотрены в оценке сравнительным методом рыночной стоимости объекта (на примере санатория).

In the sphere of rendering valuation services in the Republic of Uzbekistan, a legal framework has been created and conditions for the economic growth of the industry have been created. The results of the appraisal activity are considered in the evaluation by the comparative method of the market value of the sanatorium.

Давлат ва хўжалик субъектлари миқёсида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатини, унинг устувор йўналишларини яхши тушуниш, инвестицияларни янги қўрилишга сарфлаш вариантларини, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реконструкция қилишни, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари асосидаги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни билиш бугунги кунда кўчмас мулк соҳасидаги мутахассислар учун муҳим аҳамият касб этади.

Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат ва хўжалик механизмини шакллантириш - ҳозирги кунда Республикада олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Бозор механизмларининг ривожланиши ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақобатчилик муҳитининг шаклланишини тақозо қилади. Турли мулкларни баҳолаш эса бу масалаларни ҳал қилишга қаратилгандир. Шундай қилиб, баҳолаш фаолиятини ривожлантириш иқтисодиётда ислохотлар ўтказиш ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида бозор инфратузилмасининг ривожланиши билан ўтган йиллар мобайнида баҳолаш фаолияти шаклланиш йўлини босиб ўтди ва ҳозирги кунда иқтисодиётнинг мустақил соҳасига айланди. Баҳолаш фаолияти ҳақидаги Қонунга асосланган, баҳолаш фаолиятини тартибга солишнинг давлат тартиби шакллантирилган. У юридик шахсларни лицензиялаш, жисмоний шахсларни сертификатлаш, лицензион талаб ва шартларнинг бажарилишини назорат қилишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида баҳолаш хизматлари соҳасига оид зарур ҳуқуқий база шакллантирилган ва уларнинг фаол ривожланиши учун иқтисодий шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасида баҳолаш фаолияти охириги йилларда сезиларли даражада аниқ ва аҳамиятли натижаларга эришди. Шу билан бирга, ижтимоий ва иқтисодий шароитлар ўзгаришсиз бўлмайди, баҳолаш фаолияти, мутахассислик фаолиятининг тури сифатида олиб

борилаётган иқтисодий ислохотларнинг жорий талабларига жавоб бериши лозим. 24 апрель 2008 й. №ПҚ-843 сонли “Баҳолаш ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва кўрсатиладиган хизматлар сифатига уларнинг масъулиятини ошириш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентини Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ислохотларни амалга ошириш умумий жараёнининг таркибий қисми саналган, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тизимини ва мулкни баҳолашни ривожлантиришни такомиллаштириш мақсади қўйилган. Ўзбекистон Республикасида баҳолаш хизматлари соҳасига оид зарур ҳуқуқий база шакллантирилган ва уларнинг фаол ривожланиши учун иқтисодий шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасида баҳолаш фаолияти охириги йилларда сезиларли даражада аниқ ва аҳамиятли натижаларга эришди. Кўчмас мулкни баҳолаш кўпинча қуйидаги мақсадлар учун талаб қилинади: Банкдан кредит олиш учун (ипотека кредити); мерос олиш учун; суд жараёни мақсадлари учун; мулкни сотиш учун ва бошқалар.

Қиёсий ёндашув бўйича объект қийматини баҳолашнинг асосий босқичлари қуйидагича:

1. Баҳолаш объектига ўхшаш (аналогик) объектлар сотилиши, таклиф баҳолари ҳақида маълумотлар йиғиш;

2. Эркин бозор шароитида олди-сотди ишлари бажарилганлиги ҳақида маълумотлар олиш;

3. Ўлчов бирликларини тўғри танлаш ва ҳар бир ўлчов бирлиги учун таққослаш тахлилини ўтказиш, яъни таққослаш объектлари баҳосига нисбатан баҳолаш объектининг баҳосини аниқлаш учун улар баҳосини коррективировка қилиш (тузатиш);

4. Баҳолаш объектининг баҳосини таққослаш характеристикалари тахлили йўли билан аниқлаш ва уларни ягона баҳолаш кўрсаткичига ёки кўрсаткичлар гуруҳига келтириш.

“Панорама”, “Даракчи”, “Зарафшон” рўзномаларида ва Интернет тармоғидан олинган маълумотларга кўра, уй-жойларнинг сотилиш нарлари қуйидагича:

Жадвал 1 Аналог объектларнинг тавсифи

Т/р	Қавати ва хоналар сони	Жойлашган жойи	Конструктив ечими ва техник ҳолати	Умумий майдони, кв.м	Таклиф этилаётган нарх, сўм	Ахборот манбаи
1	2 қаватли	Булангур тумани	Ғиштли, косметик таъмир талаб	460.0	2 396 000 000	<a href="http://www.torg.uz">www.torg.uz</a>
2	2 қаватли	Кимёгарлар қўрғони	Ғиштли, косметик таъмир талаб	550.0	3 470 000 000	<a href="http://www.torg.uz">www.torg.uz</a>
3	2 қаватли	Жума шаҳри	Ғиштли, жуда яхши ҳолат	568.0	3 160 000 000	<a href="http://www.torg.uz">www.torg.uz</a>
4	2 қаватли	Самарқанд тумани	Ғиштли, жуда яхши ҳолат	460.0	4 100 000 000	<a href="http://www.torg.uz">www.torg.uz</a>
5	2 қаватли	Жомбой шаҳри	Ғиштли, косметик таъмир талаб	500,0	3 150 000 000	<a href="http://www.torg.uz">www.torg.uz</a>

Жадвал 2

## Дам олиш масканлари бўйича маълумотлар

Объект тавсифи	Баҳолаш объекти Оқдарё туман	Таққослаш объектлари				
		Буланғур тумани	Кимёгарлар қўрғони	Жума шаҳри	Селский тумани	Жомбой шаҳри
Таклиф нархи	Минг сўм	2 396 000 000	3 470 000 000	3 160 000 000	4 100 000 000	3 150 000 000
Санаси		13.01.15	11.03.15	16.07.16	18.08.16	18.09.16
Хоналар сони	17 хона	20 хона	30 хона	24 хона	32 хона	28 хона
Умумий майдони, кв.м.	483,2	460	550	568	460	500
Жойи	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли
Пойдевор	Бетон	бетон	бетон	бетон	бетон	бетон
Девор	ғиштли	ғиштли	ғиштли	ғиштли	ғиштли	ғиштли
Ораёпма	т/б плита	т/б плита	т/б плита	т/б плита	т/б плита	т/б плита
Том	Асбест шифер	Асбест шифер	Темир	Темир	Темир	Темир
Ички пардоз	косметик таъмир талаб	косметик таъмир талаб	косметик таъмир талаб	жуда яхши ҳолатда	жуда яхши ҳолатда	косметик таъмир талаб
Элект тармоғи	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд
Сув тармоғи	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд
Оқова	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд
Газ тармоғи	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд
Иситиш	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд
Фойдаланиш тури	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш
ҳаммом	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд
хожатхона	алоҳида	алоҳида	алоҳида	алоҳида	алоҳида	алоҳида

Оқдарё туман Ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини кийматини қиёсий ёндашувда аниқлаш

Жадвал 3

Таққослаш элементлари	Баҳолаш объекти Оқдарё туман	Таққослаш объектлари				
		Буланғур тумани	Кимёгарлар қўрғони	Жума шаҳри	Селский тумани	Жомбой шаҳри
Таклиф нархи	Минг сўм	1 396 000 000	1470000 000	1160 000 000	1100000000	1150000000
Нарни пасайтириш миқдори		0,9	0,9	0,9	0,9	0,9
Келишилган нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Сотиш вақти		13.01.15	11.03.15	16.07.16	18.08.16	18.09.16
Тузатиш,%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Мулкнинг эгаллик ҳуқуқи		тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Молиявий шарт		тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ	тўлиқ
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Сотиш шарти		тижорат	тижорат	тижорат	тижорат	тижорат
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Жойлашган манзили		Буланғур тумани	Кимёгарлар қўрғони	Жума шаҳри	Самарқанд тумани	Жомбой шаҳри
Тузатиш%		1,0	1,0	1,0	1,0	1
нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Ум.майдони кв.м.	483,2	460	550	568	460	500
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Жойлашган	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли	2 қаватли

Таққослаш элементлари	Баҳолаш объекти Оқдарё туман	Таққослаш объектлари				
		Буланғур тумани	Кимёгарлар кўрғони	Жума шаҳри	Селский тумани	Жомбой шаҳри
кавати						
Тузатиш%		1.0	1.0	1.0	1.0	1.0
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Автомобил йўли		бор	бор	бор	бор	бор
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Техник ҳолати	косметик таъмир	косметик таъмир талаб	косметик таъмир талаб	жуда яхши ҳолатда	жуда яхши ҳолатда	косметик таъмир талаб
Тузатиш%		1.0	1.0	1.0	1,0	1,0
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Фойдаланиш тури	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш	хизмат кўрсатиш
Тузатиш%		-	-	-	-	-
Нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
Қўшимча шарт	Мебелсиз	Мебелсиз	Мебелсиз	Мебелсиз	Мебелсиз	Мебелсиз
Тузатиш%		-	-	-	-	-
нарх		1326200000	1323000000	1044000000	990000000	1035 000 000
1 кв м нархи	22695739	2883043	2405454	1838028	2152173	2070000
Баҳоланаётган объект киймати	1096738227					

Шундай қилиб, 2017 йил 1 май ҳолатига баҳоланаётган Оқдарё туман Ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини қиёсий ёндашувда аниқланган киймати 1 096 738 227 (бир миллиард тўқсон олти миллион етти юзи ўттиз саккиз минг икки юзи йигирма етти) сўмни ташкил қилади.

Жадвал 4

Оқдарё туман Ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини бозор баҳосини аниқлаш

Кўлланилган ёндашувлар	Аниқланган киймат, сўм	Кўрсаткичлар улушининг коэффициенти	Ҳисобланган баҳо, сўм
Харажатли ёндашув	3788724 811	фойдаланилмади	-
Даромад ёндашуви	1950214 411	0,40	780085764
Қиёсий ёндашув	1096738 227	0,60	658042936
Жами:		1	1438128700

Демак, Оқдарё туман Ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини бозор қиймати 1438128700,6 сўмни ташкил қилди.


*Баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириши*

Дам олиш масканининг турли ёндашувлар ёрдамида баҳолашда қуйидаги натижаларга эришдик:

Харажатли ёндашув – 3 788 724 811 сўм

Даромадли ёндашув - 1 950 214 411 сўм  
 Қиёсий ёндашув – 1 096 738 227 сўм  
 Баҳолаш натижаларини мувофиқлаштиришда турли критериялар ҳисобга олинади:

- сотувчи ва потенциал инвесторнинг асл хоҳиши ва имконияти;
- бозор конъюнктурасининг ўзгариши;
- объектнинг специфик кўрсаткичлари ва х.к.



Оқдарё туман Ўзунқишлоқда жойлашган дам олиш масканини бозор баҳосини аниқлаш гистограммаси

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 19.08.1999 й. №811-1.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 161-сон Қарорига 1-илова “Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби ҳақида”ги Низом. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 31-32-сон, 299-модда.
3. [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)

## ИНЖЕНЕРЛИК ИНШОТЛАРИ НАЗАРИЯСИ ТЕОРИЯ ИНЖЕНЕРНЫХ СООРУЖЕНИЙ

УДК 534.14

### БАЛКАГА ЎРНАТИЛГАН ДИНАМИК СЎНДИРГИЧ ТАСОДИФИЙ ТЕБРАНИШЛАРИ УСТИВОРЛИГИ

Буранов Х., доцент; Пармонов А., магистрант (Самарқанд давлат университети)

В статье рассматривается задача устойчивости механической системы, состоящей из балки и динамического гасителя колебаний при случайных воздействиях. Найдены условия устойчивости системы.

Stability of bar with dynamic absorber of oscillations. It was tinned the problem of bar stability with dynamic absorber on casual influences. It was found conditions of the system stability.

Номукамал эластик-диссипатив характеристикали тақсимланган параметрли механик системаларнинг динамикасини текшириш система ҳаракатларига кўп факторлар таъсир этиши сабабли қийинчиликлар туғдиради. Бундай механик системаларнинг ҳаракат дифференциал тенгламаларида чизикли бўлмаган ҳадларидан ташқари бир қийматли бўлмаган функцияларнинг иштирок этиши масалани ечишнинг махсус усулларини қўллашни талаб этади.

Ушбу ишда тақсимланган параметрли номукамал эластик диссипатив характеристикали механик системаларнинг тасодифий кўзгатишлар остидаги тебранишларининг устиворлиги масаласи қаралган. Гармоник таъсирлар остидаги шу типдаги механик системаларнинг устиворлиги [1,2] да қаралган. Ушбу механик системанинг тасодифий тебранишлари устиворлигини тадқиқ этиш бажарилаётган тадқиқотнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Системанинг ҳаракат дифференциал тенгламалари [3] да олинган ва унга асосан қуйидагича бўлади:

$$EJ \frac{\partial^4 w}{\partial x^4} + \rho F \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} - c [1 + (-\theta_1 + i\theta_2)(D_0 + f(\zeta_{om}))] \times \zeta \delta(x - x_0) = -\rho F W_0; \quad (1)$$

$$m \frac{\partial^2 w(x_0)}{\partial t^2} + m \frac{\partial^2 \zeta}{\partial t^2} + c [1 + (-\theta_1 + i\theta_2)(D_0 + f(\zeta_{om}))] \zeta = -m W_0,$$

бу ерда  $f(\zeta_{om})$  – динамик сўндиргич тебранишларининг декременти бўлиб, қуйидагича тасвирланади:

$$f(\zeta_{om}) = D_1 \zeta_{om} + D_2 \zeta_{om}^2 + \dots + D_{r_2} \zeta_{om}^{r_2}, \quad (2)$$

$w(x_0)$  – динамик сўндиргич ўрнатилган нуктанинг тезланиши;  $\theta_1, \theta_2$  – динамик сўндиргич эластик элементи хоссаларига боғлиқ коэффициентлар;  $\delta(x)$  – Диракнинг дельта-

функцияси;  $D_0, D_1, \dots, D_{r_2}$  – гистерезис тугунининг параметрлари.

Қаралаётган механик система асоси тезланишининг математик қутилмаси нолга тенг бўлган нормал стационар жараёндан иборат бўлсин. [4] да шу типдаги механик системалар тасодифий тебранишлари динамикасини тадқиқ этиш масаласи қаралган.

Қисқа полосали тасодифий жараёнлар учун асос тезланишининг спектрал зичлигини

$$S_{W_0}(\omega) = \frac{1}{4} \sigma_{W_0}^2 [\delta(\omega + \vartheta) + \delta(\omega - \vartheta)],$$

деб оламиз, бунда  $\sigma_{W_0} - W_0(t)$  нинг ўрта квадратик қиймати;  $\vartheta$  – тасодифий тебранишларнинг асосий частотаси.

Номукамал эластик диссипатив характеристикали механик системаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири тебранишлар частотасининг амплитудага боғлиқлигидир. Бу турдаги механик системалар учун тебранишлар амплитудаси бир қийматли аниқланмаган бўлиб, тебранишлар частотасининг баъзи қийматлари учун амплитуданинг учта қийматлари мос келиши мумкин. Бунда амплитуданинг баъзи қийматлари ҳақиқатда амалга оширилмайди. Механик система тебранишлари амплитудаси бундай частоталар атрофида тебранишлар частотасининг кичик қийматга ўзгариши оқибатида ҳам кескин ортиши ёки камайиши мумкин. Яъни, тебранишлар амплитудаси бу частоталарда «сақраб» ўзгаради. Системанинг бу частоталари ноустивор частоталар ҳисобланади. Тасодифий тебранишларда бу ноустиворлик амплитудаларга мос координаталар ўрта квадратикларининг «сақраб» ўзгариши билан боғлиқ.

У ҳолда  $q_{kva}$   $\zeta_a$  ўзгарувчиларнинг ўрта квадратик қийматлари қуйидагича бўлади:



$$\sigma_{qk}^2 = \int_{-\infty}^{+\infty} |\Phi_{qk}|^2 S_{W_0}(\omega) d\omega; \tag{3}$$

$$\sigma_{\zeta}^2 = \int_{-\infty}^{+\infty} |\Phi_{\zeta}|^2 S_{W_0}(\omega) d\omega,$$

бу ерда  $\Phi_{qk}$  ва  $\Phi_{\zeta}$  – системанинг амплитуда-частота характеристикалари бўлиб, қуйидагича ифодаланади:

$$\Phi(q_{ka}) = |q_{ka}| = \frac{W_0}{|\Delta|} \left\{ [d_k \omega^2 - n^2(1 - \theta_1 Q)(\mu_k u_0 + d_k)]^2 + [\theta_2 Q n^2(\mu_k u_0 + d_k)]^2 \right\}^{1/2};$$

$$\Phi(\zeta_a) = |\zeta_a| = \frac{W_0}{|\Delta|} [(1 - d_k u_0) \omega^2 - p^2]^{1/2},$$

бу ерда  $\mu = \frac{m}{m_C}$ ;  $\mu_k = \frac{\ell}{d_{2k}}$ ;  $m_C$  – балка мас-

саси;  $d_k = \frac{d_{1k}}{d_{2k}}$ ;  $p$  – энергия тарқалиши эъти-

борга олинмаган ҳолдаги хусусий частота;

$$d_{1k} = \int_0^{\ell} u_k dx; \quad d_{2k} = \int_0^{\ell} u_k^2 dx;$$

$$R = C_0 + \frac{3EJ\mu_k}{m_C p k^2} \sum_{i=1}^{r_2} C_i q_{ka}^i \frac{h^i}{2^i(i+3)} G_{ki};$$

$$Q = D_0 + f(\xi_{om}); \quad G_{ki} = \int_0^{\ell} u_k \frac{\partial^2}{\partial x^2} \left( \frac{\partial^2 u_k}{\partial x^2} \left| \frac{\partial^2 u_k}{\partial x^2} \right|^i \right) dx.$$

Статистик чиқиқлаштиришни бажарамиз ва Дирак функциясининг қуйидаги хоссасидан фойдаланиб:

$$\int_a^b f(\xi) \delta(\xi - X) d\xi = \begin{cases} 0, & X < a \text{ ёки } X > b \text{ учун;} \\ 1/2f(X+0) & X = a \text{ учун;} \\ 1/2f(X-0) & X = b \text{ учун;} \\ 1/2(f(X+0) + f(X-0)) & a < X < b \text{ учун,} \end{cases}$$

қаралаётган механик система учун  $q_k$  ва  $\zeta_a$  ларнинг ўрта квадратик қийматлари қуйидагича ёзамиз:

$$\sigma_{qka}^2 = \frac{W_0^2}{|\Delta|^2} \left\{ [d_k v^2 - n^2(1 - \theta_1 Q)(\mu_k u_0 + d_k)]^2 + [\theta_2 Q n^2(\mu_k u_0 + d_k)]^2 \right\}; \tag{4}$$

$$\sigma_{\zeta_a}^2 = \frac{W_0^2}{|\Delta|^2} [(1 - d_k u_0) v^2 - p^2]^2,$$

бу ерда

$$\Delta = [\omega^2 - p^2] [\omega^2 - n^2(1 + (-\theta_1 + i\theta_2)Q)] - n^2(1 + (-\theta_1 + i\theta_2)Q)\mu_k u_0^2 \omega^2.$$

Қаралаётган механик системанинг тасоди-

фий тебранишлари устивор бўлиши учун олинган (4) ўрта квадратик қийматлар бир қийматли бўлиши зарур.

Маълумки, (4) билан аниқланувчи ўрта квадратик қийматларда вертикал уринмаларнинг мавжуд бўлишлик шартини, яъни

$\frac{\partial \sigma_{qka}}{\partial v} \rightarrow \infty$  шартни текшираемиз. (4) даги ҳар

бир тенгликни дифференциаллаб, зарурий ҳисоблашларни бажариб,

$$\left( \sigma_{qk} \theta_1 \frac{\partial Q}{\partial \sigma_{qk}} \right)^2 < 4\theta_2^2 \frac{\partial(\sigma_{qk} Q)}{\partial \sigma_{qk}} \tag{5}$$

шарт бажарилганда ҳисобланаётган ҳосиланинг маҳражи нолга тенг бўлишини келтириб чиқарамиз.

Демак, қаралаётган механик системанинг тасодифий тебранишлардаги ҳаракати устивор бўлиши учун (5) тенгсизлик бажарилиши етарли эканлигини келтириб чиқарамиз. (5) тенгсизликда мос ҳосилалар (4) ифодаларни эътиборга олган ҳолда ҳисобланади. Система устивор бўлиши асосан номукамал эластик диссипатив характеристиканинг энергия тарқалиши ва частоталарнинг ўзгариши коэффициентлари –  $\theta_1$  ва  $\theta_2$  га боғлиқ бўлиб, бу коэффициентларнинг қай бирининг таъсири сезиларлироқ бўлишига боғлиқ.

**Адабиётлар:**

1. Буранов Х.М. Об устойчивости упругого стержня с динамическим гасителем колебаний при гармонических воздействиях. // Материалы республиканской конференции «Дифференциальные уравнения и их приложения» // г. Самарканд, 2005, т. 1, с. 76-78.

2. Дусматов О.М., Буранов Х.М., Абсаломов Т. О нелинейных колебаниях упругого стержня с динамическим гасителем // Труды международной конференции «Современные проблемы математической физики и информационных технологий» // г. Ташкент, 2005, с. 156-158.

3. Дусматов О.М., Мамзенко Ю.А. Колебания несовершенного упругого стержня с динамическим гасителем при гармонических и случайных воздействиях // Тезисы докладов 1-научно-технической конференции молодых ученых, специалистов и студентов «Фундаментальные и прикладные проблемы космонавтики», Киев, 1988.

4. Резников И.И., Рыжков Л.М., Осипчук С.Н. Колебания систем с несовершенной упругостью материала при случайных колебаниях. // Механика гироскопических систем, вып. 6, 1987. – 105-109 с.

УДК 517.95:519.62

**ПРИБЛИЖЕННОЕ РЕШЕНИЕ НЕЛИНЕЙНОГО УРАВНЕНИЯ КЛЕЙНА-ГОРДОНА  
МЕТОДОМ ВАРИАЦИОННЫХ ИТЕРАЦИЙ И ГОМОТОПИЧЕСКИМ  
МЕТОДОМ МАЛОГО ПАРАМЕТРА**

